

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

И.И. Хувайтов, Р.Р. Тумпаров

Саҳифаловчи

Д.Х. Хамидуллаев

Муқова дизайни

С.В. Асямов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган.

Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр.-ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Saydana-print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 3-уй.

Босишга рухсат этилди 24. 06. 2011.

Буюртма №

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНING

АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2011 йил, 2-сон

МУНДАРИЖА

Ҳуқуқий ислоҳотлар ва қонунчиликни такомиллаштириш

Правовые реформы и совершенствование законодательства

Одилқориев Х. Т.

Қонун ижодкорлиги жараёнининг методологик талқинига доир мулоҳазалар.....3

Мамасиддиқов М.

Суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришнинг аҳамияти ва зарурати.....11

Иноғомжонова З. Ф., Тўлаганова Г. З.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш: тажриба ва истиқболлар.....15

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш муаммолари

Проблемы обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью

Мамадалиев Ш. О., Тожибоев М. Т.

Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигини таъминлашнинг гоъвий асослари.....23

Маккамбаев П. А.

Участие органов государственного управления в международно-правовом обеспечении пограничной безопасности Республики Узбекистан.....29

Убайдулла-зода Н.

Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ айрим масалалар.....35

Юлдашев М. Ш.

Создликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини самарали ташкил этишда режим ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг аҳамияти39

Атабаев Х. Н., Хусанов А. Д.

Возможности применения полиграфа в раскрытии и расследовании преступлений.....44

Учредитель:

Академия МВД Республики Узбекистан

Редакционная коллегияТ.Р.Саитбаев (ответственный редактор),
Х.Т.Адилкариев, И.Исмаилов, Э.Х.Нар-
бутаев, Ш.Р.Кабиров, А.А.Таджиев,
С.А.Раззаков, Н.Т.Исмоилов, Р.Р.Тумпаров**Редакторы номера**

И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

Верстка

Д. Х. Хамидуллаев

Дизайн обложки

С. В. Асямов

Вестник зарегистрирован Узбекским агент-
ством по печати и информации 18 июня
2009 г.Свидетельство о регистрации средства мас-
совой информации № 0568Решением Президиума ВАК при Кабинете
Министров Республики Узбекистан от 29 апреля
2011 года №172/5 включен в список научных
журналов**Адрес редакции:**

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редак-
ционно-издательском отделе Академии
МВД Республики Узбекистан.При перепечатке или воспроизведении любым
способом полностью или частично ссылка на
вестник «Узбекистон Республикаси ИИВ
Академиясининг ахборотномаси» обязательна.Мнение редакции может не совпадать с точ-
кой зрения авторов публикаций. Ответствен-
ность за содержание публикаций и досто-
верность фактов несут авторы материалов.Редакция не вступает в переписку с авторами
писем, рукописи не рецензируются и не
возвращаются.Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать
офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в
типографии ООО «Saydana-print», г. Ташкент,
ул. Камарнисо, д. 3.

Подписано в печать 24. 06. 2011.

Заказ №

© Академия МВД Республики Узбекистан,
2011.*Ражабов Б. А.*Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишда шахс
ҳуқуқларининг таъминланиши.....47*Туламов В. Б.*Некоторые особенности раскрытия и расследования
хулиганства.....53**Ички ишлар идоралари учун кадрлар
тайёрлаш масалалари****Вопросы подготовки кадров для органов
внутренних дел***Арифджанов Э. Қ.*Ички ишлар идоралари ходимларида юксак маънавий
фазилатларни шакллантиришнинг баъзи масалалари.....58*Саидов Б. А.*Ички ишлар идоралари таълим муассасалари учун илмий-
педагог кадрлар тайёрлаш институти: тақомиллаштириш
йўналишлари.....65**Хорижий тажриба****Зарубежный опыт***Хамедов И. А., Исмоилов Н. Т.*

Институт административной юстиции: опыт Германии.....69

*Қаландаров М. М.*Хорижий мамлакатлар ва миллий жиноят қонунчилигида
ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга
оид нормаларнинг шаклланиши.....73**Ёш олимлар минбари****Трибуна молодых ученых***Бабамурадов А.*

Ҳокимлик институти: ҳуқуқий мавқеи ва ваколатлари.....76

*Ярмухаммедова А. Р.*Институт обеспечения производства по делам об
административных правонарушениях: проблема
правовой регламентации.....80*Ахмедов И. Б.*Жиноят иши бўйича далилларни сохталаштириш
ва унинг ижтимоий асослари.....85*Нуруллаев У. К.*Гаровга қўювчи сифатида мажбуриятларнинг бажари-
лишини таъминлашда учинчи шахсининг иштироки.....88*Гордеев С. Н.*Тергов ва суддан яширинган шахсларни қидиришда
хамкорликни ташкил этиш.....91**Конференция ва семинарлар****Конференции и семинары**«Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ
ислоҳотлари: муаммо ва истиқболлар» мавзuida республика
илмий-амалий конференцияси ҳақида ахборот.....95Информация о семинаре-тренинге, посвященном вопросам пре-
подавания прав человека сотрудникам правоохранительных органов...96

Х. Т. Одилқориев

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ТАЛҚИНИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Қонун ижодкорлиги назариясини яратиш, унинг амалий жиҳатларини илмий таҳлил этиш ҳуқуқшунослик фани диққат-марказидаги долзарб мавзулардан биридир. Ҳозирги кунга қадар жамият ҳаёти учун ниҳоятда муҳим бўлган ушбу воқелик асосан юридик нуқтаи назардан талқин этиб келинмоқда. Бошқача айтганда, қонун ижодкорлигининг юридик механизми, ҳуқуқий табиатига оид билимлар тизими шаклланди. Аммо, эндиликда қонун ижодкорлигига фалсафа, ҳуқуқ фалсафаси фанлари ютуқлари асосида ёндашиб, унинг диалектикасини муфассал очишга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Шубҳасиз, давлат-ҳуқуқий воқеликларга, жумладан қонун ижодкорлиги талқинига фалсафий методология нуқтаи назаридан ёндашиш мамлакатимиз Президенти кун тартибига қўйётган замонавий ҳуқуқшунослик мактабини яратиш вазифасини ҳал этишда салмоқли ўрин тутиши табиий.

Демократик жамиятда халқ иродасини (турли ижтимоий гуруҳларнинг уйғунлаштирилган умумий иродасини) қонун даражасига қўтариш жараёни ўзининг муайян мазмуни, тартиб-таомили ва шаклига эга. Қонун ижодкорлигини диалектик дунёқараш, жумладан миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиши, қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши, инкорни инкор қонунлари, шунингдек яккалик, хусусийлик ва умумийлик, моҳият ва ҳодиса, система ва элемент, мазмун ва шакл нисбати, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик каби фалсафий қонун ва категориялар орқали талқин этиш мазкур мураккаб ижтимоий ҳодисалар хусусида теран ва бой илмий билим ҳосил қилиш имконини беради.

Қонун ижодкорлиги методологиясини муфассал очишдан аввал «методология» термини қандай маънони англатишини аниқлаб олиш лозим. Методологиянинг фалсафага оид қомусий лугатлардаги биринчи талқинига қўра, у бирон-бир фанда қўлланиладиган тадқиқот метод (усул)ларининг мажмуи; иккинчи маъноси — илмий билим ва дунёни ўзгартириш методи ҳақидаги таълимот¹.

Бундай фикр бошқа кўпчилик адабиётларда ҳам учрайди², аммо методологияни методларнинг оддий йиғиндиси деб талқин этиш, чамаси, унинг туб моҳиятини англаш имконини бермайди. Шунингдек, фан методологиясини умумфалсафий (универсал), умумий ва хусусий илмий методларнинг йиғиндиси деб ҳисоблаш масалага юзаки ёндашув бўлади. Айни вақтда, фан методологияси билан фаннинг методологик функцияси ўртасида фарқ борлигини ҳам ёдда тутиш лозим. Баъзи олимлар «методология» тушунчаси орқали воқеликни ўрганишнинг хусусий йўл ва методларини бирлаштирадилар³. Иккинчи гуруҳ олимлар методология деганда воқеа ва ҳодисаларни билишнинг фалсафий жиҳатларини тушунадилар⁴. Учинчи гуруҳ муаллифлар методологияни диалектика билан

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Қаранг: Фалсафа: қомусий лугат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. — Б.258.

² Қаранг: *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007. — Б.17; *Мухамедов Ў.Х.* Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни тизимлаштириш. — Т., 2009. — Б.54; *Саидов А., Таджиханов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 1-жилд. — Т., 2001. — Б.20.

³ Қаранг: *Файзуллаев О.* Фалсафа ва фанлар методологияси. — Т., 2006. — Б.5—6.

⁴ Қаранг: *Лекторский В.А., Швырев В.С.* Методологический анализ науки (Типы и уровни). — Философия, методология, наука. — М., 1987. — С.14.

айнанлаштирадидилар¹. Тўртинчи тоифа тадқиқотчилар — методологияни фалсафага дахли бўлмаган алоҳида фан йўналиши², бешинчи гуруҳ мутахассислар эса — метод эмас, балки у ҳақидаги таълимот, назария³, фан⁴, деб ҳисоблайдилар. Методологиянинг алоҳида фан деб тан олинишига Д.А.Керимов қарши чиқади⁵. Фикримизча, методология фан эмас, балки унинг назарий асоси, илмий билиш пойдеворидир.

«Фалсафий энциклопедик лугат»да эътироф қилинишича, методология — назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш ҳамда қуриш принциплари, усуллари тизими, шунингдек бу тизим ҳақидаги таълимотдир⁶. Профессор Н.Шермухамедова ҳам шу ёндашувга таяниб, «методология — билиш фаолияти йўллари ҳақидаги таълимот»⁷, — деб ёзади.

Ҳуқуқшунос-социологлар В.А.Козлов ва Ю.А.Сусловларнинг эътирофича, ҳар бир фанда ўзаро боғлиқ икки жиҳатни: билимлар тизими ва уларни ўзлаштириш, кўпайтириш методлари системасини кўриш мумкин. Бошқача айтганда, улар билимлар тизимининг ҳар бири ўз методологик воситаларига эга, деган фикрдалар⁸. Проф.В.П.Казимирчукнинг таъбири билан айтганда, ҳуқуқ фанининг методологияси — давлат ва ҳуқуқ воқеликларини ўрганишда диалектиканинг назарий принципларига асосланган мантиқий йўл ва махсус методлар тизимини қўллашдир⁹. Методология тавсифига билишнинг назарий принциплари киритилиши илмий изланиш методологиясининг қатъий бирлигини таъминлайди.

В.В.Лазарев ва С.В.Липеннинг фикрига кўра, тадқиқот методологияси — объектив воқеликни акс эттирувчи ҳақиқий билим ҳосил қилиш учун қўлланиладиган илмий фаолиятнинг принцип, усул ва воситалари тизимидир¹⁰.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, методология-умумий фалсафий асосга таянувчи билимлар, шунингдек жамият ва тафаккур ҳодисаларини англаш тизимидир. Ҳуқуқшуносликка татбиқан гапирганда, методология давлат ва ҳуқуқни ўрганишга принципиал, холис ва тўғри ёндашишнинг илмий услуби ва тадқиқ этиш тизимидир. Методология деганда, илмий изланишнинг дунёқараш даражасидаги асосини, унинг тизими ва йўналишларини белгиловчи билиш методларининг назарияси тушунилади. «Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар» китобининг муаллифлари ҳам Д.А.Керимовнинг позициясида туриб, «методология — дунёқараш ва фундаментал умумназарий концепциялар, энг умумий диалектик қонун ва категориялар, умумий ва хусусий илмий методлар каби қатор компонентларни бирлаштирувчи интеграл ҳодисадир¹¹», — деб изоҳлайдилар.

Шундай қилиб, **методология** — у илмий изланишга замин қилиб олинадиган дунёқараш, тадқиқот олиб боришнинг умумий раҳбарий принцип, қоида, усул ва воситалари тизими. Бошқача айтганда, методология илмий билиш, воқеликни тадқиқ этиш стратегиясидир¹².

¹ Қаранг: Керимов Д. А. Философские основания политико-правовых исследований. — М., 1986. — С.21, 42; Страгович М. С. Методологические вопросы юридической науки// Вопросы философии. — 1965. — №12.

² Қаранг: Стефанов Н. Теория и метод в общественных науках. — М., 1987. — С.156—157.

³ Қаранг: Гиргинов Г., Янков М. Методология как раздел гносеологии // Вопросы философии. — 1973. — №8. — С.127.

⁴ Қаранг: Лукич Р. Методология права. — М., 1981. — С.24—25.

⁴ Қаранг: Керимов Д. А. Философские основания политико-правовых исследований. — М., 1986. — С.29.

⁶ Қаранг: Философский энциклопедический словарь. — М., 1983. — С.471.

⁷ Shermuhamedova N. Falsafa va fan metodologiyasi. — Т., 2008. — В.209.

⁸ Қаранг: Козлов В. А., Суслов Ю. А. Конкретно-социологические исследования в праве. — М., 1981. — С.31.

⁹ Қаранг: Казимирчук В. П. Право и методы его изучения. — М., 1965. — С.23.

¹⁰ Қаранг: Лазарев В. В., Липень С. В. Теория государства и права. — М., 1998. — С.11.

¹¹ Рустамбоев М. Ҳ., Абдухалиқов С. О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. I-китоб. — Т., 2005. — Б.30.

¹² Қаранг: Шедровицкий Г. П. Философия, наука, методология. — М., 1997. — С.283.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан ўз тадқиқот мавзуларини ўрганиш ва таҳлил этишда қўлланадиган принциплар, воситалар, ёндашув ҳамда методлар тизими, ҳосил қилинадиган билимларни умумлаштириш ва таснифлаш принциплари унинг методологиясини ташкил этади. Фикримизча, давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методологияси давлат ва ҳуқуқ воқеликларининг (институтларининг) вужудга келиши, барқарорлашуви ва ривожланишининг умумий қонуниятларини очиш, уларни моҳият нуқтаи назаридан изоҳлашнинг махсус методлари, принциплари, муайян дунёқараш асосидаги ёндашувлар, изланиш усуллари ва воситаларининг илмий тизими, улар ҳақидаги таълимотдир. Албатта, давлат ва ҳуқуқ назарияси бир ёки икки метод билан ўз вазифаларини адо этолмайди. Бунинг учун у барча метод ва услубий ёндашувларнинг бутун бир тизимига таянади. Мазкур фан методологиясининг туб моҳияти у давлат ва ҳуқуқ воқеликларини тадқиқ этишда фойдаланадиган таҳлил усуллари ва принципларининг илмийлиги ҳамда ёндашувларнинг фалсафийлигига асосланишида намоён бўлади. Фалсафанинг категория ва қонунлари давлат ва ҳуқуқ назарияси методологиясининг пойдеворини ташкил этади. Айнан фалсафий пойдевор тадқиқ этилаётган воқелиklar ҳақидаги билимларнинг илмий асослантирилганлиги, объективлиги, тўлақонлиги, ҳаққонийлиги ҳамда комплекслигини таъминлайди¹

Академик Д.А.Керимовнинг таъкидлашича, фалсафа, хусусан диалектика методологиянинг «қалби», асл ўзаги бўлиб, нафақат табиат, жамият ва тафаккурни билиш услуби, балки унинг назарий дунёқарашга оид заминини ташкил этади². Э.Г.Юдин Дунёни билиш борасидаги муносабатлар инсонлар ўртасида қарор топишини таъкидлар экан, дунёни англаш методологиясининг қуйидаги тўрт даражасини кўрсатиб ўтади: 1) олий даража — билишнинг умумий принципларини ва фаннинг категориал тузилишини белгилайдиган фалсафий методология; 2) умумилмий даража — тадқиқотнинг умумилмий принциплари ва шаклларини акс эттиради; 3) соҳавий-илмий даража — аниқ илмий методология бўлиб, муайян фан соҳасида қўлланувчи тадқиқот методлари, принциплари йиғиндиси; 4) қуйи даража — ишончли ва бир хилдаги эмпирик материалларни топиш ва қайта ишлаш тартиблари йиғиндиси тарзидаги тадқиқот методикаси ва техникаси³.

Ҳар қандай фалсафий усул, категория ва қонунлар аниқ воқелиklarни билишда методологик инструмен (восита)тарий мақомига эга бўлишдан аввал тегишли фан соҳасига мувофиқлашиши, қайта мослаштирилиши лозим. Бу фикрни исботлашга интилган профессор В.П.Казимирчук шундай деб ёзади: «Диалектика қонунлари ва категориялари ҳуқуқий фанга тайёр ва ўзгармас ҳолда ўтмайди. Улар ҳуқуқий фанларда қўлланилар экан, муайян мазмун билан тўлдирилади, модификациялашади ва шу тариқа ҳуқуқ учун аҳамиятли бўлган махсус ифодага эга бўлади»⁴.

Югославиялик олим Родимир Лукич қуйидаги рационал фикрни илгари суради: «Инсонлар ҳуқуқдан нафақат илмий мақсадларда, балки амалиётда ҳам фаол фойдаланишлари боис, ҳуқуқ методологияси тушунчасига ҳуқуқий воқелиklarни наинки илмий билиш методлари ҳақидаги таълимотни, шунингдек ҳуқуқдан амалда фойдаланиш методлари тўғрисидаги таълимотни ҳам киритиш лозим. Ҳуқуқ соҳасидаги амалий фаолиятни ўрганиш икки шаклда — ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалга оширишни тадқиқ этиш шаклида намоён бўлади»⁵. Шу маънода, қонун ижодкорлиги методологияси хусусида гапириш мумкин. Д.А.Керимов бу фикрни қўллаб-қувватламайди. Унинг талқинига кўра, Р.Лукичнинг ёндашуви натижасида илмий ва амалий услубиёт ўзаро қарама-қарши қўйилар эмиш. Фикримизча, ҳуқуқ ижодкорлигини — назария, ҳуқуқни амалга ошириш жараёнини эса амалиёт, деб ажратиш тўғри эмас. Ҳуқуқ ижодкорлиги тафаккур қилишни, илмий асосларга таянишни тақозо этадиган жараён бўлиши баробарида айни амалий

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / проф. Х. Т. Одиқориев таҳрири остида. — Т., 2009. — Б.16—17.

² Керимов Д. А. Философские основания политико-правовых исследований. — М., 1986. — С.9, 21.

³ Юдин Э. Г. Системный подход и принцип деятельности. — М., 1978. — С.40—41.

⁴ Казимирчук В. П. Право и методы его изучения. — М., 1965. — С.46.

⁵ Лукич Р. Методология права. — М., 1981. — С.24.

фаолиятдир. Бироқ бу амалий фаолиятнинг ҳам ўз назарияси ва таълимоти бўлиши мумкин ва лозим. Шу маънода, ҳуқуқ (қонун) ижодкорлигининг методологияси хусусида сўз юритиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Қонун ижодкорлигининг моҳиятини англашда, унинг методологияси хусусида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишда фалсафий қонунлар ва категорияларнинг аҳамияти шундаки, улар ёрдамида мазкур воқеликни билишнинг илмий йўл ва усуларини топиш, воқеа, ҳодиса ҳамда фактларни баҳолашга аниқ ёндашувни таъминлаш назария ҳаётдан ажралиб қолишининг олдини олиш, ижтимоий тараққиётнинг қонуниятларини, тенденцияларини тўғри илғаш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бошқача айтганда, фалсафанинг назарий умумлашмалари ва категориялари қонун ижодкорлиги жараёнининг моҳиятини англашда йўналтирувчи маёқ вазифасини ўтайди.

Дастлаб қонун ижодкорлигини фалсафий категориялар бўлмиш «моҳият ва мақсад» орқали изоҳлашга киришамиз. Аввало, қонун ижодкорлигининг мақсадини тўла-тўқис билиб олиш лозим. Зеро, мақсадни тўғри белгилаш ижтимоий-ҳуқуқий тараққиёт қонуниятларини англаш орқали халқ иродасини шакллантириш ва ҳуқуқий тартибга солишнинг оқилона вариантини белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Маълумки, мақсад — инсон онгли фаолиятининг аввалдан ўйланган натижаси. Қонун ижодкорлигига татбиқан изоҳлаганда эса, мақсад — қонун чиқарувчи орган интилаётган ижобий натижа бўлиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги жамият объектив эҳтиёжларининг зарурий ифодасидир. «Қонун яратиш соҳасида мақсадни белгилаш деганда, бир томондан, мавжуд ижтимоий муносабатларнинг аҳволини, бугунги ҳолатини атрофлича ўрганиш назарда тутилса, иккинчи томондан, шу ижтимоий муносабатларни ўзгартириш, ривожлантириш йўналишлари ва мазмуни белгиланиши тушунилади»¹. Демак, қонун ижодкорлигининг асл мақсади тегишли ижтимоий муносабатларни фуқаро, жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиқиб қонунлар воситасида тартибга солишни йўлга қўйишдир.

Маълумки, ҳуқуқий нормаларни, айниқса қонунларни яратиш мураккаб ва серқирра ижтимоий жараёндир. Қонун ижодкорлиги тафаккур, мушоҳада билан боғлиқ фаолият бўлиб, бунда яратувчилик, бунёдкорлик, янги қоидалар ихтиро этиш амалга ошади. Бу жараёнда ижтимоий тараққиёт қонуниятлари ва жамият эҳтиёжлари асосида шаклланадиган умумий ирода (умумхалқ иродаси) давлат томонидан расман эътироф этилиб, қонун даражасига кўтарилади.

Методология нуқтаи назаридан ёндашилганда, қонун ижодкорлигининг моҳияти тегишли фаолият натижасида яратилаётган қонунлар қандай ижтимоий манфаатларни акс эттиради, халқ (ижтимоий гуруҳ)нинг иродасини қай тарзда ифода этади, деган саволларга жавоб бериш орқали очилади. Қонун ижод этишнинг моҳияти шундаки, унда ҳокимиятнинг ваколатли вакиллик органи (референдумда — бевосита халқ) давлат (халқ) иродасини қонун даражасига кўтариб, унга сиёсий, юридик тус беради. Айни вақтда, унинг моҳияти, бутун сиёсий-ҳуқуқий тавсифига қарамасдан, воқеликни, ижтимоий муносабатлар мазмунини назарий англашдан иборат. «Қонунчилик функцияси, -деб таъкидлайди К.Маркс, — ироданинг амали эмас, балки унинг «назарий энергияси» бўлишдир. Бу ерда ирода ўзини қонун ўрнига ўтказмайди: унинг роли айнан ҳақиқий қонунни (объектив тараққиёт қонунини. — муал.) очиш ва ифода этишдан иборат. Қонун чиқарувчи қонунларни кашф этмайди, балки уларни шакллантиради, у фақат анланган ижобий қонунларда маънавий муносабатларнинг ички қонунларини ифода этади»². Демак, ҳаётнинг, тараққиётнинг объектив қонуниятлари бирламчидир, қонун эса уларни юридик шакл сифатида қайд этади. Қонун яратишнинг моҳияти мана шундадир³.

Диалектиканинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни қонун ижодкорлиги жараёнида қандай амал қилиши катта илмий қизиқиш уйғотади. Барча ҳодиса

¹ *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — Б.81.

² *Маркс К., Энгельс Ф.* Танланган асарлар. 3-жилд. — Т., 1983. — Б.435.

³ *Одилқориев Х., Тутьтеев И.* Икки палатали парламент. — Т., 2005. — Б.84.

ва жараёнлар каби қонун ижодкорлиги сифат муайянлиги билан бир қаторда миқдор муайянлигига ҳам эга. Мазкур фалсафий қонуннинг моҳияти шундаки, нарса ва ҳодисалардаги жузъий миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Қонун ижодкорлиги жараёнида қонун лойиҳаларини тайёрлаш, уларни муҳокама этиш ва қабул қилиш тажрибаси (миқдор) ортиб, такомиллашиб боргани сайин бу фаолият сифат ўзгаришларига олиб келади, яъни сифат жиҳатидан мукаммаллашади. Шунингдек, муайян ҳуқуқ тармоғига тегишли қонунлар сони ошиб бориши баробарида бу соҳадаги қонунчилик тизими такомиллашади ва зарурий сифат муайянлигига эришилади.

Масалан, ҳуқуқ тармоқларида кодекслар яратилгунига қадар шу соҳаларда қонунчилик ҳужжатлари тўпланиб, миқдори ошиб боради. Улар муайян даражага етганда меъёр чегараси бузилади, мавжуд ҳуқуқий нормалар моҳиятан қайта ишланиб, мантиқий изчил тизимга солиниб, мазмун ва сифат жиҳатидан янги ҳужжат — кодекс яратилади. Ҳуқуқ тармоғида кодекснинг қабул қилиниши шу соҳадаги қонунчилик тизимида сифат ўзгариши амалга ошганлигини англатади. Миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келишига яна қуйидаги вазиятни мисол қилиш мумкин. Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 1994 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган ўн етти йил мобайнида унга юзга яқин янги моддалар, бошқа қўшимча ва ўзгартишлар киритилди (миқдор ўзгариши). Эндиликда эса Президент И.Каримов 2010 йил 12 ноябрда баён этган Концепцияда¹ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни янги таҳрирда қабул қилиш (сифат ўзгариши) масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги диалектик жараён сифатида ижтимоий тараққиёт қонуниятлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, улар таъсирида кечади. Ижтимоий муносабатларни юридик тартибга солиш жараёнида муайян номувофиқликлар, жумладан, мавжуд воқелик билан аввал яратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятлар, қарама-қаршиликлар учраши табиий. Воқеа, ҳодиса ва жараёнлар табиатида қарама-қаршиликлар мавжудлиги диалектика қонунидир. Қарама-қаршилик ўзаро бир-бирини истисно этувчи, ammo диалектик жуфтликни, ягоналикни ташкил этувчи икки томондир².

Абу Наср Форобий ҳам ўз таълимотида қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши диалектикасига асосланган. Аллома «Буюк кишиларнинг нақллари» рисоласида қуйидагиларни ёзган: «Яхшиликлар (амаллар) ҳаммаси... икки кескин чегара камчилик ва ортиқчалик ўртасида ўрнашгандир... Сахийлик ҳам икки нуқта ўртасида жойлашган. Бир томонда хасислик бўлса, иккинчи томонда ҳотамтойлик туради... Яхши одобнинг бир тарафида такаббурлик, бошқа тарафида хасислик (пастлик), ҳурмат-икромнинг бир тарафида ҳаддан ташқари мағрурлик, бир тарафида хушомадгўйлик; хушфёълликнинг бир томонида осойишталик, иккинчи тарафида газабланиш; хаёнинг бир томонида виждонсизлик, бир томонида ҳаддан ташқари уятчанлик; дўстликнинг бир тарафида кўра олмаслик, бир томонида хушомадгўйлик туради, бошқа ишларда ҳам аҳвол худди шундай»³.

Қарама-қарши томонлар (кучлар) ўртасидаги кураш — тараққиёт манбаи. Қонун ижодкорлиги доирасидаги қарама-қаршиликлар янги билан эски ўртасидаги кураш тарзида намоён бўлиб, эски ҳуқуқий нормаларнинг бекор бўлиши ва янгиларининг пайдо бўлишига туртки беради. Масалан, 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган эди. Ammo, кўп ўтмай 1997 йил 29 августда қонун янгидан қабул қилинди. Биринчи қонунда баён этилган қатор юридик нормалар кейинги йилларда таълим соҳасида режалаштирилаётган ислоҳотлар эҳтиёжларига мос келмай қолди. Янги қонунда таълим тизими ва босқичлари «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.26.

² Бу тезисни академик Эркин Юсупов қуйидагича ифодалайди: «Ҳар бир предмет ва ҳодиса ўз моҳиятида бир-бирини инкор қилувчи икки қарама-қарши қисмга бўлинган. Қаранг: Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни. — Т., 1966. — Б.16.

³ *Абу Наср Форобий.* Рисолалар. — Т., 1975. — Б.101.

тарзда яннгитдан баён этилди. Аввалги қонунда назарда тутилган X-XI (XII) синфлар босқичи бекор қилиниб, янги қонунда умумий ўрта таълим I-IX синфлар даражасида, кейинги таълим олиш академик лицейлар ёки касб-ҳунар коллежларида давом эттирилиши белгиланди; айна вақтда, олий таълимнинг кечки ва сиртқи шакллари бекор қилинди. Шунингдек, Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан «Таълим тўғрисида»ги эски қонунда назарда тутилган солиққа оид имтиёзлар янги қонунда чиқариб ташланди¹.

Қонун ижодкорлиги соҳасидаги зиддиятлар қонун яратувчи орган билан реал воқелик ўртасида, сиёсий тизим демократлашуви билан иқтисодий муносабатларни маъмурий бошқаришга интилиш ўртасида, янгича иқтисодий ривожланиш талаблари билан амалдаги ҳуқуқий нормалар ўртасида, давлат қурилишини модернизациялаш билан янги технологиялар султ жорий этилганлиги ўртасида, ҳуқуқий нормаларнинг барқарорлиги билан қонун воситасида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг динамизми (ўзгарувчанлиги) ўртасида, ҳуқуқ нормасида моделлаштирилган ҳулқ-атвор қоидаси билан фуқароларнинг эски, носоғлом одатлари, юриш-туриш стереотиплари ўртасида намоён бўлиши кузатилади. Мамлакат Президенти И.А.Каримов иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги вазифаларнинг ўзаро боғлиқлигини таъкидлаб, шундай дейди: «Биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз»². Қонун ижодкорлиги жараёнида ижтимоий тараққиёт қонуниятларига эътиборсизлик ёки уларнинг етарли даражада инобатга олинмаслиги қатор зиддиятларни келтириб чиқаради. Уларни бартараф этиш учун юридик амалиёт ҳамда халқ оммасининг тегишли тажрибасини умумлаштиришга ва воқеликни илмий таҳлил этиш асосларини теранлаштиришга, шунингдек социологик тадқиқотларга таяниш лозим бўлади.

Қонун ижодкорлигида диалектиканинг инкорни инкор қонуни муҳим ўрин тутди. Мазкур қонунга мувофиқ объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнида янгининг эскини инкор этиши рўй беради. «Ҳар бир қарама-қаршиликда бўлган нарсани, — дейди Форобий, — бошқа томонидан буздирилиши лозим бўлади, биринчи эса ўз табиати билан қарама-қарши томонидан инкор этилган бўлади»³. Инкорни инкор барча ҳодиса ва жараёнлар ривожланишининг, шу жумладан, қонун ижодкорлиги жараёни тараққиётининг моҳиятини очиб беради.

Қонун ижодкорлиги соҳасида инкорни инкор шундай намоён бўладики, бунда ҳар қандай янги қонун аввал яратилган эски қонуннинг заминиди, унинг ижобий хусусиятларини юқорида босқичда (савияда) барқарорлаштириб, негиздаги қадриятни сақлаш, салбий жиҳатларини рад этиш (спираль тарзида ривожланиш, сифат жиҳатдан янги ҳолатга интилиш) асосида вужудга келади. Фикримизни қуйидаги мисоллар қувватлаши мумкин. Конституциямизнинг 76-моддаси дастлаб Олий Мажлис бир палатали парламент эканлигини назарда тутар эди. 2003 йил 24 апрелда Асосий қонунимизга киритилган ўзгартишга кўра юқоридаги норма инкор этилиб, Олий Мажлис икки палатадан — Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат, деб белгиланди. Бунда парламентаризм институтлари яққолроқ ифодаланиб, янги сифат ҳолатига эга бўлди. Маълумки, 1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Унда фуқароларнинг диний эътиқод билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини кафолатлаш борасида қатор эркинликлар назарда тутилди. У мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида жамиятимиз маънавий ҳаётига салмоқли ижобий таъсир кўрсатди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — №9. — 225-м.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т., 2010. — Б.22.

³ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Т., 1993. — Б.133—134.

Айни вақтда, баъзи фуқароларда виждон эркинлиги борасида берилган имкониятларни нотўғри англаш ва талқин этиш, шу аснода бузғунчи ғояларга берилиш, давлат сиёсатига гайриқонуний аралашиб кайфиятлари намоён бўла бошлади. Қонун чиқарувчи орган вазиятга баҳо бериб, 1998 йил 1 майда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунни янги таҳрирда қабул қилди. Бу ерда эски қонун янгиси томонидан инкор қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Янги қонунда давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари янада аниқлаштирилди. Дин ва диний ташкилотларнинг жамият ҳаётидаги ўрни қонун нуқтаи назаридан янада мукамалроқ тартибга солинади. Шунингдек, 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Солиқ кодекси¹ қабул қилиниши билан аввалги 1997 йил декабрдаги Солиқ кодекси инкор этилди. Яна бир мисол: 1994 йил сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилиниши билан аввал амал қилиб келган Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилдаги Жиноят кодекси инкор қилинди.

Диалектик инкор тўлиқ инкор бўлмасдан, балки эскини янги билан боғлаб турувчи жараёндир. Мазкур инкор янги билан эски ўртасидаги ворисликни, тараққиётнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига боришини тавсифлайди².

Қонун ижодкорлиги методологиясида диалектика категорияларининг намоён бўлиши, ишлаши устувор аҳамият касб этади. Хусусан, бу жараёни фалсафий таҳлил этишда сабаб ва оқибат категорияларига эътибор қаратайлик. Қонун ижодкорлиги жараёнини «сабаб ва оқибат» категорияси нуқтаи назаридан талқин қилганда қонун яратилишига туртки берадиган омил сабаб деб тан олиниши мумкин. Бунда «ижтимоий муносабатлар-ҳуқуқий нормалар» нисбатидан биринчиси — сабаб, иккинчиси эса — оқибат сифатида майдонга чиқади. Иجتимоий муносабатлар ҳолатини ўрганиш, таҳлил этиш қонун чиқарувчи орган учун алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, иجتимоий муносабатларнинг табиатида жамият юксалишини таъминлашга йўналтирилган эҳтиёжлар яширинган бўлади. Ана шу эҳтиёжларга мос қонунларгина жамият тараққиётига хизмат қилиши мумкин.

2001 йил августида жиноят қонунчилигига ярашув институти киритилди. Бунга сабаб қатор турдаги қилмишлар учун жиноий жавобгарликни қўллашда ўта қаттиққўллик ҳукмрон бўлиб қолганлиги ва уни либераллаштириш зарурлигидир. Ярашув институти жорий этилиши оқибатида ўтган давр (2001—2010 йиллар) мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди³. Қолаверса, жиноят оқибатида етказилган 104 млрд. сўмдан ортиқ моддий зарар қопланган⁴.

Демак, жамият ва давлат учун муҳим бўлган иجتимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш қонун ижодкорлиги учун сабаб бўлса, бу фаолият воситасида яратиладиган қонунлар — ҳосила, натижа, оқибатдир. Қонун яратиш жараёнига рағбат берувчи омиллар, шарт-шароитлар ва сабабларни пухта ўрганиш унинг оқибатини олдиан кўриш, илмий башорат қилиш, фаолият натижаси самарали бўлишини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни қонунлар мазмунига аввалдан сингдириш имкониятини беради.

Қонун яратиш жараёнини диалектиканинг яна бир категорияси — «мазмун ва шакл» нуқтаи назаридан талқин этиш муҳим. Мазмун қонун ижодкорлиги жараёнининг ўзига хос сифат хусусиятлари, муҳим белгилари, элементлари, босқичлари йиғиндисини англатса, шакл шу мазмуннинг мавжудлик усули, ички ва ташқи тузилишининг ифодасидир. Мазмунсиз ҳодиса ва жараён бўлмаганидек, шаклсиз нарса ҳамда жараён ҳам мавжуд бўлмайди. Ҳар қандай нарса, шу жумладан қонун ижодкорлиги мазмун ва шакл уйғунлигининг маҳсули сифатида намоён бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. — 2007. — №52(1).

² Туленов Ж., Фофуров З. Фалсафа. — Т., 1997. — Б.218.

³ Қаранг: Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.22—23.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг сайти. www.supcourt.uz/uz/13-08-10.html.

Қонун ижодкорлигида мазмун ва шаклнинг ўзаро алоқадорликда, чамбарчас боғлиқликда майдонга чиқиши унинг барча босқичларидаги зарурий муносабатлар бирлигига асосланади. Масалан, қонун лойиҳасини муҳокама этиш босқичини олайлик. Бунда қонун лойиҳасининг матни, ундаги ғоя ва қоидалар мазмунни акс эттирса, муҳокама (матни таҳлил этиш, баҳолаш) турли шаклларда — парламент кўмиталаридаги, ишчи гуруҳлардаги, Қонунчилик палатаси мажлисидаги баҳс-мунозаралар ва умумхалқ муҳокамаси шаклида — амалга ошади.

Қонун яратиш жараёни муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини юридик мотивация қилишнинг вужудга келишидан бошланса, у ёки бу ҳуқуқий ғоя ва тасаввурларни ўзига жо этган жамият (халқ) иродасини аниқлаш, шакллантириш ва тегишли ҳуқуқий ҳужжатда (қонунда) мужассамлаштириш қонун ижодкорлигининг мазмунини акс эттиради.

Қонун ижодкорлиги жараёнининг мазмуни муайян шакл воситасида расмийлаштирилиб ифода этилмаса, реал воқелик бўла олмайди. Умуман, ҳуқуқ ижодкорлигининг ички (ботиний) ва ташқи (зоҳирий) шакллари ҳақида гапириш мумкин. Ботиний шаклда ҳуқуқ (қонун) ижодкорлиги мазмунини ташкил этувчи ушбу жараённинг структураси, қурилиш тартиби, алоқалари тизими назарда тутилади. Баъзи олимлар ҳуқуқ ижодкорлигининг босқичларини унинг ички ташкилий шакли сифатида талқин этадилар. Зоҳирий шаклларда жамият (халқ)нинг у ёки бу ҳуқуқий қарашини, иродасини аниқлаш ва тегишли ҳуқуқий ҳужжатда ифодалаш усуллари ва йўллари англонади¹.

Мазмун ва шаклнинг узвийлигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонун ижодкорлиги мазмунининг демократлашуви ҳамда модернизация қилиниши унинг ташкилий шакллариининг ҳам такомиллашувига олиб келади. Хусусан, халқ оммаси, кенг жамоатчиликни қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок эттиришнинг восита ва усуллари ривожланиши ушбу жараён мазмунининг демократик тарзда такомиллашувига сабаб бўлади ва аксинча. Жумладан, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаларини ташкилий жиҳатдан самарали ўтказиш (яъни, зоҳирий шакл) пировардида қонун ижодкорлиги жараёнининг, қонунларнинг мазмуни мукамал бўлишига кўмаклашади.

Шундай қилиб, **қонун ижодкорлигининг методологияси** деганда, аввало, қонунларни яратишга илмий ёндашиш, унинг мақсади ва стратегиясини тўғри англаш, қонунларнинг мазмунида ижтимоий тараққиёт қонуниятлари ва эҳтиёжларини айнан акс эттириш, жамиятни юксалтиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий қоидаларни шакллантирувчи принцип ҳамда усуллари самарали қўллаш, қонунчилик техникаси талабларига тўла-тўқис риоя этиш кўникмалари (илми ва тажрибаси) тушунилади. Шунингдек, мазкур жараённинг методологияси тушунчаси қонун яратишнинг барча босқичларида, яъни ижтимоий муносабатларни қонун билан тартибга солиш эҳтиёжини аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишда таяниладиган принциплар, талаблар, қўлланиладиган методлар ҳамда воситаларнинг илмий умумлаштирилган тизимини қамраб олади. Демак, қонун ижодкорлиги жараёнида назарий жиҳатдан асосланган ва амалиётда шаклланган принциплар, воситалар, усуллар, қоидалар асосида қонун чиқарувчи орган томонидан ижтимоий муносабатларни тегишли даражада ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжи ва заруриятини англаш, унга дахлдор барча омилларни билиш (зарур ҳолларда социологик тадқиқотлар ўтказиш), ҳуқуқий ечим талаб этаётган вазиятни баҳолаш, уларни юридик тилда ифодалаш (ҳуқуқий хулқ-атвор моделини башорат қилиш ва шакллантириш) фаолияти амалга ошади. Жамият илгарилаб, тараққий этиб боргани сари қонун ижодкорлиги методологияси ҳам такомиллашиб боради. Мазкур жараённинг методологиясини теран ва пухта эгаллаш пировардида қонун ижодкорлигининг самарали, қонунларнинг эса сифатли бўлишини кафолатлайди.

¹ Қаранг: *Абдуллаев Н.Д.* Диалектика правотворчества. — Баку, 1972. — С.95.

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИЗЧИЛ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечириш, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади.

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди, юртимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этилди, бу йўлда эришилаётган ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилди. Бу ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасидир. Улар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳамда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт модели бугун ҳаётда ўзини тўлиқ оқлади. Ушбу моделнинг маъно-мазмунини — давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ҳамда янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш принципларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган нутқида қайд этиб ўтилганидек, «Ўзбек модели» сифатида тан олинган мазкур тараққиёт моделида назарда тутилган тамойилни, хусусан, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишнинг мантиқий давоми деб баҳолаш мумкин¹.

«Ўзбек модели» деб ном олган мазкур тараққиёт тамойиллари мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислохот этиш жараёнларида ҳам алоҳида ўрин тутади. Моделнинг асосий тамойилларидан бири бўлмиш қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга қўмаклашиш ҳамда уни мустақамлашда суд ҳокимиятининг аҳамияти беқийс.

Шу мақсадда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаб бориш, унинг мустақиллигини таъминлаш, судни инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бироқ, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича кенг қўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам мамлакатимизни демократик янгилаш-

* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.

нинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш эканлиги таъкидланган ва бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш таклиф этилган.

Концепцияда илгари сурилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш борасидаги вазифаларни самарали ҳал қилишга қаратилган дастлабки ташкилий-ҳуқуқий чора сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунини янги таҳрирда қабул қилиш алоҳида аҳамият касб этади¹. Зеро, шу орқали давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қонунларни яратиш, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали амалга оширилишини таъминлашга эришиш мумкин бўлади. Давлатимиз раҳбари «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш зарурлигини ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайганлиги ва бирмунча мураккаблашганлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганлиги ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошганлиги ҳамда бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлиши талаб этилаётганлиги билан изоҳлайди.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар томонидан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ёки қонун нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашнинг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш мумкинлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар томонидан белгиланиши тўғрисидаги қоидалар ўз ифодасини топмоғи лозим. Шу ўринда МДҲга аъзо айрим давлатларнинг (Беларусь, Озарбайжон) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини режалаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режалари ва давлат дастурларининг амалга оширилиши юзасидан назорат қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг келажақдаги режаларига оид масалалар батафсил тартибга солинганлигини кўриш мумкин.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси ва аҳолига етказиш, унинг ижро этилиши ва амалга оширилиши бўйича назорат ва текширувни назарда тутиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилмаслиги (лозим даражада ижро этилмаслиги) бўйича жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни киритиш мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини янада оширишда муҳим ўрин тутди. Зеро, қонун — ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдевори бўлиб, унда демократия ва ҳуқуқий давлат тамойиллари ўзаро уйғунлашади.

Давлат раҳбари томонидан эълон қилинган Концепциянинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга оид иккинчи йўналишида суд ҳоқимиятининг нуфузини ошириш, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилади. Хусусан, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган **лавозимдан четлаштириш** ва **шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши** ҳақидаги таклифнинг илгари сурилиши шулар жумласидандир.

Шу ўринда келажақда лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида

¹ Ўша манба.

суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари даҳлсиз эканлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий норманинг рўёбга чиқишини таъминлайди. Аксарият хорижий давлатлар қонунчилигида бу хилдаги процессуал мажбурулов чоралари фақат судьянинг санкцияси асосида қўлланилиши назарда тутилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган нормани киритишнинг таклиф этилиши суд мустақиллигини янада мустақамлаш, одил судлов тамойилларини ривожлантириш ва энг муҳими, жиноят процессида ўзаро тортишув принципининг самарали қўлланилишини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотларнинг бугунги босқичи талабларидан келиб чиқади. Зеро, амалдаги Жиноят-процессуал кодексда прокурорнинг суд терговда айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаганлиги боис, бугунги кунда айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилмоқда. Ваҳоланки, айблов хулосасида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар ва айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Шунингдек, унда эълон қилинган айбловнинг мазмуни Жиноят кодексининг мазкур жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддаларини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади. Бу эса одил судловни амалга оширувчи, ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлмаган холис суд органларининг вазифа ва мақсадларига мос келмайди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустақамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги ролини кучайтиришга қаратилган муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Концепцияда мазкур ишларнинг мантиқий давоми сифатида суднинг жиноят ишини қўзғатишга доир ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан чиқариш ҳақидаги таклиф илгари сурилди.

Маълумки, жиноят ишини қўзғатиш аввало суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жиний таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳиятан жиний таъқиб ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиний таъқиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Айтиш жоизки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Концепцияда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган «**Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида**»ги қонунни қабул қилиш, фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг **Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини** ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш заруриятини асослаб берди.

Ўзбекистон Президенти «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да юртимизда ҳуқуқий

давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда, деб алоҳида қайд этган. Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини такомиллаштиришда **давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга** қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим ўрин тутди. Бу борада ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва инобатга олиш тақозо этилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият хорижий давлатларда адлия вазирлиги қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳаларини назорат қилади, ҳукумат ва бошқа давлат тузилмаларига юқори сифатли юридик ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни бажаради. Масалан, Германия Федерал адлия вазирлиги мамлакат парламенти (Бундестаг ва Бундесрат)га қонун лойиҳаларини тайёрлашга кўмаклашади, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради. Японияда адлия вазирлиги миллий қонунларни ва ҳукумат томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Бир сўз билан айтганда, хорижий давлатларда адлия орган-лари давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида ҳам фаолият олиб боради.

Дарҳақиқат, ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга ошири-лаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёнида одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Бироқ, шундай бўлса-да, юртбошимиз таъбири билан айтганда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, Президентимиз мазкур концепцияда бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли ва кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этиб ўтди. Ўз навбатида, ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлаш билан бирга уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш, жамиятимизнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятининг тўлиқ таъминланишига хизмат қилади.

З. Ф. Иноғомжорова*,
Г. З. Тўлаганова**

МАМЛАКАТИМИЗДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ: ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, бу соҳани янада демократлаштириш лозимлигини уқтириб ўтди: «Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг қўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўяётганини биз ўзимизга албатта яхши тасаввур этамиз¹».

Юртбошимиз томонидан қонун ижодкорлари олдига суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий чоралар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Жумладан, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш, прокурор зиммасига биринчи инстанция суди мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини юклаш, судни жиноят ишини қўзғатиш мажбуриятдан халос этиш, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ва бошқа тавсиялар берилди. Мазкур тавсияларнинг барчаси жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва, энг асосийси, инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу кўрсатмаларига амал қилган ҳолда айтиш мумкинки, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини либераллаштириш борасида изланишлар олиб бориш бугунги куннинг талабидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида жиноят-судлов ишларини юритишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳияти ҳам айнан инсон ҳуқуқларини янада кафолатлашга йўналтирилган. Жумладан, 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ этиш тўғрисида»ги 2008 йил 1 май фармонида асосан жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг тенглиги таъминланди, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги қоидалар қонунчиликка татбиқ этилди, жиноят процесси иштирокчиларига ҳам бир қанча енгилликлар яратилди. Хусусан, гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқлари кенгайтирилди, ҳимоячи далиллар тўплаш учун қўшимча ҳуқуқларга эга бўлди, қонунга «Гувоҳнинг адвокати» деб номланган

* Тошкенг давлат юридик институти жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедрасининг муdiri, юридик фанлар доктори, профессор.

** Тошкенг давлат юридик институти жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедрасининг доценти, юридик фанлар доктори.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2011.

66¹-модда, жиноий суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни тартибга солувчи 14-бўлим киритилди.

Жиноят процессуал кодекси қабул қилингандан бери жами 190 та моддага қўшимча ва ўзгартиришлар, шунингдек, ва 55¹-боб (497¹⁸-м.) 62-боб (582—586-м.) 63-боб (587—591-м.) 64-боб (592-609-м.)лар киритилди.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «бугунги кунда демократик ислоҳотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда бошланган туб ўзгаришлар албатта ўз манتيқий якунига етказилади, деб айтиш учун барча асосларимиз бор¹». Бу борада жиноят-судлов ишлари юритувини такомиллаштириш масаласи муҳим бўлиб, мазкур соҳанинг процессуал мажбурлов институтини ислоҳ этиш долзарблик касб этади. Чунки, мажбурлов чоралари жиноят процессида муҳим процессуал-ҳуқуқий вазифани амалга ошириб, назарий жиҳатдан унинг зарурлигини икки йўналишда кўриш мумкин. *Биринчидан*, процессуал мажбурлов чоралари келгуси жиноий фаолиятнинг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш воситаси сифатида мавжуд бўлса; *иккинчидан*, процессуал мажбурлов чоралари жиноят процессига жалб қилинган шахс учун мажбуриятлар доирасини белгилаб беради. Бу ҳолат ҳуқуқни қўлловчининг зиммасига шахсга нисбатан мажбурловни қўллаш усулларини асосли танлаш ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мажбуриятини юклайди. Мазкур муҳим назарий муаммолар процессуал мажбурловнинг методологик асосларини тўғри англаш ва уни самарали қўллашнинг илмий йўналишларини белгилаб беради. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш ва ўзининг асосли назарий ечимларини топиш жиноят-процессуал ҳуқуқ олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, процессуал мажбурлов чораларига оид қонунчиликдаги сўнги ўзгаришлар уни қўллаш амалиётини чуқур ўрганиш, мавжуд камчиликларнинг сабаб ва асосларини аниқлаш ҳамда уларни баргараф этиш, ечимларини ишлаб чиқишни долзарб масалага айлантирди.

Давлат раҳбари томонидан лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш масаласи бундан далолат беради. Мазкур қонунчиликка киритишнинг муҳим жиҳати шундаки, шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш устидан суд назорати доиралари кенгайтирилади, жиноят судлов ишларини юритишда холис ва беғараз процессуал қарорлар чиқарилишига мустақкам замин ҳозирланади.

Ушбу масала юзасидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида келтирилган таклиф ва мулоҳазалар амалдаги қонунчиликнинг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш хусусидаги нормаларини такомиллаштиришга йўналтирилган. Асосий мақсад фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ноҳақ чекланмаслигини таъминлашдир. Жиноят-процессуал мажбурлов чоралари қонунбузарликнинг олдини олиш хусусиятига эга. Бу чораларни қўллашда муайян чекловларнинг қонуний тарзда мустақкамланиши давлатнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги гамхўрлигидан далолат беради.

Шу боис процессуал мажбурлов чораларини қўллашга оид илмий изланишлар олиб бориш, қонунийликни таъминлашга доир амалий қўлланмалар тайёрлашга эҳтиёж катта. Мазкур лойиҳа пировардида тилга олинган вазифаларни бажариш ва муаммоларни ҳал этиш, хусусан процессуал мажбурлов чораларини қўллашга оид қонунлар ва уларни либераллаштиришга ҳисса қўшишга қаратилган. Лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чораси (ЖПК 255-м.) жиноят-процессуал мажбурлов чоралари ўртасида алоҳида ўрин тутади. У гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан қўлланилиб, бунинг учун шахснинг

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. — Т., 2009. — Б.34.

содир қилган қилмиши эгаллаб турган лавозимига бевосита боғлиқ бўлиши керак. Ҳақиқатни аниқлаш, жиноий фаолиятни давом эттирмаслик, мавжуд далилларни йўқ қилишнинг олдини олиш учун ушбу чора қўлланилади. Лавозимдан четлаштириш шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш каби конституциявий ҳуқуқларини (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси биринчи қисми), яъни шахс ва фуқаронинг меҳнат ҳуқуқларини бевосита чеклайди. МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси 1996 йил 17 февралда тасдиқлаган ЖПК Моделида вақтинча лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чоралари қаторига киритилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасидан ташқари Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаси ЖПКларида у процессуал мажбурлов чоралари рўйхатидан жой олган. Лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чоралари тизимига тааллуқли бўлмаса ҳам, мақсадига кўра эҳтиёт чораларини қўллашда эътиборга олинади.

Ушбу чора тарихига назар солсак, Туркистон АССР ҳудудида амал қилган РСФСРнинг 1922, 1923 йилдаги ЖПКлари ҳамда ЎзССРнинг 1926 йил 16 июнда, 1929 йил 29 июнда қабул қилинган ЖПКларида лавозимдан четлаштириш чораси назарда тутилган ва унинг фақат жиноят содир этишда айбланаётган мансабдор шахсга нисбатан қўлланилиши таъкидланган. Лавозимдан четлаштириш масаласи шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган вақтида ҳал этилган, бинобарин терговчи ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу масалани ҳал этиши шарт бўлган. Лавозимдан четлаштириш учун прокурорнинг рухсати ёки суднинг қарори талаб этилмаган.

ЎзССРнинг 1959 йилда қабул қилинган ЖПКда эса лавозимдан четлаштириш «Айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш, айбни эълон қилиш ва айбланувчини сўроқ қилиш» деб номланган тўққизинчи бобнинг 130-моддасида назарда тутилган бўлиб, унинг бешинчи қисмида бу чора фақат «...мансабдор шахсни айбланувчи сифатида жавобгарликка тортишда терговчи томонидан айбланувчини вазифасидан четлаштириш зарур бўлиб қолган тақдирда» қўлланиши қайд этилган. Илгариги қонунлардан фарқли равишда бу чорани қўллаш учун прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан рухсат олиниши лозимлиги ҳамда бу чорага зарурат қолмаган тақдирда унинг терговчи томонидан бекор қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Мустақил Республикамизнинг 1994 йилда қабул қилинган ЖПКда лавозимдан четлаштириш чорасини қўллаш тартибига ўзгаришлар киритилди. Янги қонунчиликда лавозимдан четлаштириш асослари, уни қўллаш ҳамда унинг устидан шикоят қилиш тартиби, амал қилиш муддати, қонунга хилоф равишда лавозимдан четлаштириш оқибатида етказилган зиённи қоплаш қоидалари бир неча моддаларда баён этилган (ЖПК 255—260-м.).

1926, 1929, 1959 йиллардаги қонунлардан фарқли равишда, ҳозирги қонунда лавозимдан четлаштириш учун асослар ҳам кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттиради, дейиш учун етарли асослар бўлиши керак.

Ушбу процессуал мажбурлов чорасининг номидан «лавозимдан вақтинча четлаштириш сўзлари ўрин олиши лозим, чунки шахснинг жиноят содир этишда айбдорлиги исбот қилинмаган тақдирда у ўз лавозимига қайта тикланади. Шунингдек, гумон қилинувчи ҳам ушбу чора қўлланилиши мумкин бўлган субъектлар қаторига киритилиши зарур. Лавозимдан вақтинча четлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш эса судланувчига самара бермайди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, жумладан **Францияда** эҳтиёт чоралари суд назорати остида қўлланилади. Бу мамлакатда лавозимдан четлаштириш «профессионал ёки жамоатчилик фаолиятининг айрим йўналишлари билан шуғулланишни тақиқлаш» деб номланади. Лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чораси судьянинг ташаббуси билан чиқарилган қарор, айбловчининг таклифи ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосномаси асосида амалга оширилади. Давлат айбловчисининг таклифи ёки манфаатдор

иштирокчиларнинг илтимосномаси беш кун ичида суд томонидан кўриб чиқилади. Суд ушбу илтимосномани рад этса, давлат айбловчиси ёки манфаатдор иштирокчилар юқори турувчи суд инстанциясига шикоят билан мурожаат этишлари мумкин. **АҚШ, ГФР** давлатлари процессуал қонунчилигида ҳам лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чораси суд назорати тартибида амалга оширилади.

Беларусь ЖПКнинг 131-моддаси «Вақтинчалик лавозимдан четлаштириш» деб номланиб, унда прокурор ёки унинг ўринбосари санкцияси билан суриштирув органи ва терговчи ёхуд суд гумон қилинувчи ёки айбланувчини лавозимидан четлаштиришга ҳақли. Агар лавозимдан четлаштириш учун етарли асослар бўлиб, жиноий таъқибга ва суд муҳокамасига тўсқинлик қилса, шунингдек ўз иш ўрнида қолиб, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш ёки жиноий фаолиятни давом эттириши мумкин деган хулосага келинса, лавозимидан четлаштирилади. Беларусь давлат бошлиғи кадрлари реестрига киритилган лавозимлардаги мансабдор шахсларни лавозимдан четлаштириш фақатгина Беларусь Республикаси Президентининг розилиги билан амалга оширилади.

Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 172-моддаси лавозимдан четлаштиришга бағишланган бўлиб, унинг биринчи қисмида лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чораси эканлиги ва унга кўра лавозимдан четлаштириш гумон қилинувчи, айбланувчини хизмат ваколатларини бажараётган иши ёки амалга ошираётган фаолиятини тақиқлаб қўйиши мумкин. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса эҳтиёт чорасини қўллаш асослари баён этилиб, унга кўра гумон қилинувчи ёки айбланувчига эҳтиёт чораси сифатида лавозимдан четлаштиришни қўллаш учун етарли асослар бўлганда прокурор дастлабки терговни процессуал раҳбари сифатида 3 (уч) кун муддат ичида ўзининг асослантилган қарори билан кўрсатилган шахснинг хизмат ваколатларини бажараётган иши ёки амалга ошираётган фаолиятини тақиқлаб қўйиши мумкин. Гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан лавозимдан четлаштириш каби эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида прокурор судга тақдимнома киритади. Мазкур модданинг учинчи қисмига кўра, лавозимдан четлаштириш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги суд қарорининг нухаси зудлик билан ижросини таъминлаш учун гумон қилинувчи ёки айбланувчининг иш жойи маъмуриятга юборилади. Ташкилот ёки муассаса қарор нухасини олган пайтдан бошлаб гумон қилинувчининг ёки айбланувчига тақиқланган хизмат ваколатлари иш ёки фаолиятини бажаришига йўл қўймайди.

Арманистон Республикаси ЖПКнинг 152-моддасида прокурор шунингдек прокурорнинг топшириғи билан суриштирув органи ёки терговчи давлат хизматчиси бўлган гумон қилинувчи ёки айбланувчини эгаллаб турган лавозимида фаолият кўрсатишни вақтинча тўхтатиб туришга ҳақли. Агар шунга етарли асослар бўлиб, у ўз ўрнида қолиши, жиноий таъқибга ва суд муҳокамасига тўсқинлик қилса, шунингдек жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаши ёки жиноий фаолиятини давом эттириши мумкин, деган хулосага келинса, гумон қилинувчи, айбланувчини вақтинчалик лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги қарорни унинг иш жойи маъмурияти бошлиғига юборади. Ташкилот ёки муассаса ушбу қарорнинг ижросини уч кун муддат ичида бажаришга ва бу ҳақда қарор чиқарган орган ёки шахсга маълум қилишга мажбур. Вақтинчалик лавозимдан четлаштиришга эҳтиёж қолмаган тақдирда суд, прокурор, суриштирув органи ёки терговчининг қарори билан бекор қилинади.

Молдова ЖПКнинг 200-моддаси «Вақтинчалик лавозимдан четлаштириш» деб номланади. Вақтинчалик лавозимдан четлаштирилган шахсга ойлик иш ҳақи тўланмайди, бироқ, эҳтиёт чораси сифатида лавозимдан четлаштирилган вақт умумий меҳнат стажига киритилади. Вақтинчалик лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги қарор қонунга мувофиқ гумон қилинувчи ёки айбланувчи ишлайдиган ташкилот ёки муассаса томонидан фақат прокурор тақдимномаси билан қабул қилинади. Корхона, муассаса, ташкилотнинг қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 114-моддаси ҳам «Вақтинча лавозимдан четлаштириш» деб номланиб, процессуал мажбурлов чораси ҳисобланади. Бу чора гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан тергов органининг бошлиғи, прокурорнинг розилиги билан суриштирувчининг судга юборган тақдимномасига асосан суд томонидан қўзғатилади. Суд тақдимномани кўриб чиқиб, лавозимдан четлаштириш чорасини қўллаш ёки рад этиш тўғрисида 48 соат ичида ажрим чиқаради. Ажрим гумон қилинувчи ёки айбланувчи фаолият кўрсатадиган корхона, ташкилот ёки муассаса маъмуриятига юборилади. Лавозимдан вақтинча четлаштириш чорасига зарурат қолмаганида суриштирувчи, терговчи ўз қарори билан уни бекор қилади. Россия Федерацияси ёки унинг субъектларида юқори лавозимни эгаллаб турган шахслар оғир ёки ўта оғир жиноятни содир қилганликда айбланиб, айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортилсалар, Республика Бош прокурорининг тақдимномаси билан Россия Федерацияси Президенти 48 соат ичида шахсни лавозимдан четлаштириш ёки тақдимномани рад этиш масаласини ҳал этади. Вақтинча лавозимдан четлаштирилган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ойлик иш ҳақи ўртача иш ҳақидан беш барабар кўп миқдорда сақланиб қолади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: лавозимдан четлаштириш мумкин бўлган субъектлар қаторига гумон қилинувчини киритиш лозим, чунки бу чорани зудлик билан қўллаш тақозо этилади; судланувчини ушбу чора қўлланиладиган шахслар қаторидан чиқариш мақсадга мувофиқдир, чунки Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 255-моддасига кўра барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт, бу ҳолда ушбу чорани прокурорнинг илтимосномасига кўра суд томонидан ҳал қилинади; суд чиқарадиган ажримларнинг тури белгилаб берилади. Суд ушбу чорани суд мажлисида кўриб чиқиб, 48 соат ичида масалани ҳал қилиши керак; суд ажрими устидан юқори суд инстанциясига прокурор протест, манфаатдор иштирокчилар шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли; республика миқёсида юқори лавозимни эгаллаб турган шахслар оғир ёки ўта оғир жиноятни содир қилишда айбланиб, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганларидан кейин, Республика Бош прокурорининг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республика Президенти 48 соат ичида илтимосномани инобатга олади ёки рад этади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита чеклайдиган чора бўлганлиги учун қонунчиликда процессуал мажбурлов чоралари қаторидан ўрин олди. Чунки МДХнинг кўплаб давлатлари қонунчилигида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳануз тергов ҳаракати ҳисобланади. Масалан, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш **РФ ЖПКнинг 203-моддасида** кўрсатилган бўлиб, у суд экспертзасини ўтказиш баён этилган **27-бобида, Озарбайжон ЖПКнинг 468-моддасида, Арманистон ЖПК 450-моддасининг 52-бобида, Беларусь ЖПК 442- моддасининг 46-бобида, Қозоғистон ЖПКнинг 455-моддасида қайд этилган.** Унга кўра, тиббий муассасага эксперт текшируви учун жойлаштирилган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили суриштирувчининг, терговчининг ва прокурорнинг тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга, суднинг бу хусусдаги ажрими устидан юқори судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси каби жиддий процессуал ҳаракатлардан бири саналади. Шу боис мазкур чора қуйидаги ҳолатлар исботланганда: содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракат жиноят қонунида назарда тутилганлиги ва шу шахс томонидан содир этилганлиги; шахс содир қилган ҳаракатлар ва касаллик даражасининг жамият учун хавфлилиги; шахс жиноят содир этган вақтида сурункали руҳий касал эканлиги, руҳияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа касаллиги, шунинг оқибатида унинг ақли норасо ҳолатида бўлганлиги, яъни ўз ҳаракатларини идрок эта олмаганлиги; мазкур шахснинг дастлабки тергов ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолатига кўра қўлланилади.

Мазкур чора шахс эркинлигини бевосита чеклаганлиги учун ҳам суднинг рухсати билан қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Айрим хорижий мамлакатлар ЖПКда ҳам ушбу ҳолат мавжуд. Жумладан: **АҚШ**да мажбурлов чораларини қўллаш институти шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳисобланади. АҚШ жиноят процесси федерал қоидаларининг 12.2 бандига асосан, шахснинг тиббий хусусиятга эга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш учун психиатрия экспертизаси ўтказилади. Бунинг учун дастлабки терговда прокурор судга мурожаат қилиши лозим. Мурожаат ёзма шаклда бўлиб суд буйруғини тузиш учун асос ҳисобланади. Суд буйруғи билан шахснинг тиббий хусусиятга эга ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш масаласи ҳал қилинади.

Францияда ҳам мажбурлов чоралари суд назорати остида қўлланилади. Лекин «мажбурлов чораси» термини эҳтиёт чораси деб аталади. Тиббий хусусиятга эга бўлган эҳтиёт чорасини қўллаш учун прокурорнинг илтимоси, психатрия экспертнинг хулосаси талаб этилади. Суд буйруғини чиқариш учун шу икки процессуал ҳужжатнинг бўлиши шарт.

ГФРда ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга суд розилик бериши назарда тутилган. Жиноят-процессуал қонунчиликда мажбурлов чоралари уч гуруҳга бўлинади: 1) шахснинг дастлабки тергов ва судга келишини таъминловчи чоралар; 2) далилларни тўплашга хизмат қиладиган чоралар; 3) ҳукмнинг ижро этилишини таъминловчи чоралар. Айбланувчининг руҳий ҳолатини текшириш ҳамда суд психиатрия экспертизасини тайинлаш учун у психиатрия шифохонасига жойлаштирилади. **ГФР**да ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси прокурор илтимосномасига кўра суд томонидан қўлланилади.

Концепцияда кўрсатилган яна муҳим масалалардан бири суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқаришдир. Демак, суддан жиноят ишини қўзғатиш ваколати олиб ташланиши билан ЖПК 321, 322, 327, 328, 330, 331, 332, 333, 334, 336, 337, 338-моддаларига ўзгартишлар киритилади. Суд жиноят ишини қўзғатиш ваколати билан бирга жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ваколатига ҳам эга бўлади. Маълумки, жиноят ишини қўзғатиш жиний таъқибни амалга оширадиган ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Судга эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш ваколати юклатилган.

Ваҳоланки, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳиятан жиний таъқибнинг ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиний таъқиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Айтиш жоизки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш принципига мутлақо зиддир.

Бу борада хориж тажрибасига эътибор қаратганда, **Россия** Жиноят-процессуал қонунчилигининг 146-моддасига кўра, амалдаги кодекснинг 140-моддасида назарда тутилган суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг розилиги билан, прокурор эса амалдаги кодексда белгиланган ваколат доирасида жиноят ишини қўзғатади ва бу ҳақда тегишли қарор чиқаради.

Озарбайжон ЖПКнинг 47-моддасига кўра, жиноят ишини юритиш бўйича жиний таъқибни жиноят процессидаги органлар амалга оширади. Бунинг масъулияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга юклатилган.

Арманистон ЖПКнинг 175-моддасига биноан, жиноят иши прокурор, терговчи, суриштирув органи томонидан қўзғатилади.

Беларусь ЖПКнинг 175-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Украина ЖПКнинг 98-моддасига биноан прокурор, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья жиноят ишини қўзғатади.

Эстония ЖПКнинг 94-моддасига биноан терговчи, прокурор, суд жиноят иши қўзғатади.

АҚШда жиноят иши фактга нисбатан эмас, аниқ шахсга нисбатан қўзғатилади. Жиноят иши қўзғатиш амалий, ягона ҳуқуқий давлат айблови ҳисобланади.

Германия жиноят процессуал қонунчилигида жиноят иши қўзғатиш босқичи мавжуд эмас, суриштирув процессуал ҳаракатларини амалга ошириш жиноят ишининг бошланиши ҳисобланади. ЖПК 170-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, жиноят иши прокурор томонидан қўзғатилади.

Франция жиноят-процессуал қонунчилигида жиноий таъқиб ваколоти фақат давлат органи бўлган прокурорга берилган. Нодавлат органлардан бундай фаолият билан фақат жиноят натижасида зарар қўрган фуқаровий даъвогар амалга ошириши мумкин.

Англияда жиноят ишини қўзғатиш ваколоти судга берилган.

Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма киритиш таклиф этилади. Чунки амалдаги қонунчиликда давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти белгиланмаган. Шунинг учун айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мос келмайди. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

Амалиётда айблов хулосасини суд мажлисида раислик қилувчи ўқиб эшиттиради. Қонунда, яъни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 439-моддасида айблов хулосасини айнан судда раислик этувчи ўқиб эшиттирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилмаган. Лекин раислик этувчи, авваламбор, суд тергови бошланганини эълон қилиши кўрсатилган. Сўнгра, суд тергови айблов хулосаси ўқиб эшиттирилиши билан бошланиши қайд этилган бўлиб, шундан кейин раислик қилувчи судланувчилардан улар ўз айбига иқдорлиги ёки иқдор эмаслигини сўраши белгилаб қўйилган. Кўриниб турибдики, айблов хулосаси айнан суд мажлисида раислик этувчи томонидан ўқиб эшитрилиши лозимлиги қатъий қайд этилмаган.

Шу ўринда савол туғилади. Нима сабабдан прокурор томонидан тасдиқланган, баъзида эса ҳатто бевосита прокурорнинг ўзи тузган айблов хулосасини суд муҳокамасида прокурорнинг ўзи бевосита иштирок этиб тургани ҳолда, судья эълон қилиши керак?

Судда айблов хулосасини эълон қилиш, бир қарашда, масала ечимининг техник ҳолати сифатида баҳолашни мумкин, лекин аслида ундай эмас. Суд процессининг маълум бир тарафи манфаатларини ҳимоя қиладиган, прокурор томонидан тасдиқланган ва унинг нуқтаи назарини ўзида ифода этган айблов хулосаси фақат прокурор томонидан ўқиб эшиттирилиши лозим.

Украина Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддасига кўра, айблов хулосаси прокурор томонидан эълон қилинади. Шикоятлар жабрланувчи ёки унинг вакили томонидан, фуқаровий даъво фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили томонидан ўқиб эшиттирилади.

Молдова Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 366-моддасига кўра, прокурор шахснинг нимада айбланаётганлиги ҳақида тушунтириш беради. Фуқаровий даъво бўлган ҳолларда уни эълон қилади. Айблов хулосаси ўқиб эшиттирилиши ҳақида сўз юритилмаган.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 273-моддасига кўра, суд тергови давлат айбловчисининг айблов хулосасини ўқиб эшиттириши билан бошланади. Хусусий айблов ишларида хусусий айбловчи ўз аризасининг моҳиятини баён қилиши билан бошланади.

Эстония давлати Жиноят-процессуал кодексининг 238-моддасида айблов хулосаси ким томонидан ўқиб эшиттирилиши баён этилмаган.

АҚШ давлатида айблов хулосаси ким томонидан ўқиб эшиттирилиши ҳақида сўз юритилмаган.

Германия Жиноят-процессуал кодекси 238-моддасининг биринчи қисмига биноан, айблов хулосаси суд томонидан ўқиб эшиттирилади.

Хорижий мамлакатлар қонунларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, одил судловнинг амалга оширилиши, фуқароларнинг Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ҳимоя қилиниши ва ҳуқуқий таъминланиши айнан айблов хулосасининг ўқиб эшиттирилишига ҳам бевосита боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят-судлов ишларини юритишнинг асосий мақсади жиноятларнинг тез ва тўла очилишига эришиш, айбдорларни топиш ва ҳар бир жиноят содир этган шахснинг жиноятига яраша қонуний, адолатли жазо олиши ва ҳеч қайси айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилмаслигига эришишдан иборат.

Жиноятчиликка қарши курашнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш борасида ишлаб чиқиладиган илмий тавсияномаларга боғлиқ. Бироқ онунчилик жараёнининг мураккаблиги ва ўзига хослиги шундаки, Айем вақтда бу қонунларнинг замон талабларига мос равишда ўзгарувчан бўлиши талаб этилади. Ҳозир жамият шиддат билан ривожланмоқда. Бу ҳам қонунларни замон талабларига жавоб берадиган даражада доимо ўзгартириб туришни тақозо этмоқда.

Шу боис мазкур лойиҳада, лавозимдан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурулов чораларини қўллаш ваколатининг судларга ўтказилиши билан боғлиқ қонун нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилиб, уларни қўллашнинг янги процессуал тартиби ишлаб чиқилди.

Шунингдек, судлардан жиноят ишини кўзгатиш ва айблов хулосасини ўқиб эшиттириш ваколатини олиб ташлаш масаласини қонуний тартибда ҳал қилиш юзасидан таклифлар берилди. Бу эса шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини қўшимча кафолатлашга, янада либераллашувини таъминлашга хизмат қилади.

• Нашрга тайёрланди •

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти: Дарслик / Масъул муҳаррир фалсафа фанлари доктори, профессор Ш.О.Мамадалиев. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — 232 б.

Дарсликда ҳозирги давр демократик жамиятининг тараққиёт йўли, Ўзбекистонда халқчил, адолатли жамиятни барпо этиш ҳақидаги ғояларнинг пайдо бўлиши, мустақиллик ва демократик жамият қуришнинг «Ўзбек модели», демократик жамият қурилишида қонун устуворлиги принципини мустаҳкамлашнинг илмий-назарий таҳлиллари баён этилган. Шунингдек, умумбашарий демократик қадриятларни ўрганиш, жамиятдаги демократлаштириш жараёнларини таҳлил этиш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини тезлаштириш йўллари ҳақидаги ғоялар ёритилган.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларининг тингловчи ва курсантлари учун мўлжалланган бўлиб, ундан барча қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Ш.О. Мамадалиев*,
М.Т. Тожибоев**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ

Инсоният мураккаб ва зиддиятли, мамлакатларнинг геосиёсий манфаатлари тўқнашаётган, мафкуравий курашлар авж олган ва ўз мувозанатини излаётган дунёда яшаётган ҳозирги кунда ҳар бир давлат, ҳар бир мамлакат бугунги дунёга ўз манфаатларидан келиб чиқиб таъриф ва тавсиф бермоқда. Буни «Ғарб ва Шарқ дунёсининг ҳеч қачон бирлашмаслиги», «Цивилизациялар тўқнашуви», «Демократик ва нодемократик дунё», «Исломий ва ноисломий дунё», «Ядровий ва ядросиз дунё», «Бир қутбли ва кўп қутбли дунё» каби концепцияларнинг мавжудлигидан кўриш, билиш ва идрок этиш мумкин. Бу эса дунё харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши, тинчлик ва тараққиётга тўсиқ бўладиган, демократик ривожланишни издан чиқарадиган ҳамда инсоният бирлигига раҳна соладиган ғоявий йўналишларнинг пайдо бўлиши, глобаллашув жараёни жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб бораётгани билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «бугун дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Аслида, ахборот соҳасидаги глобаллашув, инсоният учун дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир»¹.

Афсуски, замонавий ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлардан ёвуз мақсадлар йўлида фойдаланиб, уни тараққиёт кушандасига айлантираётган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар ўз хатти-ҳаракатлари билан одамларнинг тинч-фаровон ҳаётига дахл қилмоқдалар. Янги кашф этилаётган ахборот хуружлари инсон онги ва қалбига тажовуз қилиб, унинг турмуш тарзи ва қарашларини ўзгартиришга уринмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан қуролланган, турли манбалардан озиқланадиган мафкураларнинг асосий мақсадига айланмоқда»². Бу эса Президент Ислом Каримов томонидан миллий хавфсизликни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал асарнинг яратилишга туртки бўлди. Президент ушбу асарида хавфсизликка таҳдид солаётган минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллий-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар / Масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2001. — Б. 23

² Ўша жойда. — Б.22.

чилик ва уруф-аймоқчилик муносабатлари, экологик муаммоларнинг изчил ва чуқур таҳлилини амалга оширади.

Шу маънода, XXI асрни ахборот, тарғибот асри десак асло муболага бўлмайди. Зеро, бу даврда кўз билан илғаб бўлмас қудратли тарғибот кучлари, демократик ривожланишни издан чиқаришга ундовчи, халқлар ва миллатлар тинчлигига раҳна соладиган хавф-хатарлар ҳамда таҳдидларнинг бўлиши барчага аён. Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигининг ғоявий асослари ҳақида гап кетганда, албатта, хавфсизлик тушунчасининг маъно ва мазмунига эътибор қаратиш ўринли деб ўйлаймиз. *Хавфсизлик* — шахс, жамият ва давлат манфаатларининг уйғунлигини, барқарорлик, тинчлик ва бунёдкорлик омилларининг мажмуини ифодаловчи тушунчадир. Ҳар қандай давлат учун фундаментал аҳамиятга эга хавфсизлик шахс, жамият ва давлатнинг ташқи ва ички таҳдидлар, хавф-хатарлардан муҳофазаланган ҳолатидир. Давлатларнинг сиёсати шундай ҳолат ва шароитларни доимий равишда таъминлашга қаратилган. Шунингдек, минтақавий ва умумбашарий (глобал) хавфсизлик маълум минтақа ва умуман ер юзида тинчлик ва барқарорликни юқори даражада таъминлашга интилишни англатади. Айни пайтда «хавфсизлик» тушунчасининг маъно кўлами ҳам кенгайиб, мураккаблашиб бормоқда. Барча давлатлар ўзларини суверен давлат сифатида сақлаб қолиш учун миллий хавфсизлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради. Ҳеч бир давлатга замонавий қурол-яроғ, ҳарбий-техник воситалар ва қуролли кучларни такомиллаштириш ўзининг миллий хавфсизлигини тўла таъминлашга имкон бермайди. Чунки ядровий урушда, қолаверса, қуролланиш пойгасида ҳеч ким галаба қозона олмайди. Шу боис, XXI асрда миллий хавфсизликни таъминлаш учун сиёсий воситалардан кенг фойдаланиш олдинги ўринга чиқмоқда.

Хавфсизликни таъминлаш борасида давлат ва жамият баъзан уйғун ҳамфикр, баъзан эса бир-бирига зид бўлади. Сабаби, хавфсизлик яшаш шароитларига доир бир қатор масалаларни ҳам ўз ичига олади. Президент таъбири билан айтганда, «хавфсизлик — узлуқиз ҳолатдир, ҳадсиз-ҳудудсиздир»³.

Бугунги кунда хавфсизлик турларига — миллий, минтақавий, глобал, иқтисодий, халқаро, информацион (ахборот), маънавий, мафкуравий, экологик хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва бошқалар кирилади.

Миллий хавфсизлик — бир миллатнинг ўз миллий манфаатларини самарали ҳимоя қилиши ва уларни дунёнинг барча нуқталарида муҳофаза этишидир.

Минтақавий хавфсизлик — маълум минтақа миқёсида тинчлик ва барқарорликка интилишдир.

Глобал хавфсизлик — бутун ер сайёрасини қамраб олиб, глобал миқёсда вужудга келадиган хавфли омилларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. Глобал хавфсизлик умумий жабҳаларда тизимнинг ўзига хослиги ташқи ҳолатларга боғлиқ бўлган даражада турли ижтимоий тизимларнинг ички ва ташқи хавфсизлиги билан белгиланади.

Иқтисодий хавфсизлик — мамлакат, ҳудуд, фирма ёки компанияни иқтисодий инқирозга учраш хавфидан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлари мажмуи. Иқтисодий хавфсизликнинг бош мезони мамлакат эҳтиёжларининг узлуқсиз таъминланиши ҳисобланади. *Бу биринчидан*, имкон борича ўзини ўз маҳсулот ва хизматлари билан таъминлашни, *иккинчидан*, мамлакатда ишлаб чиқариш ва яратиш мумкин бўлмаган товар ва хизматларни четдан қулай нархларда ва узлуқсиз келтириб туришни билдиради.

Халқаро хавфсизлик — халқаро муносабатлар тизими; ҳамма давлатлар томонидан риоя қилинадиган халқаро ҳуқуқнинг принцип ва нормалари; давлатлар ўртасидаги низоли масалалар, келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ёки куч ишлатиш хавфи билан баргараф этишга асосланади.

³ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. — Т., 1998. — Б.37.

Информацион хавфсизлик ёки ахборот хавфсизлиги — жамиятнинг ахборот майдонини химоя қиладиган, инсонга, фуқарога, давлатга хизмат қиладиган тушунча¹. Чунки ҳар қандай ахборот ҳам жамиятдаги қарашлар ва манфаатларга бирдек мос келавермайди. Ахборот — бирор воқеа-ҳодиса тўғрисида олинган маълумот. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тезкорки, унинг бизга алоқаси йўқ деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллатнинг тараққиётдан ортда қолиши шубҳасиз.

Маънавий хавфсизлик — мамлакатда яшаётган халқларнинг миллий тили, урф-одати ва қадриятларига эга бўлиши. Маънавиятга таҳдид ўзликка ва келажакка таҳдид ҳисобланади. Бугун дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади.

Мафкуравий хавфсизлик — жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмуни, уларни интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, унинг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган гоёлар тизимини шакллантириш жараёнлари тушунилади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга»².

Экологик хавфсизлик — табиат қонунларини билмаслик ёки уларга риоя қилмасдан табиий ресурслардан фойдаланиш, завод ва фабрикалар қуриш, ички ёнув двигателларининг атмосферани ифлослантириши натижасида келиб чиқади. Бу хавфларга алоҳида ҳудудлар ёки биосфера миқёсидаги табиий офатлар, тошқин, зилзила, вулқонлар, қурғоқчилик, довул, чигирткалар офати, ёнғин ва бошқа ҳолатлар оқибатида юз берадиган вазият киради. «Экология муаммоси, — деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, — Ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир»³. Халқ хўжалиги барча тармоқларининг тезкорлик билан ривожланиши экологик вазиятга ҳам таъсир кўрсатаётганлиги сир эмас. Бунинг натижасида турли хил юкумли, онкологик, аллергия ва бошқа касалликларнинг нисбатан ўсиши сезилмоқда. Ҳар йили «Республикада 30 миллион тонна маиший-коммунал чиқиндилар ҳосил бўлади ва уларнинг 99 фоизи ахлатхоналарга чиқариб ташланади. Улардаги ифлослантирувчи моддалар доимий ҳаракатда бўлгани учун, атмосферада осон эрийди ҳамда ер ости ва ер усти сув экомажмуига тушади»⁴.

***Озиқ-овқат хавфсизлиги* — етиштирилаётган ва тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг табиийлигини таъминлаш ҳамда таркибидаги химиявий ва биологик тузилишини имкон қадар сақлаш ва концентратлари миқдори опмаслигининг олдини олиш. Шунингдек, бозорни истеъмол талабидан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, аҳоли учун мақбул нархларда ва ассортиментда маҳсулотларнинг зарур захирасини яратиш ҳолатидир.**

Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «...қишлоқ ривож топса дастурхонимиз ноз-неъматларга тўлади, турмушимиз сифати ортади. Оқибат натижада озиқ-овқат хавфсизлиги ва халқимизнинг фаровонлиги ўсиши учун ишончли ва барқарор замин яратилади, мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгаради»⁵, — деб таъкидлайди. Озиқ-овқат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисмидир, чунки у

¹ Қаранг: Тинчлик ва бағрикенглик: атамалар изоҳли лугати. — Т., 2005. — Б. 109.

² Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 113.

³ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. — Т., 1998. — Б. 110.

⁴ Пахрутдинов Ш. Таҳдид — ҳалокатли куч. — Т., 2001. — Б. 246.

⁵ Каримов И. А. Президентнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги // Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг веб-сайти — www.press-service.uz;

асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг барқарор ишлаб чиқарилиши ва аҳолининг ундан фойдалана олишини таъминлайди.

Шу боис, жамоат бирлашмалари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, «озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар ва қоидалар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли»¹.

Умуман олганда, хавфсизлик, барқарорлик ва танланган йўлдан оғишмаслик замирида чуқур маъно-мазмун бор. Биз буни англаб етмоғимиз ва хавфсизликни таъминлаш борасида фидойи бўлишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепцияси «Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1997 йил 29 август қонунига биноан амалга оширилади. Мазкур концепцияда давлатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлашга доир масалалар ўз ифодасини топган ва шу боис у хавфсизлик муаммоси, уни ҳал этишнинг стратегияси ва тактикасига доир умумдавлат тизимини ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

Истиқлол йиллари мамлакатда давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг ҳудудий яхлитлиги, дахлсизлиги ва осойишталигини таъминлаш давлатнинг асосий вазифасига айланди. Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Шунга асосланиб республикада хавфсизлик тизими тартибга солинмоқда. Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик тизимининг биринчи ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Унинг 125, 126-моддалари бевосита мудофаа ва хавфсизлик масалаларига бағишланган бўлиб, 52, 57, 93-моддаларда бу борадаги қоидалар мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125 ва 126-моддаларида Қуролли Кучларнинг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида тузилиши зарурлиги таъкидланган.

Минтақамиз ва мамлакатимиз чегаралари яқинидаги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият, жаҳонда экстремистик кучлар кўпайганлиги туфайли Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди ва Президентнинг 2000 йил 7 февраль фармони билан тасдиқланди. Унга кўра, мамлакат Қуролли Кучлари ўзида Мудофаа вазирлиги бўлинмалари, Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг махсус бўлинмалари ва бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини бирлаштиради.

Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ўрни катта бўлиб, унинг асосий вазифаларига хавфсизликни, минтақавий барқарорликни таъминлаш, экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳалардаги муносабатларни кенгайтиришдан иборат. Айниқса, қўшни давлатлар билан тинч-тотувликни таъминлаш асосий эътибор касб этмоқда. «Бу борада халқимиз асрлар давомида шаклланган «қўшнинг тинч — сен тинч» деган ҳаётий нақлга амал қилиб келмоқда. Биз бундан буён ҳам шу тамойилга қатъий риоя қиламиз»².

БМТ Бош Ассамблеяси «Минг йиллик саммити»да республикаимиз Президенти минтақамиз хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган халқаро терроризм ва нарқобизнесга қарши фаол курашиш, Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизимини такомиллаштириш муаммоларига эътибор қаратди, бу масалаларнинг ўта мураккаб тус олаётганини асослаб берди. Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч-эътиқодни мустаҳкамлаш йўлида хавф-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни // www.lex.uz

² Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни эркинлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т., 2005. — Б. 198.

хатарларнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа халқлари учун ҳаётий заруриятга айланиб қолди. Бу борада «Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимдир»¹. Ўзбекистон Республикасининг асосий мақсади мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун кафолатли имкониятлар яратишдан иборат.

Ўзбекистоннинг мудофаа сиёсати давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, республика манфаатларини ҳимоя қилиш ва халқимизнинг тинч ҳаёт кечиришига қаратилган. Чунки Ўзбекистон Президенти мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида гапириб, шундай дейди: «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз»². Дарҳақиқат, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шу билан бирга бу — минтақада яшаётган халқларнинг азалий қон-қариндошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий-руҳий яқинлигини мустаҳкамлашда ҳам ўта муҳим масала бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Республикасида хавфсизликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари, кўнгилли жамиятларнинг ўрни ҳам бениҳоя катта. Масалан, республикада мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти, «Маҳалла посбони», «Чегара посбони», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шулар жумласидандир.

«Ватанпарвар» жамияти — ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда тегишли органларга мудофаа ишлари бўйича ёрдам беради. Ҳарбий ўқув юртларида ўқиш истагини билдирган фуқаролар ҳарбий лицейларда, умумтаълим ўқув юртларида (гимназиялар, лицейлар), Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятида, ҳарбий ўқув юртлари қошидаги тайёрлов курсларида таълим оладилар ёки мустақил тайёрландилар.

«Маҳалла посбони» — жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар идораларига ёрдам берувчи фуқаролик тузилмасидир. Жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек маҳалла посбонларининг ўрни каттадир.

«Чегара посбони» — Ўзбекистон Республикаси чегара ҳудуди кўриқчиларидир. Ҳозирги вақтда чегара кўшинлари давлатимиз сарҳадларини ҳимоя қилишнинг биринчи эшелонини ташкил этадиган мустақил кўшин туридир. Чегара посбонлари олдида турган асосий вазифалар мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, кўпуровчи-террорчи гуруҳлар ва айрим ёвуз унсурларнинг чегара орқали юртимизга суқилиб киришларига йўл қўймаслик, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

«Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракатининг асосий вазифаси ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 1996 йил 17 февралда «Камолот» нодавлат ижтимоий хайрия жамғарма бирлашмаси ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, уларда чуқур билим, юксак маданиятни ҳосил қилиш, ватанпарварлик

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т., 2000. — Б. 348.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни эркинлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т., 2005. — Б. 196.

ва меҳнатсеварлик фазилатларини юксалтириш мақсадида ташкил қилинган эди. 2001 йилда Ислоҳ Каримов ташаббуси билан «Камолот» нодавлат ижтимоий хайрия жамғарма бирлашмаси «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракатига айлантирилди. Ҳозирги кунда ушбу жамоат ташкилотлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда хавфсизликни таъминлашда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Мамлакат раҳбари бугун кўп қутбли дунё майдонида глобаллашув жараёнларининг таъсири тобора ортиб бораётган бир пайтда мамлакат хавфсизлигини таъминлаш фуқароларимизни, жамиятни ҳар хил бузғунчи ғоялардан ҳимоялаш олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз кераклигини алоҳида уқтиради¹.

Дунё халқлари ҳали XXI асрда ўз ечимини топмаган анъанавий муаммолар билан бирга сўнгги вақтларда вужудга келган янги хавф-хатарлар ва таҳдидларга дуч келмоқда. Бутун инсониятга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм дунё цивилизацияси ва давлатлараро интеграциянинг ашаддий душманига айланиб бормоқда. Шу боис ушбу таҳдидларга жиддий ёндашган ҳолда, уларни бартараф этишнинг изчил ва самарали йўлларини излаб топиш ғоят муҳимдир.

Бунинг учун, аввало, барчамизни ўйлантираётган қуйидаги саволларга жавоб топишимиз зарур. Юқоридаги каби муаммоларни тўлиқ бартараф қилиш мумкинми? Инсоният таҳдидлардан холи бўлган даврда яшаш имкониятига эгами? Бу борада сиёсатшунослар қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқишлари ва амалиётга татбиқ этишлари даркор? Ушбу муаммоларнинг объектив омиллар билан боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда уларни ҳал қилишда инсон тафаккури қандай аҳамият касб этади?

Мамлакатимизнинг буюк келажагини яратиш, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш юқоридаги жумбоқли саволларга жавоб топишимизга, бундай таҳдидлар ўз ечимини топмаган тақдирда башариятга катта хавф солиши мумкинлигини англаб етишимизга ва масалага жиддий ёндашишимизга боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакат миллий хавфсизлиги, барқарор тараққиёти ва унда ҳукм сураётган фуқаровий ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатликка муайян таҳдидлар мавжуд экан, бундай муаммоларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, имкон даражасида таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича илмий ва амалий хулосалар ишлаб чиқиш давр талабидир. Чунки ҳозир уларни англаб етиш, мавжуд муаммоларни теран идрок этиш ва тараққиётнинг назарий-методологик асосларини яратиш заруратга айланди. Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлашнинг ғоявий асослари ана шу эҳтиёжнинг ҳосиласи сифатида юзага келди. Юртимиз хавфсизлигини таъминлашда фуқаролар онгида бундай таҳдидларга қарши ғоявий иммунитетни шакллантириш ғоят долзарб вазифадир.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл — демократик ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. — Т. 11. — Т., 2003.

УЧАСТИЕ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОМ ОБЕСПЕЧЕНИИ ПОГРАНИЧНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В механизме реализации международно-правовых обязательств обеспечения пограничной безопасности нашей страны главенствующая роль принадлежит международно-правовому регулированию. Однако по сей день не существует нормативно-правового акта, конкретизирующего субъекты пограничной безопасности Республики Узбекистан, участвующие в данной деятельности. Это вызвано тем, что не все указанные субъекты в соответствии с действующим законодательством наделены правом участия в международно-правовом регулировании, осуществляемом как на межправительственном, так и на межведомственном уровне¹.

По нашему мнению, субъектами международно-правового регулирования обеспечения пограничной безопасности Республики Узбекистан являются те органы государственного управления, которые действующим законодательством² уполномочены совместно с аналогичными субъектами иностранных государств осуществлять воздействие на международные отношения, обусловленные обеспечением безопасности государственных границ, анклавов и национальных интересов Узбекистана, имеющих в пограничном пространстве.

Возглавляет указанные субъекты международно-правового регулирования Кабинет Министров Республики Узбекистан, который в соответствии с действующим законодательством является координатором деятельности системы органов государственного управления и создаваемых им органов хозяйственного управления, а также организует их взаимодействие с местными органами власти. Кабинет Министров содействует осуществлению мер по обеспечению государственной безопасности и обороноспособности, а также охране государственных границ Республики Узбекистан. С этой целью он заключает межправительственные договоры и соглашения, принимает меры к их исполнению посредством осуществления контроля за деятельностью министерств, государственных комитетов, ведомств и других органов государственного управления, участвующих в обеспечении пограничной безопасности нашей страны.

Для совершенствования правовой основы обеспечения безопасности государственной границы Республики Узбекистан Кабинет Министров в порядке законодательной инициативы имеет право вносить на рассмотрение Законодательной палаты Олий Мажлиса проекты новых законов, а также предложения о подписании межгосударственных договоров и соглашений с сопредельными странами. Для организации исполнения вновь принятых международно-правовых и национально-правовых актов, регулирующих обеспечение

* Кандидат юридических наук.

¹ См.: Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 января 1998 г. «О порядке заключения, исполнения, приостановления, прекращения и денонсации международных договоров Республики Узбекистан межведомственного характера» // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

² Подробнее см.: Перечень министерств и ведомств Республики Узбекистан, на которые возложено проведение экспертной проработки проектов международных договоров и обеспечение выполнения обязательств по международным договорам. Приложение к Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 декабря 2000 г. «О порядке подготовки проектов международных договоров и выполнения обязательств Республики Узбекистан по международным договорам» // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

пограничной безопасности страны, Кабинетом Министров принимаются постановления и распоряжения, обязательные к исполнению на всей территории Узбекистана всеми органами, предприятиями, учреждениями, организациями, должностными лицами и гражданами¹.

Другим органом, координирующим деятельность министерств и ведомств в процессе международно-правового регулирования обеспечения пограничной безопасности страны, является Министерство иностранных дел Республики Узбекистан. Данное министерство на основе принципов, определенных в Конституции нашего государства, и в соответствии с нормами современного международного права осуществляет реализацию внешней политики Республики Узбекистан. В этой связи уместно отметить, что пограничная политика, основной целью которой является защита суверенитета и территориальной целостности нашей страны посредством обеспечения неприкосновенности ее государственных границ, составляет часть внешней политики.

Министерство иностранных дел в пределах предоставленных ему полномочий ведет переговоры, заключает договоры и соглашения с соответствующими государственными органами и внешнеполитическими учреждениями иностранных государств. Организующая роль данного министерства особенно велика при подготовке и проведении переговоров и заключении международно-правовых документов по делимитации и демаркации государственной границы с сопредельными странами. Для осуществления данной сложной, кропотливой и ответственной деятельности двусторонним соглашением с сопредельным государством создается специальная рабочая комиссия, наделяемая соответствующими международно-правовыми полномочиями для подготовки проектов документов, устанавливающих прохождение линии совместной государственной границы.

Кроме того, на Министерство иностранных дел возлагается задача контроля за выполнением обязательств сторон по договорам, заключенным Республикой Узбекистан².

Следующим органом государственного управления, участвующим в международно-правовом регулировании обеспечения пограничной безопасности, является Служба национальной безопасности Республики Узбекистан³. По своему правовому статусу она занимает центральное место в системе обеспечения безопасности государственной границы нашей страны, так как выполняет в ней несколько основных функций, в конечном итоге предопределяющих результативность всех осуществляемых мер.

Во-первых, Служба национальной безопасности обеспечивает реализацию государственной политики в области защиты и охраны государственной границы, которая является основной составляющей пограничной политики по защите национальных интересов Республики Узбекистан в пограничном пространстве. Во-вторых, она координирует деятельность органов государственного управления, органов государственной власти на местах, органов самоуправления граждан, предприятий, учреждений и организаций в области защиты и охраны государственной границы. В-третьих, данный орган осуществляет управление пограничными войсками, которые обеспечивают пограничную безопасность посредством защиты и охраны государственной границы. В-четвертых, в соответствии с действующим законодательством сами органы СНБ непосредственно осуществляют разведывательную, контрразведывательную и оперативно-розыскную деятельность для обеспечения неприкосновенности государственной границы Республики Узбекистан⁴.

¹ См.: Ст. ст. 14, 20 Закона Республики Узбекистан «О Кабинете Министров Республики Узбекистан» от 6 мая 1993 г. // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

² См.: Пункт 9 Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 декабря 2000 г. «О порядке подготовки проектов международных договоров и выполнения обязательств Республики Узбекистан по международным договорам» // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

³ См.: Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2 ноября 1991 г. «О Службе национальной безопасности Республики Узбекистан» // Собрание постановлений правительства Республики Узбекистан. — 1991. — № 11. — Ст.38.

⁴ См.: Ст. 28 Закона Республики Узбекистан «О Государственной границе Республики Узбекистан» от 20 августа 1999 г. // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. — 1999. — № 9. — Ст.217.

Для успешного выполнения вышеперечисленных функций Служба национальной безопасности наделена полномочием осуществлять пограничное сотрудничество с соответствующими пограничными ведомствами других государств и международными организациями. Следовательно, она обладает правом участия в международно-правовом регулировании обеспечения пограничной безопасности на межведомственном уровне.

Так, например, Службой национальной безопасности Республики Узбекистан осуществляется координация деятельности государственных органов, участвующих в борьбе с терроризмом, а также организуется их взаимодействие по предупреждению, выявлению и пресечению террористической деятельности. В целях противодействия данной угрозе в системе обеспечения пограничной безопасности нашей страны она осуществляет меры по: обеспечению защиты и охраны государственной границы от проникновения террористов на территорию Республики Узбекистан; предупреждению, выявлению и пресечению незаконного перемещения через государственную границу оружия, боеприпасов, взрывчатых, радиоактивных, биологических, а также химических или других отравляющих веществ, предметов или материалов, которые могут быть использованы в качестве средств совершения террористической акции; выявлению, нейтрализации и уничтожению террористов, террористических групп в пограничной полосе и пограничной зоне¹. В целях организации сотрудничества со специальными службами сопредельных государств по вышеизложенным вопросам Служба национальной безопасности имеет право вступать с ними в переговоры и заключать необходимые международные документы, регулирующие порядок координации и взаимодействия совместных действий.

Признанием особого вклада Республики Узбекистан в дело борьбы с международным терроризмом в Центральноазиатском регионе следует оценивать решение Шанхайской Организации Сотрудничества о размещении в г. Ташкенте Региональной антитеррористической структуры². Данная структура является постоянно действующим органом ШОС и предназначена для содействия государствам-участникам в борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом. Служба национальной безопасности Республики Узбекистан через своих представителей, участвующих в деятельности Региональной антитеррористической структуры, осуществляет координацию и взаимодействие с идентичными органами сопредельных стран по организации совместных мер борьбы с вышеперечисленными угрозами, в том числе и в интересах обеспечения пограничной безопасности. Кроме того, в рамках данной структуры она участвует в подготовке международно-правовых документов, затрагивающих вопросы борьбы с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом, а также в установлении и поддержании рабочих контактов с международными организациями по перечисленным проблемам³.

В системе международно-правового регулирования обеспечения пограничной безопасности нашей страны особая роль отводится Министерству обороны Республики Узбекистан. Следует заранее оговориться, что данная роль, в целом, отличается от ранее рассмотренных основных задач и направлений обеспечения пограничной безопасности. Так, если до этого мы говорили о том, что при обеспечении безопасности государственной границы Республики Узбекистан необходимо, в первую очередь, развивать пограничное сотрудничество с сопредельными странами, а затем с региональными международными организациями, то в деятельности Министерства обороны приоритеты распределяются в обратной последовательности. Это обусловлено тем, что основной задачей данного органа государственного управления является защита суверенитета и территориальной целостности нашего государства посредством обеспечения обороны Республики Узбекистан от нападения

¹ См.: Ст. 9 Закона Республики Узбекистан «О борьбе с терроризмом» от 15 декабря 2001 г. // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

² Соглашение между государствами-членами ШОС о Региональной антитеррористической структуре: Принято в г. Санкт-Петербурге 7 июня 2002 г. // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

³ См.: Там же. — Ст.6.

возможного агрессора. Хотя в Центральной Азии отсутствуют государства или военно-политические блоки государств, представляющие потенциальную опасность для национальной безопасности нашей страны, но вместе с тем в регионе существует реальная угроза акций со стороны международных террористических центров. Поэтому Республика Узбекистан вынуждена участвовать в деятельности региональных международных организаций, преследующих цель обеспечения коллективной безопасности.

Узбекистан является членом Организации Договора о коллективной безопасности, в которую входят семь государств-участников СНГ. Основными ее целями является «укрепление мира, международной и региональной безопасности и стабильности, защита на коллективной основе независимости, территориальной целостности и суверенитета государств-членов...»¹. Для реализации этих целей государства-члены принимают совместные меры по формированию эффективной системы коллективной безопасности, обеспечивающей защиту их общих интересов. Помимо этого они координируют и объединяют свои усилия в борьбе с международным терроризмом и экстремизмом, незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ, оружия, организованной транснациональной преступностью, нелегальной миграцией и другими угрозами безопасности².

В соответствии с Концепцией коллективной безопасности государств-участников Договора о коллективной безопасности «каждое государство-участник принимает надлежащие меры по обеспечению стабильного положения на своих границах. На основе взаимного согласия они координируют деятельность пограничных войск и других компетентных служб по поддержанию установленного режима в приграничных зонах государств-участников»³. Включение этого нормативного положения в данную Концепцию еще одно подтверждение того, что организация пограничного сотрудничества направлена на обеспечение суверенитета и территориальной целостности граничащих государств.

Министерство обороны Республики Узбекистан, отвечающее за защиту и охрану государственной границы в воздушном пространстве, в рамках Организации Договора о коллективной безопасности участвует в международно-правовом регулировании коллективных мер по обеспечению противовоздушной обороны и порядка полетов воздушных судов государств-участников в воздушном пространстве Республики Узбекистан. Для успешного выполнения перечисленных функций министерство наделено правом разрешать пограничные инциденты в воздушном пространстве нашей страны.

В создании правовой основы обеспечения пограничной безопасности, регулирующей борьбу с транснациональными видами преступлений, большой вклад вносит международно-правовая деятельность Министерства внутренних дел Республики Узбекистан. В Положении о данном органе государственного управления записано, что оно имеет право поддерживать профессиональные связи с органами внутренних дел иностранных государств и международными организациями на основе двусторонних⁴ и многосторонних соглашений⁵.

¹ См.: Ст.3 Устава Организации Договора о коллективной безопасности: Принят в г. Кишиневе 7 октября 2002 г. Вступил в силу 18 сентября 2003 г. согласно ст. 26. Республика Узбекистан присоединилась к настоящему Уставу в соответствии с Законом Республики Узбекистан от 21 августа 2008 г. // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

² См.: Там же. — Ст.8.

³ Концепция коллективной безопасности государств-участников Договора о коллективной безопасности. Приложение к Решению Совета коллективной безопасности от 10 февраля 1995 г. // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

⁴ См.: Соглашение о сотрудничестве между Министерством внутренних дел Республики Узбекистан и Министерством внутренних дел Республики Казахстан: Подписано в г. Бишкеке 24 июня 1995 г. // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

⁵ См.: Пункт 7 Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 25 октября 1991 г. «О Министерстве внутренних дел Республики Узбекистан»//Собрание постановлений правительства Республики Узбекистан. — 1991. — № 10. — Ст.36.

Кроме того, такие полномочия предоставляются данному министерству соответствующими международно-правовыми актами, заключенными Республикой Узбекистан. Например, подобная международно-правовая норма закреплена в ст. 2 Договора о совместных действиях по борьбе с терроризмом, политическим и религиозным экстремизмом, транснациональной организованной преступностью и иными угрозами стабильности и безопасности Сторон¹, заключенного нашей страной с Казахстаном, Кыргызстаном и Таджикистаном в апреле 2000 г. В ст. 6 упомянутого Договора перечислены 11 видов преступных деяний, в предупреждении, выявлении, пресечении, раскрытии и расследовании которых стороны намерены организовывать сотрудничество правоохранительных органов. Из указанных видов преступных деяний 8 носят трансграничный характер. Например, такие, как терроризм, акты политического и религиозного экстремизма, незаконный оборот наркотических средств, контрабанда, нарушения таможенного законодательства, незаконная миграция и т.д.

Изложенное позволяет заключить, что международно-правовое регулирование обеспечения пограничной безопасности, осуществляемое Министерством внутренних дел Республики Узбекистан с правоохранительными органами сопредельных стран, способствует гармонизации национально-правовых систем граничащих государств в части противодействия организованной деятельности трансграничных преступных сообществ. Без осуществления данной работы немыслимо установление добрососедских отношений на совместной границе и организация всестороннего сотрудничества между граничащими государствами.

Совсем иначе обстоит дело с участием Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан в международно-правовом регулировании обеспечения пограничной безопасности. Особенность участия данного ведомства в исследуемом процессе обусловлена спецификой его служебной деятельности и характером международно-правовых актов, регулирующих таможенное сотрудничество нашей страны.

Во-первых, в отличие от служебной деятельности подразделений других министерств и ведомств, таможенная служба на государственной границе организуется только в пунктах пропуска с целью осуществления таможенного контроля и оформления следующих через границу лиц, транспортных средств, товаров, иного имущества и животных. При этом таможенные подразделения, основной задачей которых является обеспечение экономической безопасности нашей страны, могут противодействовать угрозам пограничной безопасности, проявляющимся в условиях легального пересечения государственной границы (провоз наркотиков, контрабанда, незаконный провоз товарно-материальных ценностей и т.д.).

Во-вторых, Республика Узбекистан является членом СНГ и ЕврАзЭС, где международно-правовыми документами установлены соответствующие таможенные правила, которые по своим территориально-пространственным параметрам и режимам не совпадают. Так, в соответствии со ст. 19 Устава СНГ страны Содружества сотрудничают в экономической и социальной сфере с целью формирования общего экономического пространства. Оно должно основываться на базе рыночных отношений и свободного перемещения товаров, услуг, капиталов и рабочей силы между одиннадцатью государствами. В то же время наша страна 25 января 2006 г. присоединилась к Договору об учреждении Евразийского экономического сообщества, в рамках которого шесть государств поэтапно формируют новый таможенный союз и единое экономическое пространство². Граничащие с

¹ Договор между Республикой Казахстан, Кыргызской Республикой, Республикой Таджикистан и Республикой Узбекистан о совместных действиях по борьбе с терроризмом, политическим и религиозным экстремизмом, транснациональной организованной преступностью и иными угрозами стабильности и безопасности сторон». Подписан в г. Ташкенте 21 апреля 2000 г. Ратифицирован Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 26 мая 2000 г. // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

² Договор о Таможенном союзе и едином экономическом пространстве: Подписан в г. Москве 26 февраля 1999 г. // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

Узбекистаном сопредельные страны (за исключением Туркменистана и Афганистана) являются участниками перечисленных объединений, следовательно их таможенные ведомства руководствуются в своей деятельности одними и теми же межправительственными международно-правовыми актами. У них не возникает необходимость дополнительного межведомственного международно-правового регулирования вопросов обеспечения пограничной безопасности на совместных границах. Несмотря на это в практике центральноазиатских государств имеют место случаи заключения двусторонних межправительственных соглашений, регулирующих сотрудничество по таможенным вопросам¹.

По вышеперечисленным обстоятельствам и некоторые другие органы государственного управления не принимают участия в международно-правовом регулировании обеспечения пограничной безопасности. В данном случае речь идет об органах управления, осуществляющих на государственной границе санитарно-карантинный, ветеринарный, фитосанитарный и иные виды контроля, перечисленные в Законе «О Государственной границе Республики Узбекистан» в качестве субъектов ее защиты и охраны. Не наделены такими же правами местные органы государственной власти, органы самоуправления граждан, предприятия, учреждения и организации, расположенные в пограничном пространстве. Действующее законодательство только определяет их права и порядок принятия ими участия в защите и охране государственной границы.

Изложенный анализ участия субъектов пограничной безопасности в формировании международно-правовых основ обеспечения безопасности государственной границы Республики Узбекистан позволяет сформулировать следующие основные выводы.

Во-первых, субъектами международно-правового регулирования обеспечения пограничной безопасности нашей страны являются те органы государственного управления, которым в соответствии с действующим законодательством и международными соглашениями предоставляется право заключения с аналогичными органами иностранных государств межведомственных правовых актов, определяющих совместное сотрудничество в обеспечении безопасности государственных границ, анклавов и национальных интересов Узбекистана в пограничном пространстве.

Во-вторых, степень участия субъекта в процессе международно-правового регулирования обеспечения пограничной безопасности и перечень предполагаемых форм и методов его сотрудничества зависит от его места в структуре органов государственного управления и осуществляемых им мер в системе обеспечения безопасности государственной границы. Органы государственного управления, организующие контроль только в пунктах пропуска через государственную границу, наделены меньшими правами в сфере международно-правового регулирования, чем субъекты, осуществляющие комплексные меры противодействия основным вызовам и угрозам пограничной безопасности по всему периметру государственной границы.

В-третьих, процесс международно-правового регулирования обеспечения пограничной безопасности должен носить непрерывный характер. Основным критерием его эффективности является уровень пограничного сотрудничества между государствами на совместной границе и степень их совместного противодействия преступлениям трансграничного характера.

Международно-правовое регулирование пограничной безопасности является основным звеном механизма реализации международных обязательств сопредельных стран по обеспечению безопасности совместных государственных границ. От степени его совершенства зависит эффективность осуществляемых совместных мер министерствами и ведомствами двух государств в рамках пограничного сотрудничества.

¹ Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о сотрудничестве в таможенных делах. Подписано в г. Ташкенте 31 октября 1998 г. // Информационно-правовая система «Norma hamkor».

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Янги икки минг йилликнинг бошларидан терроризм, экстремизм ва гиёҳвандлик жиноятлари халқаро миқёсда энг катта, глобал муаммога айланди. Терроризм хавфсизликка ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка доим таҳдид солади. Унга қарши курашда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий ва қолаверса, махсус чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Бу курашнинг муҳим элементи терроризмнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, мафкуравий, тарбиявий, тарғибот ва бошқа чоралар тизимини амалга оширишдир.

Терроризмнинг турли кўринишлари мавжуд ва бу одатда оммавий қурбонларга, моддий ва маънавий, ҳатто бойликларнинг тиклаб бўлмас даражада вайрон этилишига олиб келади. Ҳозир дунёда 500 дан ортиқ террорчилик ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Халқаро террорчиликнинг аллақачон бир мамлакат доирасидан чиқиб кетгани, бу офатнинг чегаралар оша ҳар қандай давлатга таъсир кўрсатиши муқаррар эканлиги бундан бир неча йиллар олдин таъкидланган эди. Дунёда кетма-кет содир бўлаётган қўпоровчилик ҳаракатлари, Яқин Шарқ можароси, Афғонистоннинг террорчилик марказига айланиб қолгани, буларнинг барчаси даҳшатли жиноятлар давом этаётганлигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда террорчилар динни ниқоб қилиб, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. Айниқса диний экстремизм халқлар тинчлиги ва фаровон ҳаётига раҳна солмоқда, бунга қарши халқаро ташкилотлар, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) бу борада бир қатор йирик анжуманлар ўтказдилар. Улардан бири Лиссабонда ХХI аср арафасида олиб борилган мунозаралардир.

Терроризмга қарши курашнинг муҳим элементи, таъкидлаганимиздек, унинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлардир. Бу масала мамлакатимиз учун ҳам катта аҳамият касб этади, чунки Ўзбекистон аҳолиси терроризм балосини бошидан кечирди.

2000 йил июль ойининг охирларида бир гуруҳ террорчилар Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманига суқулиб кирдилар. Жангарилар Ўзбекистонга Тожикистон ҳудуди орқали кириб, баланд тоғларга жойлашиб қўпоровчилик ҳаракатларига тайёргарлик кўрдилар ва Сариосиёда содир бўлган хунрезликларга сабабчи бўлдилар. Улар Ўзбекистон ислом ҳаракати (ЎИҲ) деб аталган жиноий, террорчилик ташкилотига мансуб шахслар бўлиб, миллий келиб чиқиши бўйича ўзбек, тожик, афғон ва бошқалардан ташкил топган эди.

Ҳозирги кунда терроризмнинг қўпоровчилик ва бузғунчиликдан иборат тажовузлари кўплаб бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига, умуминсоний қадриятларнинг топталишига олиб келмоқда. Терроризм нотинч минтақаларда илдиз отиб, кейинчалик катта куч тўплаганидан сўнг бошқа ҳудудларга ҳам таҳдид солади. Яқин Шарқ минтақасида, Афғонистонда узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган урушлар бу давлатларни террор офатининг маконига айлантирди. 2002 йилнинг октябрь ойида Москвадаги Дубровка санъат саройи биносидан чечен жангарилари 400 дан ортиқ одамларни гаровга олиши натижасида бир неча бегуноҳ кишилар дунёдан бевақт кўз юмди. Энг ачинарлиси, содир этилаётган қўпоровчилик ҳаракатларидан кўпроқ тинч аҳоли жабр чекмоқда. Халқлар тинчлиги ва

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедрасининг тадқиқотчиси.

осойишталиги учун ҳозирги кунда террорчилик ҳаракатларига қарши 40 дан ортиқ давлатлар «Аксилтеррор» халқаро коалициясига бирлашдилар.

Террорчилик ҳаракатлари аксарият ҳолларда дин ниқоби остида амалга оширилмоқда, аслида булар дин ниқоби остига яширинган жиноятчилар ўз мақсадига эришиш учун кирган жирканч йўлдир.

2001 йил 11 сентябрда АҚШда рўй берган фожиали воқеалар, яъни савдо марказининг портлатилиши юзлаб одамларнинг бевақт ўлимига сабаб бўлди. Бу воқеалар дунё халқларининг қаҳр-ғазаб уйғотди. Террорчилар ҳозирги кунда катта маблағга эга бўлиб, уларни асосан наркотик моддалар савдоси эвазига қўлга киритмоқдалар.

Терроризм сиёсий, мафқуравий ва шахсий жинойий мақсадларда аҳолини қўрқитиш, давлат, ҳокимият ва бошқарув органларига руҳий тазйиқ ўтказишга қаратилган зўравонликдан иборат ўта хавфли ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Терроризм билан боғлиқ ҳаракатлар, яъни одамларни гаровга олиш, давлат ва жамоат арбоблари, диний ёки бошқа гуруҳлар ҳамда хорижий давлатлар ва ташкилотлар вакиллариининг ҳаётига таҳдид солиш, йирик объектларни эгаллаб олиш, портлатиш, одамларнинг соғлиғи, ҳаёти ва мулкига тажовуз қилиш каби ҳодисалар мамлакат тинчлигига путур етказди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг «бугун халқаро терроризм марказлари диний экстремизм марказлари билан қўшилиб кетди» деган аниқ фикрини эслаш жоиздир. Террорчилар учун исломий шиорлар жуда қулай ниқоб бўлиб қолди. Нотинчлик давом этаётган Афғонистон ва бошқа шу каби давлатлар аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қилади. Инсоният тарихида дин онгининг ажралмас қисми бўлиб, яхшиликка, эзгуликка хизмат қилади. Аммо бу ўринда эътиқоддан бунёдкорлик кучи сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч сифатида ҳам фойдаланилаётганлигини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда конституциявий тузумга қарши бўлган ўндан ортиқ номдаги диний-сиёсий экстремистик оқимлар ва ҳаракатлар ноқонуний фаолият кўрсатиб келмоқда. Масалан, уларнинг «Ҳизбут-таҳрир», «Акримийлар», «Таблиғ», «Узун соқол», «Ваҳҳобийлар», «Ислом лашкарлари», «Адолат уюшмаси», «Тавба», «Нур» каби норасмий ташкилотлари мавжуд. Ҳанбалия мазҳаби негизида XVIII асрда Марказий Арабистонда ваҳҳобийлик оқими пайдо бўлган. Бу Араб мамлакатлари ва Яқин Шарқда туғилган исломпарастлик — фундаментализм билан бирга диний экстремистик ҳаракат — ваҳҳобийлик ниҳоятда ривожланди. Бу ҳаракатни Афғонистондаги «Ал-Қоид» ташкилоти моддий-молиявий томондан қўллаб-қувватлайди¹.

XX асрнинг сўнгги йилларида бу оқимнинг манфур ғоялари ва тарғиботчилари мамлакатимизга ҳам кириб келди. «Ваҳҳобий»лик диний экстремистик оқими таъсирида вужудга келган террорчилар гуруҳи 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳридаги қўпоровчилик ҳаракатларини амалга оширдилар. Террорчи оқимларнинг яна бири Акримийлар — ислом экстремистик оқими бўлиб, у 1950 йилларда республикамизнинг Фарғона водийсида вужудга келган. Оқимнинг номи унинг ташкилотчиси бўлган «Мулло Ақром» исми билан боғлиқ. 1990 йилларда «Ислом лашкарлари» норасмий ташкилотга асос солинган. Ташкилот ўта реакцион ва террорчилик хусусиятига эга бўлиб, давлат ва жамиятни исломлаштириш каби ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун мудҳиш жиноятларни содир этган. «Узун соқол» диний-экстремистик оқими асосан Тошкент шаҳри, вилояти ва Қозоғистоннинг Чимкент вилояти ҳудудидаги аҳоли орасида фаолият кўрсатган. Улар одамларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш асосида жамиятни исломлаштиришни маъқул деб ҳисоблайдилар.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида фундаментализм ва ақидапарастлик иллатларини таҳлил қилди.

¹ Терроризм — жаҳолат ўчоғи. Методик-библиографик қўлланма. — Т. — 2003// http://natlib.uz/www_data/articles/admin_arsenal-d_uz/terrorism.pdf.

XX асрнинг охирларида терроризмнинг этник ва диний заминга эга эканлиги намоён бўлди. Жаҳон ҳамжамияти томонидан террорчи ташкилотлар таркибига киритилган фаластиндаги Халмас, ливандаги «Ҳизби Оллоҳ», жазоирдаги «Жабҳат алин қҳод ал-исломи» (Ислом қутқарув фронти), Ирландия Республикаси армияси, Шимолий Кавказдаги ваҳҳобийлар гуруҳлари ва бошқаларни шулар гуруҳига киритиш мумкин. Бундай терроризм ташқаридан қўллаб-қувватланмаса, яъни халқаро таъминотсиз мағлубиятга учраши муқаррар. Шу боис этник ва диний терроризм геосиёсий тарзда амалга ошади. Марказий Осиё минтақасида содир бўлган халқаро терроризм бунга мисол бўла олади. Минтақамизда содир бўлган террорчилик ҳаракатларида айрим ташқи геосиёсий кучлар ўзларининг бузғунчи режаларинини диний экстремизм омилидан фойдаланиб амалга ошироқчи бўлганлиги барчага маълум.

Шунинг учун терроризмга қарши сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий ва қолаверса, махсус чора-тадбирлар орқали кураш олиб бориш лозим. Бу курашнинг муҳим элементи терроризмнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, тарбиявий, тарғибот ва бошқа чоралар тизимидан иборат бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2001 йил) қонунида¹ террорчиликка қарши курашишда давлат органларининг ваколатлари, унга қарши операциялар ўтказиш, террорчилик ҳаракатлари натижасида жабрланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби муносабатлар тартибга солиниши билан бирга терроризмга қарши кураш соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш каби асосий вазифалар белгилаб қўйилган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши натижасида жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳам мазкур қилмиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 2004 йил 26 август қонуни терроризмнинг мавжуд бўлиши учун иқтисодий омил ҳисобланган уни молиялаштиришга қарши чоралар тизимини белгилаб беради².

«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуннинг мониторинги натижасида у амалга киритилганидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари тизимидаги ислохотларга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрель қонуни билан унга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенциялар талаблари, бугунги кунда терроризмга қарши курашиш амалиёти, МДҲга аъзо давлатларнинг терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таҳлилига кўра ушбу соҳада ислохотлар амалга ошири-лаётганини кузатиш мумкин.

МДҲга аъзо давлатлар институтционал органлардан бири ҳисобланган парламентлараро Ассамблеянинг 2004 йил 17 апрелдаги 23-ялпи йиғилишида 23-5-сонли қарори билан қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги модел қонуни Ҳамдўстлик мамлакатларнинг терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишга муҳим асос бўлди³.

Унга кўра терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мониторинги натижасида амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига ҳамда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг 15—19-моддаларида террорчиликка қарши операциялар ўтказиладиган зонада

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.— 2001. — № 1—2. — 15-м.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.— 2004. — № 9. — 160-м.

³ <http://www.medialaw.ru/exussrlaw/1/sng/17.htm>

муайян ҳуқуқий режим ўрнатиш масалалари тартибга солинган. Шу сабабли, бундай турдаги ҳуқуқий тартибнинг бузилиши террорчиликка қарши операциялар ўтказиладиган зонада мазкур операцияни ўтказиладиган шахслар томонидан тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатини юзага келтиради. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида террорчиликка қарши операциялар ўтказиладиган зонада мазкур операцияни ўтказиладиган шахсларнинг ҳуқуқлари белгиланган, лекин уни амалга ошириш механизми қонунчиликда ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, ушбу ҳуқуқий режимни бузганлик учун қонунда маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган. Аксарият МДҲга аъзо давлатларнинг (Россия, Қозоғистон, Украина) терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида террорчиликка қарши операциялар ўтказиладиган зонада муайян ҳуқуқий режимларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг МЖТК қуйидаги мазмундаги 205¹-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

«205¹-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказиш зонасида ўрнатилган ҳуқуқий режимни бузиш

Террорчиликка қарши операция ўтказувчи шахсларнинг қонуний талабларига тўсқинлик қилиш, шунингдек вақтинча ҳуқуқий режим ўрнатилган террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона (объект)га рухсатсиз кириш ёки киришга уриниш, — энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўттиз суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади».

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 2004 йил 26 август қонунининг 3-моддасида терроризмни молиялаштириш террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар, ресурслар беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш деб таъриф берилган. Шу жиҳатдан ушбу жиноят тури ЖК алоҳида моддасида белгиланиши мақсадга мувофиқ. Терроризмни молиялаштириш жинояти бошқа хорижий мамлакатлар, шу жумладан МДҲга аъзо давлатлар жиноят қонунчилигида алоҳида моддада қайд этилган.

Ҳозирги кунда террорчилик ҳаракатларини содир этишга ошкора даъват қилиш ёки терроризмни тарғиб қилиш, шунингдек шундай мазмундаги материалларни тарқатиш интернет сайтларида (Терроризмга қарши кураш бўйича Европа Иттифоқи координаторининг интернет саҳифаларида берган маълумотларга қараганда 5 мингдан ортиқ шундай сайтлар мавжуд) терроризмни тарғиб қилиш, уни содир этишга даъват этиш жуда хавфли жиноий қилмиш бўлиб қолмоқда¹. Амалдаги ЖКда ушбу турдаги қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

Шундай қилиб, терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар МДҲга аъзо давлатлар парламентлараро Ассамблеясининг 2004 йил 17 апрелдаги 23-ялпи йиғилишида қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги модель қонунига ҳам мос келиб, шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш баробарида мустақил давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

¹ Хлобустов О. Терроризм в России в начале XXI века // http://www.hrono.info/statii/2008/hlob_terr.html

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗО ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РЕЖИМ ВА ИЖТИМОЙ ФОЙДАЛИ МЕҲНАТНИНГ АҲАМИЯТИ

Озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ижросини самарали ташкил этишда режим талабларининг сўзсиз таъминланиши катта аҳамият касб этади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг (бундан буён – ЖИК) 7-моддасида режим маҳкуми ахлоқан тузатишнинг асосий воситаси ва жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби сифатида берилган (ЖИК 62-м.).

Озодликдан маҳрум этиш жойларида режимнинг қандай бўлиши ва унинг асосий талабларини белгилашда, *биринчидан*, жазонинг муайян тури (ҳукмда қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш жазоси, шу жумладан турмага қамаш тариқасидаги ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг кўрсатилиши) билан боғлиқ бўлса, *иккинчидан*, жазони ижро этиш колонияларининг тартиб турига ҳам бевосита боғлиқдир (масалан, манзил-колония, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колониялар ёки турма).

Жазони ижро этиш ва ўташ тартиби (режими) махсус адабиётда юридик ва педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Россиялик ҳуқуқшунос олим С.И.Кургановнинг фикрича, режим – жазони ижро этиш ва ўташнинг амалдаги қонун ва қонуности нормалари томонидан белгиланган тартибидир¹.

Режим орқали жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга нисбатан жазолаш, тарбиялаш ва шу каби бир қанча функциялар ҳам амалга оширилади. Айни вақтда режим кўрсатиб ўтилган функцияларни бажариш билан бирга, маҳкумларга нисбатан баъзи ҳуқуқий чеклашларни вужудга келтиради ва бу айнан жазолашда намоён бўлади.

Социологик сўровимизда иштирок этган аксарият маҳкумларнинг (83,3%) ўзлари ҳам жазони ўташ даврида интизомий жазо чораларини тўлиқ (15,0%) ёки қисман (68,3%) қўллаб бориш лозимлигини айтишган. Маҳкумларнинг 18,3% ўзларига берилган интизомий жазо чоралари «адолат юзасидан» «маъмурият ходимлари билан турли хил келишмовчиликлар натижасида» (33,3%), «жазога сазоворлик принципи» (13,3%), асосида қўлланилганлигини эътироф этганлар. Қўлланилган жазо чораларининг 28,3%ини «ҳайфсан», 21,7%ни «карцер (интизомий бўлинма)га киритиб қўйиш», 6,7% ини «ўзгартирилган сақлаш шароитини бекор қилиш» ташкил этган.

Маҳкумларни интизомий жазолаш оқибатида келиб чиқадиган ҳуқуқий чеклашлар ҳақида Ч.А.Саттаров, А.Р.Пайзиев бошқачароқ фикрни билдириб, жумладан: «кўп йиллик тажриба ва тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўташ тартибининг ноўрин равишда қаттиқлаштириб юборилиши маҳкумларда ахлоқан тузалиш эмас, балки худбинлик, ўз кучини бошқалардан устун қўйиш, зўравонлик каби хусусиятларни шакллантиради. Жазони ўташ тартиби ва шароитлари билан боғлиқ ортиқча чекловларнинг қўлланилиши маҳкумлар онгида жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятини «душман» қиёфасида кўрсатиб қўяди. Бу эса, ўз навбатида, муассаса маъмуриятига маҳкуми тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш борасида муайян қийинчилик ва муаммоларни туғдиради. Инсонпарварлик принципи эса юқорида таъкидлаганимиздек, жазони ўташ тартиби

* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бош юрисконсулти.

¹ Қаранг: Курганов С.И. Уголовно-исполнительное право. – М., 2004. – С. 70.

ва шартларида белгиланган қатағон элементларини минимал даражада қўллаш орқали ундан кўзланган мақсадга эришиш имконини беради»¹, — деб таъкидлайдилар.

Бизнинг назаримизда, бу фикр бироз мунозаралидир. *Биринчидан*, жазони ўташ тартиби амалдаги жиноят-ижроия қонунчилиги ва унга асосан қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бинобарин, озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларга нисбатан «ортиқча чекловлар қўлланилиши»нинг ўзи мумкин эмас. Қўлланилган тақдирда ҳам унга қонунчилик ва хизмат интизомининг бузилиши сифатида қаралади ва тегишинча жавобгарликка сабаб бўлади. *Иккинчидан*, жазони ўташ тартиби ва шартларида белгилаб қўйилган чекловлар ўзида «қатағон элементларини» назарда тутмайди, балки «маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари»ни (ЖИК 7-м. 2-қ.) қамраб олувчи элементларни назарда тутати ва шу орқали жазолаш функциясини бажаради.

Юридик адабиётларда кўпгина юристлар жазо икки қисмдан, яъни қатағон ва тарбиядан иборатлигини таъкидлашлари билан бирга, пировард натижа маҳкумни ахлоқан тузатиш эканлигини ҳам эътироф этадилар². Дарҳақиқат, жазонинг асосий мақсадидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, режим жазолаш функцияси орқали шахсни жисмоний ёки маънавий азоб-укубат ёхуд хўрлаш орқали қатағон қилишни эмас, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган айрим ҳуқуқий чекловлар орқали шахс томонидан содир этган ёки этаётган хатти-ҳаракатининг оқибати ҳақида ўйлашга, хулоса чиқаришга ундашга йўналтирилган элементларни тўлиқ қўллаган ҳолда ахлоқан тузатишни назарда тутати (ЖК 42-м. 2-қ.).

Юқорида номлари зикр этилган муаллифлар томонидан жазони ўташ тартиби ва шартлари билан боғлиқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «қатағон элементига» эга «мавжуд чекловлар»га нисбатан фикрлар билдирилганда, уларни камайтириш назарда тутилган бўлса, бу эътиборга молик жиҳатдир. Бу масалада бизнинг фикримиз қуйидагича: яъни озодликдан маҳрум қилиш жазо тизимида энг оғир жазо турларидан бири ҳисобланар экан, уни инсон қадр-қимматини камситувчи яна қандайдир «қатағон элементига» эга хатти-ҳаракатлар билан оғирлаштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Ўтказилган тадқиқотларда яна шу нарса маълум бўлдики, жазони ижро этиш муассасаларида хизмат қилаётган сўровга жалб этилган ходимларнинг 78 нафари ёки 48,4 % ўзлари хизмат қилаётган муассасада маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш аҳволи «қониқарли», 77 нафари ёки 47,8 % «яхши» ва 6 нафари ёки 3,8 % «намунали» эканлигини маълум қилганлар.

Шунингдек, тадқиқотларимиз жараёнида жазони ўташ жойларида режим талаблари қонунга мувофиқ ёки зид равишда бажарилаётгани ҳақида маҳкумлардан сўралганда, респондентларнинг 33,3 % — «қонун доирасида», 25,0 % — «қонунга зид ҳолда», 41,7 % эса «ўзларига нисбатан ходимлар томонидан кўпол муомала қилиш»дан иборат «қисман қонунга зид ҳаракатлар» амалга оширилаётганлигини маълум қилганлар. Бинобарин, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминлашда режим талабларига қатъий риоя этиш баробарида, ушбу талабларни амалиётда қўллаш қонун доирасида амалга оширилиши лозим.

Билдирилган фикр-мулоҳазалардан англаш мумкинки, жазони ўташ тартиби, яъни режим жазолаш функциясини амалга ошириш жараёнида маҳкумларнинг ўз мажбуриятларини адо этишга ва айни пайтда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга, интизомни бузмасликка, маъмуриятнинг қонуний талабларига сўзсиз итоат этишга, ўзининг салбий хулқ-атворини ўзгартиришга, ижтимоий фойдали меҳнатга, ўқишга виждонан муносабатда бўлишга ундайди (ЖИК 62-м.) ва бу орқали тарбиялаш функциясини бажаради.

¹ Қаранг: *Саттаров Ч.А., Пайзиев А.Р.* Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этишда инсонпарварлик принципининг татбиқ этилиши ва аҳамияти // Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар: бугунги ҳолати, муаммо ва ечимлари. — Т., 2008. — Б. 120.

² Қаранг: *Ширвиндт Е.Г., Утевский Б.С.* Советское исправительно-трудовое право. — М., 1957. — С. 12—14.

Таъкидлаш жоизки, режим талаблари фақат маҳкумлардан эмас, балки муассасада фаолият кўрсатаётган барча ходимлар, ишчи ва хизматчилардан ҳам жиноят-ижроия қонунчилигига ва ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя этишни талаб қилиш орқали турли қонунчилик ва хизмат интизоми бузилишининг олдини олиш функциясини бажаради.

2004–2009 йиллардаги беш статистик маълумот таҳлили шуни кўрсатадики, республикамиздаги мавжуд жазони ижро этиш муассасаларида хизмат вазифасига боғлиқ бўлмаган ҳолда озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган маҳкумлар билан ноқонуний алоқада бўлганларнинг 36,3%ини — эркин ёлланган ходимлар, 32,7 %ини — назоратчи ва 31,0 %ини офицерлар таркибидаги ходимлар ташкил этган. Бу кўрсаткич қозоғистонлик ҳуқуқшунос олима Р.Джансараева томонидан ўтказилган тадқиқотларда мос равишда 46,7 %, 30,4 % ва 20,6 %ни ташкил этганини кўришимиз мумкин¹.

Ходимлар билан маҳкумлар ўртасида хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ноқонуний алоқаларнинг кўпайиши, озодликдан маҳрум этиш жойларига тақиқланган буюм ва нарсаларнинг кириб келишига сабаб бўлиши билан бирга, жазони ижро этиш муассасасидаги барқарор вазиятга салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, тақиқланган буюм ва нарсаларнинг кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида ўтган йиллар мобайнида жазони ижро этиш тизимида бир қатор чора-тадбирлар ўтказилган.

Бироқ олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, 2007 йилда 2006 йилга нисбатан деярли уч баравар кўп миқдордаги нақд пул маблағлари маҳкумлардан олиб қўйилган ва давлат фойдасига мусодара қилинган. Маҳкумлар томонидан содир этилган тартиббузарликлар сони 2006 йилдагига нисбатан 2007 йилда 1%га, интизомий жазо тариқасида интизомий бўлинмага киритиб қўйиш 8% га, қарцерга киритиб қўйиш 47%га кўпайган. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ёки тартиббузарликларнинг сабаби биз ўтказган социологик сўровда иштирок этган ходимларнинг 105 нафари ёки 65,2% маҳкумлар томонидан, 42 нафари ёки 26,1% ходимлар ва маҳкумлар томонидан, 14 нафари ёки 8,7% ходимлар томонидан етарли даражада режим талабларига риоя қилмаслик натижасида келиб чиқишини айтишган.

Қашқадарё вилоятининг умумий тартибли жазони ижро этиш колониясида олиб борилган тадқиқотлар юзасидан маҳкумлар томонидан режим талабларига риоя қилинишига оид 2007–2008 йиллардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар минг нафар маҳкумга тўғри келадиган тартиббузарлик 2008 йилда 2007 йилдагига қараганда 53,9 % га камайган. Тақиқланган нарсаларни тайёрлаш ва сотиш 50 % га, кун тартибини бузиш 51,3 % га камайган. Бироқ 2008 йилда 2007 йилдагига нисбатан кийим-бош кийиш қоидаларини бузиш 45 % га ўсган ёки ижтимоий фойдали меҳнатни рад этиш ёки ишдан бўйин товлаш ҳолатлари жиддий даражада ошган. Бу ҳол ўтказилган социологик сўровимизда ҳам ўз исботини топди. Хусусан, «ҳозирги кунда маҳкумлар ўртасида қандай кўринишдаги салбий ҳолатлар кўпроқ учрамоқда» деган саволимизга жазони ижро этиш муассасаларида хизмат қилаётган ходимларнинг 70 нафари ёки 43,4 % «меҳнатдан бўйин товлаш», 84 нафари ёки 52,2 % «кун тартибига риоя этмаслик» каби ҳолатларни кўрсатган.

Ҳуқуқшунос олимлар З.С.Зарипов, А.А.Шомансуров ва тадқиқотчи Ч.А.Саттаровнинг фикрларига кўра, жазони ижро этиш муассасаларида режим қоидаларининг маҳкумлар томонидан қатъий равишда бажарилмаслиги уларнинг ахлоқан тузалиш йўлига кирмаслигига сабаб бўлмоқда². Бундай ҳолат жазони ижро этиш муассасаларидаги тезкор вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Амалиёт ходимларининг 59,0% озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини самарали ташкил этишда энг аввало режим талабларини бажаришга эътибор қаратиш лозимлигини айтган бўлса, 26,7% — маҳкумларни ахлоқан тузатишга, 8,7 % — маҳкумларни

¹ Қаранг: *Джансараева Р.* Характеристика преступлений, совершаемых в исправительных учреждениях Республики Казахстан // Российский следователь. — 2005. — № 7. — С. 56.

² Қаранг: *Зарипов З.С., Шомансуров А.А., Саттаров Ч.А.* Рецидив жиноятчилик муаммолари // Қонун ҳимоясида. — 1998. — № 4. — 35-б.

ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга, 2,5 % — умумий ўрта, ўрта махсус ва касб тайёргарлигига¹, 3,1 % — маҳкумларнинг моддий-маиший, тиббий санитария таъминотига эътибор бериш лозимлигини айтган.

Режим маҳкумларга ахлоқ тузатишнинг бошқа асосий воситаларини (тарбиявий иш, ижтимоий фойдали меҳнат, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва касб тайёргарлиги, жамоатчилик таъсирини) қўллаш учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратади. Албатта, озодликдан маҳрум этиш жойларида етарлича тартиб бўлмаса, бу чоралардан бирортаси ҳам самара бермайди. Бунда режимнинг таъминловчи функцияси намоён бўлади.

Шундай қилиб, режим — жазони ижро этиш ва ўташнинг жиноят-ижроия қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали белгиланган тартибидир. Ушбу тартибга риоя этиш ёки этмаслик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибат эса озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумнинг сақланиш шароитини енгиллаштириши ёки оғирлаштириши ва айтилиши вақтида, унинг ҳуқуқий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда жазони ижро этиш муассасаларида режим талабларини таъминлаш мақсадида, назаримизда, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

— жазони ижро этиш муассасаси ходимларининг, айтилган тартибот ва қўриқлаш хизмати ходимларининг назарий-ҳуқуқий билимлари ва амалий кўникмаларини мунтазам ошириб бориш;

— маҳкумлар билан олиб борилаётган тарбиявий-профилактик ва тушунтириш ишлари сифатини юқори савияда ташкил этиш;

— жазони ижро этиш муассасаси вакиллари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, расмий рўйхатдан ўтган диний ташкилот, маҳаллий ҳокимият, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мунтазам равишда очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари ва маърузалар ташкил этиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиши лозим.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижросини самарали ташкил этишда ижтимоий фойдали меҳнатнинг роли ва аҳамияти ҳам жиддий аҳамият касб этади.

В. А. Елеонский томонидан ўтказилган тадқиқотларда сўровга жалб этилган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган умумий маҳкумларнинг 94 % ахлоқан тузатиш чораларининг у ёки бу турини маълум даржада самарали таъсир этишини эътироф этганлар. Айтилиши пайтда жавоб берганларнинг 73 % ижтимоий фойдали меҳнат таъсирини биринчи ўринда қайд этганлар².

И. У. Исмаилов ва Ч. А. Саттаров ўтказган тадқиқотларда маҳкумларнинг 72,2 % — меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, маъмурият томонидан берилган ишлаб чиқариш топшириқлари ва меҳнат нормаларини бажарувчилар, 18,7 % — меҳнат нормаларини бажармайдиганлар, 7,9 % — ижтимоий фойдали меҳнатдан ҳам ошқора, ҳам яширин тарзда бўйин товловчилар бўлиб, улар орасида меҳнатга яроқли 30 ёшгача бўлган маҳкумлар ҳиссаси бошқа ёшдаги маҳкумларга нисбатан бир неча баробар юқори эканлиги қайд этилган³.

Бундай салбий кўринишни Қашқадарё вилоятидаги тадқиқот олиб борилган умумий тартибли жазони ижро этиш колонияси фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, 2008

¹ Изох: Бу жавоб асосан тарбия колониясида хизмат қилаётган ходимлар томонидан кўрсатилган.

² Қаранг: *Елеонский В.А.* Воздействие наказания на осужденных. — Рязань, 1980. — С. 60.

³ Қаранг: *Исмаилов И.У., Саттаров Ч.А.* Рецидив жиноятларнинг олдини олишда маҳкумларга қўлланиладиган ахлоқ тузатиш воситаларининг самарадорлигини ошириш // Жиноятчиликнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар. — Т., 2003. — 129-б.

йилда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган маҳқумлар орасида ишлашни рад этиш ёки ишдан бўйин товлash ҳолатлари 2007 йилдагига нисбатан олти баравар кўпайган.

Ўзбекистонда маҳқумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш бўйича умумий кўрсаткич (жами маҳқумларнинг ўртача 70–75 % ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган) МДХга аъзо мамлакатлардаги кўрсаткичларга нисбатан ижобий эканлигини таъкидлаш билан бирга, бу йўналишда олиб борилаётган ишларга танқидий нуқтаи назардан қараб, фикримизча, қўйидаги ҳолатларга жиддий эътибор қаратилиши лозим:

биринчидан, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳқумлар учун иш ўринларини ташкил этиш етарли даражада эмас. Социологик сўровимизда иштирок этган жазони ижро этиш тизими ходимларининг 73,3 % ҳам худди шундай фикрни билдирдилар;

иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражаси ва рақобатбардошлиги юқори бўлиши талаб қилинади. Афсуски, жазони ижро этиш муассасаларида халқ истеъмоли учун тайёрланаётган 145 дан ортиқ турдаги барча маҳсулотларнинг сифатини ҳам бундай талабга жавоб беради деб бўлмайди;

учинчидан, маҳқумлар меҳнатига тўланадиган иш ҳақи уларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлайдиган даражада эмас. Тўғри, амалдаги жиноят-ижроия қонунчилигида меҳнат нормалари ва меҳнат вазифаларини бажарган маҳқумлар меҳнатига тўланадиган ойлик иш ҳақи белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган (ЖИК 92-м. 2-қ.). Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда ҳар битта маҳқумнинг ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақи миқдорининг тахминан бир ярим бараварини ташкил этмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, кўплаб назарий ва амалиётчи мутахассисларнинг фикрича, агар жазони ижро этиш колонияларида маҳқумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасида қатъий иш олиб борилса, бу уларнинг ахлоқини тузатиш ва тарбиясига ижобий ёрдам бериши билан бирга, уларни ҳамда оила аъзоларини моддий жиҳатдан маълум даражада таъминлаши мумкин¹. Бу эса, назаримизда, жазо ижросини таъминлаш вақтида маҳқумларнинг оила аъзолари билан ижтимоий алоқалари мустаҳкамланишига янада ижобий таъсир қилади.

• **Нашрга тайёрланди** •

Rustamov H. M., Umarov Z. R. Statistika: Darslik. — Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2011. — 186 б.

Ушбу дарсликда статистика фанининг таянч тушунчалари, ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш усуллари ҳақидаги назарий, шунингдек, статистик усулларни амалиётга жорий қилиш ҳақидаги амалий билимлар баён этилган. ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти билан боғлиқ саволларни ўзлаштириш, тегишли хулосалар чиқариш ва уларни амалиётга жорий қилиш юзасидан зарур тавсиялар берилган.

Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасалари тингловчилари, профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, шунингдек, жиноятлар ҳақида статистик маълумотлар тўплаш, кузатувлар олиб бориш, маълумотларни гуруҳлаш ва уларни қайта ишлаш ҳамда тўпланган маълумотларнинг мониторинг натижалари асосида зарур хулосалар чиқарган ҳолда бошқарув қарорлари қабул қилиш вазифаларини амалга оширувчи амалиёт ходимларига мўлжалланган.

¹ Ўша жойда.

*Х. Н. Атабаев**,
*А. Д. Хусанов***

ВОЗМОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ПОЛИГРАФА В РАСКРЫТИИ И РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

В современных условиях раскрытие и расследование преступлений предусматривает широкое применение достижений научно-технического процесса. При этом использование научно-технических средств в этом процессе приобретает самые разнообразные формы, одной из которых является метод тестирования с помощью полиграфа¹ (известного также как «детектор лжи», «лай-детектор», «вариограф», «плетизмограф»).

Полиграф представляет собой многоцелевой научный прибор, широко используемый в медико-биологических и психологических исследованиях, в прикладной психофизиологии, частным разделом которой является «детекция лжи». Полиграфы предназначены для одновременной регистрации нескольких (от 4 до 16) физиологических процессов, связанных с возникновением эмоций: дыхания, кровяного давления, биотоков (мозга, сердца, скелетной и гладкой мускулатуры и т.п.) в то время, как обследуемому лицу задается ряд вопросов, относящихся к специфическому расследуемому факту.

Записи (полиграммы), полученные в ходе обследования на детекторе лжи, интерпретируются полиграфологом. Оценивая зарегистрированные с его помощью изменения, можно ответить на вопрос, есть ли в нервной системе испытуемого лица так называемые памятные и эмоциональные следы, имеющие связь с преступлением. Указанные реакции являются бессознательными, ими нельзя руководить (хотя встречаются лица, которые пытаются манипулировать дыханием, осознанно или не осознанно задерживая его, но это сразу видно на диаграммах полиграфа).

Такие испытания длятся определенное время и состоят из нескольких тестов. Эти тесты составляет эксперт на основании материалов уголовного дела, пользуясь знаниями следователей, проводящих следствие.

Следует отметить, что в свое время в криминалистической литературе высказывались самые неоднозначные мнения о возможностях применения данного прибора в практике раскрытия и расследования преступлений. В частности, Р. С. Белкин отмечал, что «детекция лжи» — это допрос, основанный на «лженаучном экспериментировании с эмоциями допрашиваемого»².

Т. Дубинская, ссылаясь на мнения американских специалистов, отмечала: «Эксперты по «детекторам лжи»... давно уже не скрывают, что им по сути дела неизвестно, что именно измеряет прибор. Поэтому разные полицейские сплошь да рядом ставят противоположные диагнозы по одной и той же кривой».

И даже Эдгар Гувер в пылу откровения как-то признал: «Термин «детектор лжи» совершенно не соответствует действительности. Аппарат не является «детектором лжи». «Детектором лжи» является человек, управляющий аппаратом»³.

В настоящее время исследования с использованием полиграфных устройств в оперативно-розыскной деятельности, на стадии предварительного расследования, в качестве

* Соискатель кафедры криминалистики Академии МВД Республики Узбекистан.

** Преподаватель кафедры криминалистики Академии МВД Республики Узбекистан.

¹ Слово «полиграф» (от греческого «polys» — «многий, многочисленный, обширный» и «grapho» — «пишу») в переводе означает «множество записей».

² Белкин Р. С. Эксперимент в следственной, судебной и экспертной практике. — М., 1964, — С. 221.

³ Дубинская Т. Ларчик открывается просто // Известия. — 1965. — 1 июня.

экспертизы, в целях профотбора в государственных и коммерческих учреждениях осуществляются более чем в 60 странах мира, в том числе США, Германии, Польше, Азербайджане, Армении, Беларуси, Грузии, Казахстане, Кыргызстане, Латвии, Литве, Молдове, России, Таджикистане, Туркменистане, Украине, Эстонии и других странах.

В ряде зарубежных стран существуют законы и подзаконные акты, регламентирующие применение полиграфа. В других случаях правовой механизм действует через нормы законодательных актов, относящихся к смежным правовым отраслям и сферам деятельности.

В большинстве стран мира опросы с использованием полиграфа не носят статуса «доказательств» в судопроизводстве (Великобритания, ФРГ и др.). По предварительной договоренности сторон результаты опросов с использованием полиграфа могут быть приняты в качестве доказательств судами по гражданским делам (Израиль, Канада). Начиная с 1998 г. в Польше результаты ОИП могут использоваться в качестве «вспомогательных доказательств» по уголовным делам. Здесь функционируют пять центров, в которых проводятся подобные экспертизы на полиграфе. Это кабинет испытаний на полиграфе в центральной криминалистической лаборатории Главного управления полиции, а также криминалистические лаборатории в некоторых городах Польши, где ежегодно проводится примерно 100-120 экспертиз.

В Японии результаты ОИП оформляются в качестве экспертных докладов, признаются уликой и рассматриваются Нижними судами (судами первой инстанции) в качестве доказательств.

Ведущим в мире пользователем полиграфа являются Соединенные Штаты Америки, применяющие метод опроса с использованием полиграфа со времен первой мировой войны. Вместе с тем, невзирая на более 100-летний опыт применения полиграфа, законы, регламентирующие его использование, кардинально менялись здесь каждые 3—5 лет.

В Российской Федерации научные исследования возможностей использования полиграфа при раскрытии и расследовании преступлений проводятся с 1992 г. В этих целях в структуре МВД России создан специальный отдел, укомплектованный юристами, психологами, биологами. Приоритетным направлением в его работе является изучение возможностей и эффективности использования полиграфа в целях выявления, предупреждения, пресечения и раскрытия преступлений.

Правовую основу тестирования с помощью полиграфа в Российской Федерации создают нормы Уголовно-процессуального кодекса об участии специалиста в следственных действиях и о возможности применения технических средств для собирания, фиксации и использования информации, Закон «Об оперативно-розыскной деятельности» и Инструкция «О порядке применения полиграфа при опросе граждан».

Зарубежный опыт использования результатов опроса с использованием полиграфа в качестве доказательств указывает на сложность данного вопроса и неоднозначность его решения в различных странах мира. Общим является одно — резкое ограничение использования результатов опроса при раскрытии и расследовании преступлений в уголовном судопроизводстве и исключительно высокие требования к специалистам-экспертам.

Вместе с тем можем согласиться с мнением учёных, которые считают, что следует придать «проверкам на полиграфе статус самостоятельного вида экспертизы — психофизиологической»¹, и они могут быть признаны доказательствами при раскрытии и расследовании преступлений.

Так, например, в Российской Федерации уже к началу 2008 г. были известны десятки случаев, когда результаты опроса с использованием полиграфа, выполненные в форме судебно-психофизиологической экспертизы, были признаны доказательствами судами различных инстанций, в том числе Военной коллегии и Коллегии по уголовным делам Верховного суда Российской Федерации².

¹ Комиссарова Я.В., Сошников А.П. Заключение полиграфа как источник доказательств // Актуальные проблемы современной криминалистики. Ч.1. — Симферополь, 2002. — С.68-69.

² См.: Холодный Ю. И. Судебно-психофизиологическая экспертиза с применением полиграфа: период становления // Вестник криминалистики. — 2008. — №1. — С. 25.

Говоря о проблематичности признания результатов опроса на полиграфе в качестве уголовно-процессуальных доказательств, Н. Н. Китаев и А. Н. Архипова все же отмечают, что такая тенденция неуклонно присутствует на практике. Они пишут, что, например, «в Ростовской области РФ следователи приобщают к материалам уголовных дел результаты опроса с использованием полиграфа, оформленные в виде выписок из справки либо рапортов. При этом задания органу дознания на проведение исследований даются органами следствия в рамках отдельных поручений по выполнению оперативно-розыскных мероприятий. Следователи при Следственном комитете Брянской области РФ разработали «механизм закрепления» результатов полиграфического опроса:

- 1) к материалам уголовного дела приобщается справка-меморандум о проведенных оперативно-розыскных мероприятиях и справка специалиста-полиграфолога;
- 2) проводится допрос специалиста о результатах опроса и научных методах, используемых при снятии данных и подсчете результатов полиграмм;
- 3) допрашивается лицо, опрошенное ранее на полиграфе, с предъявлением ему результатов опроса»¹.

Следует отметить, что испытания на полиграфе чаще всего применяются в ходе предварительной проверки и на первоначальном этапе предварительного расследования. Подвергают проверке тех лиц, которые могут иметь отношение к происшествию, могут знать что-либо о нем или быть подозреваемы и очевидцами преступления. Во всех случаях необходимо согласие испытуемого, на каждом этапе он может прервать испытание и отказаться от него без обязательного объяснения причин отказа. Другим ограничением является состояние здоровья испытуемого. Так, например, лица, страдающие насморком или кашлем, должны дождаться выздоровления, поскольку во время тестов на полиграфе нельзя двигаться, жестикулировать, даже шмыгать носом².

Отсутствие специальных законодательных актов, допускающих признание в качестве доказательств результатов тестирования с помощью полиграфа во время допроса, на наш взгляд, сдерживает развитие научных исследований в этом направлении, не позволяет в полной мере использовать возможности указанного метода для сбора доказательств. Поэтому в настоящее время этот метод на практике реализуется в основном лишь в целях получения ориентирующей, а не доказательственной информации.

В уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан существуют нормы об использовании при раскрытии и расследовании преступлений при помощи научно-технических средств. В частности, ст. 339 УПК Республики Узбекистан предусмотрено, что «на органы дознания возлагается принятие необходимых мер с использованием научно-технических средств в целях обнаружения признаков преступления и лиц, его совершивших, выявления данных, которые могут быть использованы в качестве доказательств по уголовному делу после их проверки в соответствии с правилами УПК».

На наш взгляд, полиграф, как и другие научно-технические средства, применяемые в криминалистике, является прогрессивным средством в раскрытии и расследовании преступлений. Естественно, его широкому внедрению в практическую деятельность правоохранительных органов должна предшествовать разработка и принятие соответствующей правовой базы.

¹ См.: *Китаев Н.Н., Архипова А.Н.* Результаты опроса на полиграфе не могут иметь статус уголовно-процессуальных доказательств // *Российский следователь.* — 2010. — №3. — С.5—6.

² В настоящее время производители полиграфов (в их числе лидером является Компания Lafayette Instrument Company с долей производства полиграфов, составляющей около 90%) целенаправленно работают над их совершенствованием, внедряя в них самые современные технологии.

ГУВОҲЛАНТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири — жиноят ишларининг юритилиши жараёнида ҳар қандай шахс, яъни жиноят содир этган ёки содир этилган жиноятнинг оқибатларидан жабр кўрган шахсга, ким бўлишидан қатъи назар, қонуний ва инсонпарвар муносабатни таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан, жиноят процессида Жиноят-процессуал кодекс (ЖПК)нинг мақсадларига эришиш ва унинг олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун биринчи навбатда жиноят ишида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган махсус процессуал кафолатлар тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

ЖПКнинг 143-моддасида гувоҳлантириладиган шахслар доираси тартибга солинган. Унга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилишлари мумкинлиги, гувоҳ эса унинг кўрсатувлари тўғрилигини текшириш учунгина гувоҳлантирилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистонда илгари қабул қилинган ЖПКлардан фарқли равишда, амалдаги ЖПКда гувоҳнинг гувоҳлантирилиши бўйича алоҳида тартиб ўрнатилган. Яъни, амалдаги ЖПКда гувоҳ унинг кўрсатувлари тўғрилигини текшириш мақсадидагина гувоҳлантирилиши мумкинлиги, бошқа мақсадларда уни гувоҳлантириш мумкин эмаслиги, бу борада унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мустақкам кафолати белгилаб қўйилган.

ЖПКнинг 144-моддасида эса гувоҳлантириш ўтказиш учун бу тўғрида қарор ва ажрим чиқарилиши лозимлиги қайд этилган. Унга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг баданида жиноят излари, иш учун аҳамиятга молик бошқа белгилар ёки унинг гайритабиий физиологик ҳолати тўғрисида етарли маълумотлар бўлса, гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақида суриштирувчи ёки терговчи — қарор, суд эса ажрим чиқариши мумкинлиги баён қилинган. Бундан ташқари, амалдаги ЖПКнинг ушбу моддасида илгариги ЖПКлардан фарқли равишда, гувоҳлантириш тергов ҳаракати ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда гувоҳлантиришни ким ва қандай мақсадда ўтказиши, кимни гувоҳлантириш кераклиги, гувоҳлантирилиши учун шахс кимнинг ҳузурига ва қачон етиб келиши кўрсатилган бўлиши кераклиги ҳар томонлама қонуний мустақкамланганлигини шахс ҳуқуқларининг қўшимча кафолати сифатида баҳолаш керак.

Шу ўринда гувоҳлантиришни тайинлаш тўғрисида терговчи чиқарадиган қарорнинг тузилиши ҳақидаги фикрларни ҳам батафсил келтириб ўтиш жоиз. Бу қарор, у ёки бу ҳаракатни ўтказиш тўғрисидаги бошқа қарор каби, уч қисм: кириш, тавсифловчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши лозим¹.

Қарорнинг кириш қисмида қарор чиқарилган вақт ва жой; қарорни чиқарган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, даражаси ёки махсус унвони; жиноят ишининг сони кўрсатилади.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий академик курслари катта ўқитувчи-методисти, юридик фанлар номзоди.

¹ Қаранг: Раҳмонқулов А. Х. Ички ишлар органларида дастлабки тергов. — Т., 2005. — Б. 65; Торбин Ю. Г. Освидетельствование в свете нового УПК РФ // Государство и право. — № 8. — 2003. — С. 56.

Қарорнинг асослантурувчи қисмида гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилган маълумотлар акс эттирилади. Шу жойда гувоҳлантириш қайси масалани ҳал қилишга қаратилганлиги (алоҳида белгилар, жиноят излари, тан жароҳатлари, мастлик ҳолати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ва ҳоказо) кўрсатилади.

Қарорнинг хулоса қисмида гувоҳлантирилувчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми; гувоҳлантириш ўтказилган вақт ва жой, шунингдек ёритилиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилади. Терговчи гувоҳлантиришда иштирок этиш учун шифокор ёки бошқа мутахассисни таклиф қилишни назарда тутган бўлса, бу ҳолат ҳам қарорда акс эттирилади.

Қарорда гувоҳлантирилувчи шахснинг чиқарилган қарор билан таништирилганлиги ҳақида ҳам маълумот бўлиши керак. Бу қарор терговчи томонидан имзоланади. Шунини қайд этиш лозимки, гувоҳлантиришнинг уни ўтказиш тўғрисида қарор чиқармасдан олинган натижалари далил кучига эга бўлмайди¹.

Таъкидлаш жоизки, гувоҳлантириш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирилувчи шахс учун бажарилиши мажбурийдир (ЖПК 145-м.). Яъни, суриштирувчининг, терговчининг гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги қарори ёки суднинг шу ҳақдаги ажрими қайси шахс хусусида чиқарилган бўлса, ўша шахсга нисбатан мажбурийдир. Гувоҳлантиришдан бош тортаётган шахслар мажбурий келтирилиши ва гувоҳлантирилиши мумкин. Бу — албатта, шахс ҳуқуқларини чекловчи ҳолат. Бундай норманинг ЖПКга киритилиши, бир томондан, жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлашга, жиноятнинг очилишига, шунингдек айбдорларни жазолашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, гувоҳлантирилувчи шахснинг конституциявий ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Гувоҳлантиришни мажбурий тартибда ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг гувоҳлантирилувчи шахсга процессуал ҳаракатни амалга оширишдан олдин эълон қилиниши ва унинг шахсий имзоси билан тасдиқланиши шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотларимиз натижасига кўра, амалиётда гувоҳлантириладиган шахсларнинг ҳуқуқлари етарли даражада таъминламаётганлигини кўрсатувчи ҳолатлар ҳам учрамоқда. Яъни, гувоҳлантирилган шахсларнинг бу борадаги фикрини ўрганиш мақсадида биз тузган анкета сўровномасидаги «Сизни гувоҳлантиришдан олдин гувоҳлантириш қарори билан таништиришдими», деган саволга респондентларнинг 40 фоизи «йўқ» деб жавоб берган.

Қайд этиш лозимки, гувоҳлантириш тўғрисидаги қарор гувоҳлантирилувчи шахсга уни ўтказишдан олдин эълон қилиниши билан бир вақтда гувоҳлантирилувчига ЖПК 145-моддасининг биринчи қисмидаги «мазкур қарор кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс учун мажбурий ҳисобланиши ҳақидаги талаби» тушунтирилиши лозим². Ушбу тушунтириш, албатта, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситмасдан, унинг ҳуқуқларини поймол қилмасдан амалга оширилиши лозим. Бу шахс гувоҳлантирилишдан бош тортса, терговчи жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш учун суд тиббиёти экспертизасини тайинлаш ёки мажбурий гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Мажбурий гувоҳлантириш ўтказиш учун терговчи ИИО ходимларини таклиф қилиб, улар ёрдамида гувоҳлантиришни ўтказилади. Бу жараёнда ҳам, албатта, шахс ҳуқуқларининг бузилмаслиги чоралари кўрилиши лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрь қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991–2006 йиллар. II жилд. — Т., 2006. — Б. 188–191.

² Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. — Т., 2000. — Б. 145–146.

Шу ўринда бир ҳолатга алоҳида тўхтатилиб ўтиш жоиз. Мажбурий гувоҳлантиришда гувоҳлантирилувчи шахснинг қаршилиқ кўрсатишига қараб, унга нисбатан мажбурлов чегараси қандай бўлиши кераклиги, агар гувоҳлантирилувчи шахс терговчининг қарорини унинг мақоми бўйича, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сифатида бажаришдан бош тортган тақдирда, қандай жавобгарликка тортилиши ойдинлаштиришни талаб этадиган ҳолат ҳисобланади. Чунки уларнинг мажбуриятлари ЖПК бўйича ҳуқуқий тартибга солинган. Масалан, ЖПК 48-моддасининг иккинчи қисми бўйича гумон қилинувчи суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги лозимлиги кўрсатилган. Худди шу мажбурият ЖПК 46-моддасининг иккинчи қисмида келтирилган айбланувчининг мажбуриятларида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган¹.

ЖПКнинг 271-моддасида эса процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унда процессуал мажбуриятларни бузганликлари учун жабрланувчилар ва гувоҳлар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан ўтиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги кўрсатилган. Лекин ушбу моддада гумон қилинувчи ва айбланувчининг гувоҳлантиришдан бош тортмаслиги каби мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги қайд этилмагани тўғри тартибга солинган, деб ўйлаймиз. Чунки гумон қилинувчи ва айбланувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238–240-моддаларида кўрсатилган жиноятларнинг субъекти бўлмайди. Шу билан бирга, гувоҳлантиришнинг гувоҳлантирилувчи шахснинг қаршилигини енгган ҳолда, мажбурий тартибда ўтказилиши унинг процессуал мажбуриятини бажармаганлиги учун чора сифатида баҳоланиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, фикримизча, жабрланувчи ва гувоҳларга ҳам шу механизмни татбиқ қилиш лозим. Яъни, гувоҳлантиришдан бош тортган ҳолларда мажбурий гувоҳлантириш уларга нисбатан процессуал мажбуриятни бажармаганлиги учун чорага айланишини ҳисобга олиб, ЖПКнинг 271-моддасидаги «...жабрланувчилар ва гувоҳлар — суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан ўтиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар», деган қоидадан «*гувоҳлантиришдан*» деган сўзни чиқариб ташлаш лозим. Бу жабрланувчи ва гувоҳни гувоҳлантириш жараёнида уларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг янги механизмини жорий қилиш имконини беради.

ЖПКнинг гувоҳлантиришни ўтказиш тартибини белгиловчи 146-моддасида гувоҳлантирилувчи ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва таъминланиши бўйича бир қатор қоидалар мавжуд. Бунга гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирилувчига эълон қилиниши ва шу билан бир пайтда, гувоҳлантирилувчи ва бошқа барча иштирокчиларга уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган². Ушбу қоида гувоҳлантириш жараёнида иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан бир қаторда, гувоҳлантирилувчига ҳам унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши лозимлигини назарда тутади.

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: *Астанова Л.И.* Жиноят процесси ва шахснинг ҳуқуқий мавқеи: Ўқув қўлланма. — Т., 1997. — Б. 44–45, 49.

² Бу ҳақда батафсил маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Масъул муҳаррир: проф. Ф. А. Абдумажидов. — Т., 2009. — Б. 256.

Агар бу қоидага амал қилмаган ҳолда гувоҳлантириш ўтказилса, гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқлари бузилади ва натижада гувоҳлантириш жараёнида олинган маълумотлар далилий аҳамиятини йўқотади. Бошқача айтганда, гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг ўтказилиши мобайнида гувоҳлантирилувчи шахснинг қандай ҳуқуқларга эга эканлиги ва мажбуриятлари тушунтирилмаса, гувоҳлантиришнинг механизми бузилади. Лекин биз гувоҳлантирилган шахслар ўртасида ўтказилган социологик сўровларнинг таҳлили амалиётда айрим ҳолларда ушбу борада ҳам камчиликлар борлиги, айниқса гувоҳлантириш шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмасдан ўтказилаётганлигини кўрсатувчи ҳолатлар ҳам борлигини кўрсатмоқда. Яъни, жиноят иши бўйича гувоҳлантирилган шахсларнинг фикрини ўрганиш мақсадида биз тузган анкета сўровномасидаги «Агар сизнинг баданингиз ёки мастлик ҳолатингиз ички ишлар ходимлари ёки шифокор томонидан текширилган бўлса, улар бу жараёнда сизнинг ҳуқуқларингизни тушунтиришганми», деган саволга респондентларнинг бор-йўғи 32 фоизи «ҳа» деб, 60 фоизи эса «йўқ» деб жавоб берган. Респондентларнинг 8 фоизи эса бу саволга ўз муносабатини билдирмаган. Бу ҳолат ҳам амалиётда гувоҳлантириш чоғида шахс ҳуқуқлари етарли даражада таъминланмаётганини кўрсатади.

ЖПКда гувоҳлантиришнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги гувоҳлантирилувчининг ҳуқуқларини таъминлаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш каби ҳолатлар билан ҳам чамбарчас боғланган. Чунки, гувоҳлантиришнинг амалга оширилиши шахс ҳуқуқларига ва унинг бадани дахлсизлигига маълум даражада чеклов ўрнатиш билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Мисол тариқасида ЖПК 146-моддасининг учинчи қисми билан гувоҳлантирилувчи шахснинг тана дахлсизлиги ҳуқуқи алоҳида тартибда ҳимояланганлигини келтиришимиз мумкин. Яъни, гувоҳлантирилувчи шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ гувоҳлантириш вазифаси терговчининг қарори асосида шифокорга топширилади.

Гувоҳлантириш жараёнида ЖПКнинг 49–51-моддалари талаблари асосида гувоҳлантирилувчи шахс ҳимоячисининг иштирок этиши¹ ва унга «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги² 2008 йил 31 декабрь қонунига мувофиқ берилган янги ваколатлар амалдаги ЖПКда гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқларини таъминлашга ва бузилишининг олдини олишга қаратилганлигига яққол далолатдир³.

Жумладан, гувоҳнинг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши масаласи ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниб, ЖПКга 66¹-модда киритилиб, «гувоҳнинг адвокати» деб номланган янги институт жорий қилинди. Бу эса, ўз навбатида, гувоҳни гувоҳлантиришда ва айниқса, мажбурий гувоҳлантиришда унинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини ва ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланганлигининг мустақкам пойдеворини яратди. Бу борада соҳа мутахассисларининг фикрини ўрганиш бўйича биз тузган анкета сўровномасидаги «Гувоҳлантириш жараёнида ҳимоячининг иштирок этишига муносабатингиз қандай?», деган саволга респондентларнинг 68,6 фоизи «Гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун замин яратади» деб жавоб бергани фикримиз тўғрилигининг яққол исботидир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, ЖПК Умумий қисми нормаси ҳисобланган ва «Исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлаш» деб номланган 88-моддасида ҳимоячининг гувоҳланти-

¹ Бу ҳақда қаранг: *Ишнйазов К.* Организационно-правовые основы участия защитника в стадии дознания и предварительного следствия: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2002. — С. 16–17.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008. — № 12 (1392). — 641-м.

³ Бу ҳақда қаранг: *Қодиров Р.* Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади // Халқ сўзи. — 2009. — 6 март.

риш жараёнидаги иштирокини чеклайдиган қоиданинг гувоҳи бўлиш мумкин. Яъни ушбу модданинг учинчи қисмида: «Тергов ёки суд ҳаракатлари билан боғлиқ ишларни бажараётганда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва ишда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этаётган шифокорлардан бошқа шахсларнинг ўзга жинсдаги шахсни яланғоч қилиб ечинтириш чоғида ҳозир бўлишлари тақиқланади» деб кўрсатилган. Агар гувоҳлантириш ЖПК 146-моддасининг учинчи қисми асосида шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ тарзда ўтказилса, унда ҳимоячи иштирокининг тақиқланишига қандай қараш мумкин? Бизнингча, бу жараён ҳам амалда гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳимоя ҳуқуқи етарли даражада таъминланмаслигига сабаб бўлмоқда. Қайд этилган муаммонинг ечими Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2008 йилнинг 31 декабрь қонунида¹ ҳам ўз аксини топмади.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 73 ва 352-моддалари талаблари асосида гувоҳлантириш жараёнида бу тергов ҳаракатининг ҳолисона олиб борилишини таъминлаш мақсадида, қонун чиқарувчи орган ишнинг натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахснинг ҳолис сифатида иштирок этишини мажбурий қоида сифатида белгилаган. Яъни, бунда ҳолисларнинг иштирокисиз амалга оширилган гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотлар далилий аҳамиятга эга бўлмайди². Бу қоидалар ҳам амалдаги ЖПКда бевосита гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

ЖПКнинг 142-моддасида кўрсатилганидек, гувоҳлантириш суд экспертизасини тайинлаш талаб этилмаган ҳолларда ўтказилади. Шунинг эътиборга олиб, гувоҳлантириш билан одамнинг суд тиббиёти экспертизаси ўртасидаги алоқа тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Кўрсатилган процессуал ҳаракатларнинг объекти битта — одамнинг бадани. Уларни ўтказиш учун процессуал асос бўлиб, терговчининг қарори хизмат қилади. Суд тиббиёти экспертизасини ўтказиш жараёнида терговчининг илтимосига биноан гувоҳлантиришнинг вазифалари ҳам ҳал қилиниши мумкин. Бу процессуал ҳаракатларни ўтказиш чоғида шахснинг қадр-қимматини камситадиган ёки унинг соғлиғи учун хавфли бўлган ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, гувоҳлантириш жараёнида иштирокчиларнинг ҳуқуқлари тушунтирилиши ва таъминланиши лозим.

Баъзан гувоҳлантириш суд тиббиёти экспертизасидан олдин ўтказиладиган ҳаракат ҳисобланади ва гувоҳлантириш жараёнида аниқланган жиноятнинг излари экспертиза ўтказиладиган пайтга қадар бутунлай ўзгарган ҳолларда гувоҳлантириш баённомаси экспертиза ўтказиш учун асос бўладиган материал вазифасини бажаради.

Аммо одамнинг суд тиббиёти экспертизаси ва гувоҳлантириш ўз табиатига ва ўтказишнинг процессуал тартибига кўра ҳам ўзаро фарқ қилади. Бу процессуал ҳаракатларнинг вазифалари ҳар хил. Гувоҳлантириш шахснинг баданида алоҳида белгиларни, жиноят излари ва тан жароҳатларини аниқлашга қаратилган бўлса, тирик одамларнинг суд тиббиёти экспертизасининг вазифалари анча кенгдир. Алоҳида белгилар, жиноятнинг излари ва тан жароҳатларини аниқлаш экспертизанинг дастлабки босқичи бўлиб, ундан кейин уларни тиббий усуллар ёрдамида ўрганиш ва текшириш амалга оширилади ҳамда уларнинг натижаларига кўра эксперт хулосаси чиқарилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008. — № 12 (1392). — 641-м.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрь қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991—2006 йиллар. II жилд. — Т., 2006. — Б. 188—191.

Суд тиббиёти экспертизаси ЖПКнинг 68-моддасида процессуал ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган эксперт томонидан ўтказилади. Терговчи гувоҳлантиришни ўтказишни шифокорга топширган ҳолларда шифокорнинг ҳуқуқ ва бурчлари ЖПКнинг 70-моддасида мустаҳкамланган мутахассиснинг процессуал мақомига эга бўлади.

ЖПКнинг 142, 144-моддаларига кўра гувоҳлантириш доирасида нафақат одамнинг баданида жиноятнинг излари, алоҳида белгилар ва тан жароҳатларини, балки одам организмнинг баъзи бир ҳолатларини, жумладан мастлик ҳолати, иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа физиологик ҳолатлар, жисмоний ривожланганлик даражасини аниқлаш имконини беради¹. Бу ҳол бошқа бир қанча қонун ҳужжатларида муфассал акс эттирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонунига кўра, «...наркомания касалига мубтало бўлган ёки шифокорнинг рецептсиз гиёҳвандлик воситаси ёхуд психотроп моддани истеъмол қилган ёки гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиши натижасида маст бўлган шахс тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлган суриштирув органи, терговчи ёки суд тиббий гувоҳлантириш тўғрисидаги қарорни чиқариши ва мазкур қарор асосида юқорида қайд этилган шахсларни гувоҳлантиришга юбориши мумкин»². Аслида, бу гувоҳлантириш эмас, балки экспертиза ҳаракатидир. Яъни, бунда тирик шахсларни суд-тиббий гувоҳлантириш экспертизанинг бир тури сифатида номоён бўлмоқда, деган муаллифларнинг фикрини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин³.

Хулоса қилиб айтганда, гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишда шахс ҳуқуқларининг таъминланиши ЖПКнинг 18, 88, 142–147, 352, 445-моддаларида қайд этилган ҳуқуқий асосларга таянади ва уларнинг талабларидан келиб чиқади. Акс ҳолда бу жараёнда шахс ҳуқуқларининг таъминланишига эришилмайди.

• Нашрга тайёрланди •

Информатика: Дарслик / И. М. Каримов, А. А. Иминов, Ф. Кадилов, Н. А. Тургунов, М. Х. Джаматов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — 196 б.

Ушбу дарсликда информатика фани ютуқларини ички ишлар идоралари фаолиятига татбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, процессуал ҳужжатлар, ҳисоботлар тайёрлаш, ахборот хавфсизлиги ва дахлсизлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Дарслик ИИВ Академиясининг бошланғич курс тингловчиларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа турдош соҳаларда фаолият юритаётган мутахассисларга мўлжалланган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. — Т., 2000. — Б. 223—224.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1999. — №9. — 210-м.

³ Бу ҳақда қаранг: *Ғиёсов З.А., Ботаев Ж.И., Саидов Ч.Ш.* Суд тиббиёти ва психиатрияси. Икки жилдли. 1-жилд. Суд тиббиёти: Дарслик. — Т., 2011. — Б. 26.

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАСКРЫТИЯ И РАССЛЕДОВАНИЯ ХУЛИГАНСТВА

Хулиганство относится к преступлениям, представляющим большую общественную опасность для общества.

Хулиганство причиняет вред общественным отношениям, сложившимся на основе соблюдения норм права, направленных на поддержание общественного спокойствия и нравственности, взаимного уважения, надлежащего поведения граждан в общественных местах, отношений в сфере социального общения¹.

В раскрытии и расследовании хулиганства особое место занимают следственные действия, посредством которых создается доказательственная база, и чем раньше они проводятся, тем больший эффект они приносят. По мнению О.Я. Баева, основания производства любого следственного действия предопределяются целями, на достижение которых оно направлено в соответствии с уголовно-процессуальным законом². При задержании хулиганов на месте или немедленно после совершения преступления, если по каким-либо причинам нельзя сразу провести осмотр, необходимо принять меры к организации охраны места происшествия. Следственная практика показывает, что проведение осмотра в многолюдных местах связано с определенными трудностями. Для этого требуется привлечение значительных сил, поскольку следы преступления могут быть обнаружены не в одном, а в нескольких смежных или изолированных помещениях (например, при совершении хулиганства в ресторане).

По делам о хулиганстве наиболее часто осмотры мест происшествий проводят сотрудники органа дознания, которым, кроме сбора информации на месте события преступления, приходится проводить и первоначальные следственные действия. В данном случае применение технических средств (фотоаппарата, видеокамеры, средств обнаружения следов и т. д.) способствует обнаружению вещественных доказательств, расширяет возможности оперативного работника, делает его работу более рациональной. Эффективность осмотра возрастает, если в нем участвует специалист-криминалист, который обеспечивает обнаружение, фиксацию и изъятие следов.

Осмотр места преступления позволяет обнаружить его материальные следы: нецензурные надписи и рисунки, поврежденную обстановку и вещи, следы уничтожения чужого имущества, насильственных действий в отношении потерпевшего и сопротивления лицам, пресекавшим преступный акт³.

Если при осмотре места происшествия на открытом пространстве в основном обращают внимание на поиск материальных следов преступления, которые могут свидетельствовать о лицах, его совершивших, то при осмотре в квартире такие лица, как правило, известны потерпевшему. В подобных случаях основной целью осмотра служит уточнение обстоятельств события и размеров материального ущерба. Повреждения требуют подробного описания, так как по некоторым из них можно судить о действиях преступников, их поведении во время совершения преступления.

* Научный сотрудник Проекта актуальных проблем обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью Академии МВД Республики Узбекистан.

¹ См.: *Шурухнов Н.Г.* Криминалистика: Учебник. — М., 2004. — С. 497.

² См.: *Баев О.Я.* Производство следственных действий: Криминалистический анализ УПК России, практика, рекомендации: Практическое пособие. — М., 2010. — С. 42.

³ См.: *Аверьянова Т.В., Белкин Р.С., Корухов Ю.Г., Россинская Е.Р.* Криминалистика: Учебник для вузов / Под ред. проф. Р.С. Белкина. — М., 2006. — С. 810.

Изучение уголовных дел, связанных с хулиганством, показывает, что материальные следы, оставленные хулиганом, могут быть обнаружены не только там, где непосредственно совершено преступление, но и на прилегающей территории, в соседних помещениях. Иногда хулиганство не оставляет материальных следов, однако проведение осмотра в такой ситуации может быть весьма полезно, поскольку описание обстановки, в которой было совершено преступление, может свидетельствовать об особом цинизме или дерзости участников хулиганских действий.

По делам о хулиганстве чаще всего приходится осматривать предметы, которые служили орудиями совершения преступления. Кроме того, объектами осмотра могут быть одежда и обувь преступников, одежда потерпевших, окурки и остатки пищи, обнаруженные на месте происшествия, транспортные средства, на которых передвигались преступники, и т.д.

Если одежду потерпевших обычно осматривают с целью обнаружения на ней каких-либо повреждений или следов наложения различных веществ, то одежду подозреваемых осматривают, кроме того, для установления ее принадлежности определенному лицу. Следует отметить, что потерпевшие не всегда могут запомнить внешность отдельных лиц, чаще они запоминают приметы одежды (обычно верхней), в которую был одет хулиган.

В случае обнаружения повреждений на одежде необходимо дать их подробное описание в протоколе, определить их характер для назначения той или иной экспертизы. При совершении хулиганства преступник и потерпевший, как правило, находятся на близком расстоянии друг от друга, поэтому возможно попадание на одежду следов крови или иных объектов биологического происхождения (часто в виде микрочастиц).

Осмотр одежды потерпевшего, как показывает практика, целесообразно проводить одновременно с освидетельствованием, которое предполагает обнаружение не только следов преступления, но и иных следов, имеющих отношение к делу (родимых пятен, татуировок, шрамов на теле и т. д.). Освидетельствование не рекомендуется откладывать, так как многие следы в виде царапин, синяков могут бесследно исчезнуть¹.

Одним из неотложных следственных действий по делам данной категории является задержание хулиганов. В.Н. Григорьев определяет, что «задержание» в том или ином смысле определяется контекстом и при необходимости какими-то дополнительными определениями².

Фактическое задержание обычно оформляется рапортом сотрудника ОВД, где, помимо установочных данных хулигана и обстоятельств события, должны найти отражение сведения о поведении лица в момент задержания (пытался ли хулиган что-либо выбросить), а также анкетные данные очевидцев событий.

Выбор тактики задержания и доставления хулиганов в орган внутренних дел зависит от того, пытаются ли они скрыться или оказать сопротивление. Н.Г. Шурухнов указывает на типичные приемы сокрытия хулиганства и определяет, что ими являются: бегство с места происшествия — 32,1%, использование одного фасона и цвета одежды, а также однотипных орудий — 18,1%, дача ложных показаний — 8%, отказ от дачи показаний — 6%, уничтожение орудий преступления — 5% (выбрасывание предметов или сокрытие их в труднодоступных местах: подвалах, канализационных люках, чердаках и т.п.), уничтожение одежды, обуви — 4,9%³.

По делам рассматриваемой категории крайне редко удается заранее подготовить и тщательно спланировать задержание, поэтому от оперативного работника требуются знание обстановки и умение действовать решительно, чтобы обеспечить задержание всех или большей части хулиганов.

Когда на месте происшествия находится много посторонних людей, установить подозреваемых бывает очень сложно. Потому в ОВД доставляют в первую очередь лиц, продолжающих нарушать общественный порядок. Затем путем короткого опроса доставленных и свидетелей-очевидцев круг лиц, подлежащих задержанию, уточняют.

¹ См. подробнее: Руководство для следователей / Под общ. ред. В.В. Мозякова. М., 2005. — С. 317.

² См.: Григорьев В.Н. Задержание подозреваемого. — М., 1999. — С.49—50.

³ См.: Шурухнов Н.Г. Криминалистика: Учебник. — М., 2004. — С.498.

Разумеется, при задержании надо строго руководствоваться положениями ст. 221 УПК Республики Узбекистан.

Обеспечению безопасности лиц, производящих задержание хулиганов, должно быть уделено особое внимание, так как со стороны хулиганов не исключено применение оружия и других предметов против задерживающих.

Часто, прибыв на место происшествия, наряд патрульно-постовой службы находит там лишь пострадавшего, а хулиган успевает скрыться. В таких случаях работники органа внутренних дел действуют в соответствии с инструкциями о розыске преступника по «горячим следам». Однако и потерпевшие, которые находятся на месте происшествия, могут быть участниками хулиганских действий, поэтому надо принимать меры к установлению их личности, доставлению в отдел внутренних дел.

Изучение следственной практики свидетельствует о том, что при совершении хулиганства в квартире необходимо быть особенно осторожным, так как в подобных случаях хулиганы наиболее часто оказывают сопротивление. В первую очередь важно выяснить обстановку в квартире, наличие посторонних лиц, количество хулиганов, их состояние, возможное поведение родственников, соседей. Проводить задержание рекомендуется только при численном превосходстве задерживающих.

После задержания следует организовать охрану места происшествия, провести личный обыск задержанных (на месте задержания и в отделе внутренних дел). Сначала проводят предварительный личный обыск, направленный в основном на обнаружение оружия, затем (в опорном пункте или ОВД) обыск должен быть проведен более детально, сопровождаясь раздеванием задержанных. Необходимо иметь в виду, что предметы, которые хулиганы применяют в качестве оружия при совершении преступления, могут иметь форму обычных бытовых вещей (например, нож в виде авторучки или свинцовая плетка в виде брючного ремня)¹.

При хулиганстве потерпевшими могут быть родственники, соседи, знакомые хулиганов, а также посторонние граждане. Свидетелями хулиганских действий, как правило, выступают лица: непосредственно участвующие в задержании хулигана либо присутствующие при этих действиях; которым известно об обстоятельствах совершения преступления из других источников (дворники, вахтеры общежитий, знакомые хулиганов и др.); которые могут сообщить сведения, характеризующие личность хулиганов или других участников события, и т. д.

В зависимости от особенностей следственной ситуации, сложившейся к началу допроса потерпевшего или свидетеля, определяется главная задача этого следственного действия. Так, если хулиган задержан на месте происшествия либо личность его известна, главная задача допроса потерпевших и свидетелей состоит в выяснении всех обстоятельств происшествия и установлении вины конкретного лица. В тех случаях, когда преступник не задержан и личность его неизвестна, особое значение приобретает выяснение в ходе допроса его примет или иных сведений, которые могут быть использованы при установлении и розыске хулигана. При допросах свидетелей и потерпевших (если они сами не совершили противоправных действий) чаще всего используют тактические приемы, разработанные в криминалистике применительно к условиям бесконфликтной ситуации:

- детализацию и конкретизацию показаний;
- восстановление в памяти допрашиваемого ассоциативных связей;
- изготовление планов и схем места происшествия, схем движения отдельных участников события, ознакомление допрашиваемого с фрагментами показаний других потерпевших и свидетелей и т. д.

В числе первых обычно допрашивают свидетелей, которые наблюдали хулиганство от начала до конца. Лишь при отсутствии очевидцев целесообразно первыми допрашивать

¹ См. подробнее: Григорьев В.Н. Задержание подозреваемого. — М., 1999. — С.229—234.

потерпевших (сначала тех из них, которые успели успокоиться и могут дать наиболее точные, подробные показания).

Допрос подозреваемого по делу о хулиганстве чаще всего проводят сразу после задержания. В подобных случаях трудно тщательно подготовиться к допросу. Как показывает практика, подготовка обычно сводится к ознакомлению с материалами предварительной проверки — рапортами сотрудников правоохранительных органов, объяснениями. Однако этого явно недостаточно, необходимо обладать информацией о поведении подозреваемого до задержания. Допрашивать его желательно после потерпевших и свидетелей-очевидцев. Часто бывает, что подозреваемый при задержании находится в нетрезвом состоянии, и его допрос целесообразно отложить до вытрезвления, а если он чрезмерно возбужден, то нужно дать ему время успокоиться.

Задачи первого допроса подозреваемого могут быть различными в зависимости от личности допрашиваемого, линии поведения, которой он намерен придерживаться в ходе расследования, а также объема и характера доказательств, которыми располагает следователь (орган дознания)¹.

Если задержанный начинает давать правдивые показания, то задача следователя сводится к тому, чтобы получить как можно более конкретную информацию о событии и действиях подозреваемого.

Однако чаще подозреваемые, на первых допросах не дают правдивых показаний. В таких случаях надо использовать комплекс тактических приемов, применяемых при допросе в условиях конфликтной ситуации. Приемы же психологического воздействия при допросе подозреваемого по делу о хулиганстве обычно основаны на использовании так называемого эффекта задержания. Наиболее часто подобная ситуация возникает, когда подозреваемый ссылается на то, что он был пьян и ничего не помнит, или когда он дает подробные показания, но обстоятельства излагает в свою пользу, представляя себя в роли потерпевшего. В целях избличения подозреваемых, как правило, проводят комплекс следственных действий, включающий очные ставки, назначение экспертиз, проверку показаний на месте и др.

Допрос обвиняемых, как правило, происходит на последующем этапе расследования. Его основная задача — доказать вину хулиганов с учетом ранее данных ими показаний и имеющихся доказательств.

Наибольшую трудность, с точки зрения допроса обвиняемых, представляет ситуация при групповом хулиганстве, когда участники объединены «круговой порукой». В этой ситуации целесообразно использовать тактические приемы:

- предъявление доказательств (оглашение показаний свидетелей, потерпевших, заключений экспертиз, демонстрация планов, схем);
- максимальная детализация и конкретизация показаний;
- обращение к положительным сторонам личности допрашиваемых;
- приемы, направленные на обострение неизбежных противоречий среди соучастников;
- создание у допрашиваемого преувеличенного представления об объеме сведений, касающихся события преступления, которыми располагает следователь;
- выявление в ходе допросов мотивов дачи ложных показаний, разъяснение их несостоятельности и т. д.

Как правило, все участники хулиганства долго не могут придерживаться одной линии поведения, в их показаниях появляются противоречия, подчеркивая которые удается получить правдивые сведения.

При допросах обвиняемых по многоэпизодному делу, когда процесс хулиганских действий можно расчленить на отдельные стадии, показания нужно зафиксировать в

¹ См. подробнее: *Баев О.Я.* Производство следственных действий: Криминалистический анализ УПК России, практика, рекомендации: Практическое пособие. — М., 2010. — С. 97—104.

строгой хронологической последовательности. Целесообразно, чтобы допрашиваемый составил план места происшествия, указав на нем участников события, их перемещения. Подобные схемы можно легко сопоставить с показаниями других лиц¹.

Обыск может быть проведен как по месту жительства, так и по месту работы подозреваемого. Поиску и изъятию подлежат:

- орудия преступления;
- объекты, свидетельствующие о том, что лицо, учинившее хулиганство, совершает другие преступления; предметы, раскрывающие характер взаимоотношений между подозреваемым и потерпевшим, а также указывающие на возможное местонахождение скрывшегося от следствия и суда хулигана².

Хулиганы редко устраивают тайники для хранения тех или иных предметов. В частности, ножи, кастеты они, как правило, хранят открыто или прячут в таких местах, откуда их можно легко и быстро достать (в одежде, коробках с сувенирами, в рабочем столе и т. д.). Дубинки, цепи и другие подобные предметы обычно хранятся в сараях, подсобных помещениях, на чердаках.

Изучение уголовных дел свидетельствует о том, что обычно по делам о хулиганстве назначают судебно-медицинские, судебно-психиатрические и криминалистические экспертизы. Судебно-медицинская экспертиза потерпевшего, как правило, определяет степень тяжести телесных повреждений. Такие экспертизы, в нарушение правил, иногда проводят по медицинским документам (истории болезни, амбулаторной карте). Довольно часто эксперты отказывают в даче заключений ввиду чрезмерной краткости и неточности описания повреждений в документах. Поэтому необходимо в кратчайший срок после возбуждения уголовного дела провести судебно-медицинское освидетельствование лиц, участвовавших в событии. Наличие заключения о степени тяжести телесных повреждений имеет большое значение для квалификации действий преступника.

Нередко на месте происшествия удается обнаружить брошенную (утраченную) одежду обвиняемого, особенно когда лицо, совершившее хулиганство, пыталось скрыться. В данном случае экспертным путем можно установить принадлежность одежды или обуви определенному лицу.

Лица, совершившие хулиганство, как правило, не заботятся об уничтожении следов пальцев рук на месте происшествия. В связи с этим возрастает роль дактилоскопической экспертизы.

Судебно-психиатрическую экспертизу по делам о хулиганстве назначают при наличии сведений об отклонении от нормального развития обвиняемого (иногда — по ходатайству, заявлению адвоката). Кроме того, характер совершенных хулиганских действий в некоторых случаях может вызвать сомнение в психической полноценности обвиняемых.

В раскрытии и расследовании хулиганства применяются и другие следственные и процессуальные действия. Знание теоретических, практических, правовых и прикладных оснований раскрытия и расследования хулиганства имеет большое значение для осуществления успешной борьбы с преступностью. В этом отношении знание и эффективное применение методики расследования преступлений, в том числе и хулиганства, включая наиболее важные правила тактики проведения вышеуказанных следственных действий, создает организационно-правовые основания для совершенствования деятельности органов дознания и следователей органов внутренних дел.

¹ См. подробнее: *Шурухнов Н.Г.* Криминалистика: Учебник. — М., 2004. — С.502—509.

² Относительно проведения обыска см.: *Рузметов Б.Х.* Выемка и обыск на предварительном следствии: состояние, тенденции и перспективы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2008.

Э. Қ. Арифджанов*

**ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИДА ЮКСАК МАЪНАВИЙ
ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ**

Кишилик жамияти тарихида тараққиёт тақдирини илмий билим, илғор технологиялар, инсон салоҳиятини намоёиш этишга қаратилган қулай шарт-шароитлар билан бир қаторда унинг юксак маънавияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу ўринда «маънавият» тушунчасига қисқача таъриф бериш мақсадга мувофиқ. Маънавиятнинг шаклланишининг муайян тарихий шарт-шароитлар билан боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган аксиома. Ушбу мантиққа кўра инсон маънавияти деганда, унинг узок йиллар давомида умуминсоний ҳамда миллий қадриятлари, маданий мероси заминиди ва ижтимоий онги таъсирида шаклланган, тараққиётга, эзуликка ундайдиган руҳий ҳолатини тушуниш лозим.

Бугун Ўзбекистонда барпо этилаётган ижтимоий рақобатга, бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти жаҳонда фаол кечаётган глобаллашув жараёнлари шахснинг юксак маънавий савиясини шакллантиришга янгидан-янги талаблар қўймоқда. Ушбу шароитда яшайдиган ва фаолият кўрсатадиган шахс қонунларни, инсон ҳуқуқлари устуворлигини идрок этиш, турли сиёсий ва мафкуравий қарашлар хилма-хиллигига нисбатан муносабат билдира олишда, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш, масъулиятни зиммасига олиш, ўзгаларнинг манфаатини эътироф этиш, қарашларини ҳурмат қилиш, шахсий манфаатларини халқ ва давлат манфаатлари билан уйғун кўриш хусусиятига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бозор муносабатларига асосланган демократик жамият барпо қилиш учун ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган шахс «ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар томондан баркамол инсон»¹ бўлиши кераклигини айтади.

Президент томонидан шахснинг маънавий қиёфасига қўйилаётган талаблар ички ишлар идоралари ходимларига тўлалигича тегишли. Аммо, шу билан бирга, ички ишлар идоралари ходимлари хизмат фаолиятининг ўзига хос томонлари ҳам борки, уларни албатта ҳисобга олиш лозим. Бунда, *биринчидан*, ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг кундалик хизмат фаолияти давомида аҳолининг турли тоифалари — меҳнат жамоалари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, чет эл фуқаролари билан мулоқотда бўладилар. Шу боис улар ҳокимият вакили сифатида нафақат ўз соҳасининг малакали ходими, балки шу билан бирга юксак инсоний фазилатларга эга эканликларини намоёиш қилишлари керак.

Иккинчидан, демократия шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мақомида ҳам ўзгаришлар юз беради, яъни улар бугун фақат жазоловчи эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Учинчидан, ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг хизмат фаолияти йўналиши бўйича жамиятга зид ҳатти-ҳаракатлар содир этишга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистон тарихи кафедрасининг бошлиғи, тарих фанлари номзоди доцент.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 16.

шахслар, жиноятчи унсурларга тўқнаш келадилар ва бу ҳолат уларга маънавий хусусиятлари билан боғлиқ алоҳида талаблар қўяди.

Касбий ва сиёсий фазилатларга эга бўлиш учун шахс ўз куч-қудрати, маънавий салоҳиятини ишга солиши шарт. Уларни ўзида шакллантириш йўналишларини Президент Ислон Каримов ўзининг «Юксак маънавият—енгилмас куч» асарида белгилаб берди. Жумладан:

- шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши;
- қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши;
- бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлашга ўрганиш;
- диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур¹.

Ички ишлар идораларининг ходимлари жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлганлиги боис барча фуқароларга тегишли ахлоқ нормаларига риоя қилишлари, уларни ўзларининг мустаҳкам эътиқодига айлантириши мантиқан тўғри бўлади. Чунки, *бир томондан*, умумэътироф этилган нормаларни изчил бажариш фуқаролар кўз ўнгида уларнинг нуфузи, обрў-эътиборини оширсан, *иккинчи томондан*, хизмат вазифаларини бажариш самарадорлигини оширади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий қиёфасини белгилайдиган асосий мезонлар вазирликнинг тарбияга оид бир қанча ҳужжатларида белгилаб берилган. Улар: қонунга бўйсунуш, хизмат бурчини ҳалол бажариш; фуқаро ҳуқуқларини ҳурмат қилиш; адолатли бўлиш; хизмат ва муомала маданиятида ўрнатилган қўрсатиш, муаммоларни ҳолисона ҳал қилиш; мустаҳкам эътиқодли, иродали бўлиш, зарарли майлларга берилмаслик, ўзгаларнинг сўзларига эътиборли бўлиш, халққа ва Ватанга доимо содиқ бўлиш ва ҳоказо.

Келтирилган фазилатларга қўшимча равишда ижтимоий рақобатга асосланган жамиятда ички ишлар идоралари ходимининг сиёсий партиявий қарашлардан холи бўлиши, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилишда қатъиятлилик, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, ижтимоий-сиёсий вазиятни ўта зийраклик билан тўғри баҳолай олиш; ўзининг малакавий, маънавий савиясини доимо ошириб бориш, халқ осойишталиги ва юрт тинчлигига, конституциявий тузумга қарши қаратилган ҳаракатлар ва зарарли ғояларга нисбатан муросасиз бўлиш каби фазилатларини киритиш мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимларида юқорида қайд этилган фазилатларни шакллантиришнинг долзарблигини Президент И.А.Каримов умумий тарзда шундай асослайди: «...Янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим»².

Юқоридаги фазилатларни шакллантириш ички ишлар идоралари ходимларининг маънавиятини юксалтириш асосини ташкил қилади. Уларнинг баъзилари хусусида фикр билдириш мақсадга мувофиқ.

Дастлабки сўз инсонпарварлик ҳақида. Бу борада Ўзбекистонда бир қанча чоратадбирлар амалиётга татбиқ қилинди. Жумладан жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши натижасида, жиноятнинг бир қанча тоифалари бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазоси бошқа муқобил жазо билан алмаштирилди, яраштирув институтининг ташкил қилиниши натижасида юз минглаб фуқароларга нисбатан жиноий жавобгарлик қўлланилмади. Зеро бу Ўзбекистон Конституциясининг «Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 17.

² Ўша манба. — Б. 7.

белгиланган 13-моддасининг ҳаётга татбиқ қилинишидир. Ушбу модда демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим талабларига тўлиқ мос келади.

Ички ишлар идоралари ходимининг инсонпарварлик фазилати «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси» ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг V—XI бобларида қайд қилинган «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари»га оид нормаларга риоя қилиши, уларни ўзининг шахсий эътиқодига сингдириб олганлигида намоён бўлади. Шу билан бирга, ходимнинг инсонпарварлиги минг йиллар давомида шаклланганда инсонни улуғлайдиган қадриятларга риоя қилишида ҳам намоён бўлиши керак. Улар буюк ўтмишдошларимизнинг маънавий меросида ўз аксини топган. Мисол тариқасида Воиз Кошифий қўйидаги фазилатларни жуда қадрлаган: ҳар кишида учраши мумкин бўлган ёмон хулқ-одатни яхши томонга буриш; бир одам ўз айбига иқроп бўлиб, узр сўраса, узрини қабул қилиш; инсон учун машаққат тортиш; халққа тоза юз билан кўриниш; кишига яхши сўз айтиш ва бошқалар¹. Бу каби фикрларни бошқа алломаларнинг асарларидан ҳам келтириш мумкин.

Буюк алломаларнинг маънавий мероси бугунги кунда ҳам ўз мазмун-моҳияти ва аҳамиятини йўқотгани йўқ. Уларнинг ички ишлар идоралари ходимлари учун муҳим мезон бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Ички ишлар идоралари ходимлари учун энг улуғ фазилатлардан бири — ҳалоллик. Ҳалолликни кенг маънода англамоқ даркор, яъни тамадан нафратланиш, ўз касбини севиб ардоқлаш, нафсни тия билиш, муаммоларни ҳал қилишда холисликка, қонунда белгиланган адолат мезонларига таяниш лозим.

Бу хусусда Президент И. А. Каримов шундай деган: «... Ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш — одамзоднинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон»².

Ҳалол меҳнат билан топилган моддий даромадга қаноат қилиш, бойликка хирс қўймаслик хусусида Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳикматларидан бирида нафсинг сенга тобе бўлса — сен инсонсан, аксинча юз минг киши сенга тобе бўлса-ю, сен нафсингга тобе бўлсанг — инсон эмассан³, дейилади. Нафсни тийиш, уни жиловлаш, ақлга бўйсундириш доимо шахснинг энг улуғ фазилатларидан ҳисобланиб келган.

Ички ишлар идоралари ходимлари учун ушбу фазилатга эга бўлиш алоҳида аҳамиятга эга. Мисол учун ҳуқуқбузарликка қасд қилган шахс турли йўллар билан, жумладан, пора бериш оқали жазодан қутулиб қолишга ҳаракат қилади. Баъзи иродаси бўш ходимлар унинг найрангига учиб, хизмат бурчини суиистеъмол қилган ҳолда жиноятга қўл урадилар ва бу билан ички ишлар идоралари, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг обрўсига путр етказдилар. Бу эса жамиятда ҳуқуқ-тартибот органи ходимига қонунчиликка ишончсизлик туғдириши мумкин.

Ҳалоллик ходимнинг у ўз хизмат вазифасини холисона, эҳтиросларга берилмай, фақат қонун доирасида бажаришини ҳам тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, унинг юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишига боғлиқдир. Чунки ходим ўз хизмат фаолияти давомида ҳар куни, ҳар соатда фуқаролар билан муомала қилади, кимнингдир шикоятига жавоб беради ёки кимгадир чора кўришига тўғри келади. Ушбу фаолиятни амалга ошириш вақтида фуқаро шахсиятига тегилса, босим ўтказилса, қонун нормаларига риоя қилинмаса унинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин. Зеро шахснинг ҳуқуқини менсимаслик, қонунга хилоф қарор қабул қилиш, адолатсизлик, инсон эрки камситилишига ва бошқа салбий

¹ Қаранг. *Махмудов Р.* Деганимни улусга мағруб эт... — Т., 1992. — Б. 37—38.

² *Каримов И. А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 25.

³ Алишер Навоий. Ҳикматлар. — Т., 2010. — Б. 71.

ҳолатларга олиб келади. Шунинг учун қонунга итоаткорлик ходимнинг мустақкам эътиқодига айланиши керак.

Ҳозирги кунда ички ишлар ходими жаҳонда, республикамизда кечаётган ижтимоий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиши, дахлдорлик туйғуси билан яшаши, халқ ва Ватан манфаатларини ўз манфаатидан устун қўйиши, қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қадрлаши керак. Маълумки, бугун ташқаридан энг замонавий ахборот технологиялари орқали маънавиятимизга кириб келаётган ахборот оқимини ҳеч қандай воситалар билан тўхтатиб ёки тақиқлаб бўлмайди. Шу боис ходимларнинг маънавий, сиёсий, маърифий савиясини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш талаб этилади.

Бугун Ички ишлар вазирлигининг барча тузилмаларида «Маърифат» соатлари, ижтимоий-сиёсий ўқиш ташкил қилинган. Ёш мутахассисларнинг амалиётга кириб боришини осонлаштириш учун мураббийлар тайинланган, Вазирликнинг Бирлашган таҳририяти мунтазам равишда маънавий, маърифий, сиёсий мавзуларга оид материалларни эълон қилиб турибди. Ижтимоий-сиёсий ўқиш ва маърифат машғулотлари асосида ходимлар маънавиятни шакллантиришга қаратилган кўрсатма ва йўриқномалар асосида ўрнатилган тартибда синовдан ўтказадилар. Буларнинг барчаси ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий фазилатини шакллантиришда катта аҳамият касб этаётганлигига шубҳа йўқ. Лекин фикримизча, амалга оширилаётган тадбирларнинг натижаларини таҳлил қилиш, уларнинг усул ва воситалари самарасини аниқлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Мазкур изланишлар учун Ички ишлар вазирлиги олий ўқув юртларида имкониятлар етарли. Шунингдек, «Маърифат» соатлари, ижтимоий-сиёсий ўқиш машғулотларининг мавзуларини белгилаш бўйича Вазирлик Шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси қошида мутахассислар ва олимлардан ташкил топган ва жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган махсус Кенгаш ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ бўларди.

Ички ишлар идоралари ходимларида маънавий фазилатларни шакллантиришга қаратилган тадбирлардан яна бирига алоҳида эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз. Ички ишлар вазирлигининг ички ишлар идоралари шахсий таркиби билан яқка тартибдаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштиришга доир идоравий норматив ҳужжатларига биноан, ходимни тарбиялаш унинг бевосита раҳбарига юклатилган. Ҳужжатда қайд этилишича, яқка тартибда тарбиявий ишларни олиб боришдан мақсад: қонунчилик ва хизмат интизомини мустақкамлаш; соғлом маънавий-руҳий муҳитни вужудга келтириш; ишчанлик вазиятини кучайтириш; ходимлар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган ноҳўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш; ходимларнинг мафкуравий иммунитетини мустақкамлаш ва ҳоказо.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар идоралари тизимида яқкабошчилик принципига риоя қилинади. Лекин бошлиқ ўзибўларчиликка йўл қўйиши мумкин эмас. Раҳбар ўз қўл остидаги ходимлари билан тарбиявий иш олиб борар экан, аввало, шахсан ўзи касб этикаси ва белгиланган қоидаларга аниқ риоя этиши шарт. Раҳбар асосий эътиборини ходимнинг хизмат бурчини чин кўнгилдан бажаришини таъминлашга қаратиши лозим. Аммо ходимнинг ўз вазифасини интизом доирасида тўла-тўқис удаллаши билан маънавий фазилатлар ўртасида зиддият йўқ. Шахснинг маънавияти қанчалик юксак бўлса, хизмат вазифасининг бажарилиши ҳам шунчалик самарали бўлиши исбот талаб қилмайдиган ҳодисадир. Шу боис бошлиқ ўзининг тарбиявий функциясини бажариш жараёнида ходимда қуйидаги фазилатларни шакллантиришга эътибор бериши мақсадга мувофиқ:

— республикада ва жаҳонда кечаётган ижтимоий- сиёсий жараёнлардан бохабар бўлиш ва замон тақозо этаётган талабларга мос равишда фаолият олиб бориш;

- турли дунёқарашлар, мафкуралар плюрализми шароитида мустақил қарор қабул қилиш лаёқати ва зарарли ғояларга қарши иммунитетга эга бўлиш;
- зарарли майлларга берилмаслик, уларга қарши мустаҳкам эътиқод ва ҳалолликни ходимлар онгига сингдириш;
- юксак даражадаги умумий ва ҳуқуқий маданиятни фаолиятнинг асосий мезони сифатида қабул қилиш;
- жамоа, оила аъзолари ва умуман инсонга меҳр-шафқатли бўлиш ва ҳоказо.

Раҳбар ходимга юқоридаги хусусиятларни сингдириши учун ваколатлари доирасида тушунтириш, ишонтириш, исботлаш, яхши ишларини рағбатлантириш, унинг хатти-ҳаракатлари оқибатини башорат қилиш, хатоларини кўрсатиш, танқид қилиш, огоҳлантириш, танбеҳ бериш, жазолаш ва шу кабилардан фойдаланиш мумкин. Бу ишларни бажаришда раҳбар ходимнинг нафсониятига тегмаслиги, ҳақорат қилмаслиги, қонун ва йўриқномалар доирасидан чиқмаслиги, ўз обрўси, иззат-ҳурматини сақлаши ва вазмин бўлиши лозим. Бошқача айтганда, раҳбар ўзининг маданияти ва юксак маънавияти билан атрофдагиларга ўрнак кўрсатиши лозим. Жумладан, ходимнинг раҳбар томонидан танқид қилиниши, фақат унинг камчилигини кўрсатиш билан чекланиши мумкин эмас. Асосан танқид ходимнинг фаолиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда унинг камчиликлари, хатоларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш йўллари ва услулари кўрсатишни тақозо қилади. Ходимни асоссиз танқид қилиш, танбеҳ бериш ва жазолаш унинг норозилигига, кайфияти бузилишига, ишдан кўнгли совушига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, унинг хизмат вазифасини виждонан бажаришига халақит беради. Ва аксинча, ходим раҳбарнинг суҳбатидан қониқиш ҳосил қилиб, руҳланиб чиқса унинг ишга астойдил ёндашиб, хизматга виждонан муносабатда бўлишига таъсир кўрсатиши мумкин. Хуллас, раҳбарнинг ходимларни тарбиялаши давомийликни, изчилликни талаб қиладиган мураккаб жараён.

Табиийки, ходимнинг ички кечинмалари, уни қийнаётган муаммолари ва оилавий аҳволи билмай, уларни ҳал қилишга ёрдам бермай туриб, унга тарбиявий таъсир ўтказиш кутилган натижа бермаслиги мумкин. Шу боис вазирликнинг юқорида қайд этилган хужжатида ходимнинг оилавий аҳволи ва шарт-шароитлари, қизиқишлари, орзу-ниятларини чуқур ўрганиш талаб қилинган. Чунки амалиётда ходимнинг иш вақти қатъий чегараланмаган, у оилавий муаммолари, ўз қизиқишларини тўла қондириш имкониятига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди. Бунинг учун шароит яратиш, ёрдам бериш раҳбарнинг вазифасидир. Шундагина ходим бутун салоҳиятини ишга солиб, хизмат вазифасини сидқидилдан бажаришга рағбат сезади.

Ходимда юксак маънавиятни шакллантиришда Вазирлик буйруғи билан жорий қилинган мураббийлик тизими ҳам катта аҳамиятга эга. Унга кўра, ўқув муассасаларини битирган ёш мутахассисларга энг тажрибали амалиёт ходимларидан бир йил муддатга мураббийлар тайинланади.

Мураббий ёш мутахассисга касб сир-асрорларини ўргатади, хизмат вазифасини бажариш борасида кўникма ҳосил қилиш учун маслаҳатлар беради. Ўтган йиллар давомида мураббийлар томонидан жуда катта тарбиявий ишлар амалга оширилди. Қанчадан-қанча ёшларнинг амалиётга кириб боришларига қулай шароит яратилди ва улар ҳозир хизмат фаолиятини муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

Лекин бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бир қанча ёш ходимлар кўп ўтмай ўз ихтиёрлари билан ички ишлар идораларидан кетиб қолмоқдалар, хизмат фаолиятида йўл қўйган камчиликлар учун раҳбарият томонидан интизомий жазо олмақдалар, айримлари жиноят содир этиб, озодликдан маҳрум этилмоқдалар. Демак мураббий ёш мутахассис-

ходимга фақат иш ўргатиш билан чекланиб қолмаслиги, унга оталарча ғамхўрлик қилиши, амалий ишда маслаҳат бериши лозим. Унга ҳалоллик, виждон, инсоф, диёнат, инсонпарварлик ва бошқа олий қадриятлар ҳақида ҳам дарс бериши керак.

Шу муносабат билан Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 13 августда қабул қилинган идоравий ҳужжатини эслатиб ўтиш тўғри бўлади. Унга кўра ИИВ таълим муассасаларини битирганлар фаолиятини уч йил мониторинг қилиш ва унинг натижаларини таҳлил этиш, мутахассислар тайёрлаш самарасини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган. Ўтган давр мобайнида ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштириш бўйича мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, давлат стандартларига, ўқув дастурларига муайян ўзгартишлар киритилди.

Мураббийлик ҳақидаги низомнинг тасдиқланганига 15 йил бўлди. Бу даврда республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ИИВ фаолиятида ҳам бир қанча ижобий ўзгаришлар амалга оширилди, демократик жараёнлар чуқурлашди, инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг роли оширилди, жиноий жазо ҳақидаги қонунчилик либераллаштирилди, ярашув институти фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ваколатлари кенгайтирилди, иқтисодий фаолиятга давлат органларининг аралашуви тобора чекланиб борапти. Шу муносабат билан мураббийларнинг вазифаларига ҳам муайян ўзгартишлар киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Масалан: оталиққа олинган шахсни ўзгаларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳурмат қилишга, мустақил фикрлаш ва қарорлар қабул қилишга, масъулиятли бўлишга, турли миллат ва дин вакилларининг урф-одатлари, маросимларини ҳурмат қилишга ўргатиш, унга инсон ҳуқуқларини таъминлашг устувор вазифаси эканлигини уқдириш ва ҳоказо.

ИИВ таълим муассасалари битирувчиларини уч йил назорат(мониторинг) қилиш белгиланган, лекин мураббийлик муддати — бир йил. Бу муддатда мутахассисликнинг сирларини ўзлаштириб бўлармикин? Шунинг учун мураббийлик муддатини узайтиришни ҳам ўйлаб кўриш, қолаверса, мураббийларнинг ўзини ҳам ўқитиш, яъни педагогика сирларини ўргатиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Таъкидлаш жоизки, шахсга ташқаридан бўлаётган тарбиявий таъсир усуллари қанчалик мукамал бўлмасин, агар инсон ўзида уни қабул қилишга эҳтиёж сезмаса, ўзгариши қийин. Инсон меҳнатсиз, интилишсиз, ғайрат қилмасдан камолга эришмайди, баъзида у ўзини мажбурлаши керак.

Ички ишлар идоралари ходимлари узоқ йиллар давомида шаклланган миллий маънавий қадриятларни, юртимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар меросини, Республика Президентининг бугунги кунда жамиятнинг маънавий ҳаётини юксалтиришга қаратилган ғоя ва кўрсатмаларини, бу соҳага оид қонун ҳужжатларини мустақил ўрганиб, онгига сингдириб бориши зарур. Шу ўринда маънавий тарбияда бадиий асарлар ўқиш ҳам алоҳида аҳамият касб этишини эслатиб ўтиш жоиз. Афсуски, бу масала бугунги кунда деярли эътибордан четда қолмоқда. Баъзилар йиллаб кўлига бадиий адабиёт олмайди.

Кайковус ибн Искандар ўзининг машҳур «Қобуснома» асарида инсон ўз тақомилига эришиш учун танани ақлга бўйсундириши, уни қаҳр билан итоатга буюриши лозим¹, деб ҳисоблаган. Мисол учун ҳар куни тонг саҳарда жисмоний тарбия билан шуғулланиш осон иш эмас, баъзида яна беш минут ётиб дам олиш хоҳиши ҳаммада ҳам бўлади. Инсон икки-уч ой давомида ўзини мажбурлаб, жисмоний машқлар билан шуғулланса, бу унинг кундалик эҳтиёжига айланади.

Шу нуқтаи назардан, ходим жамиятда содир бўлаётган жараёнлардан доим хабардор бўлиши улар билан ҳамнафас яшаши керак, агар у жамиятдаги тезкор ижтимоий-сиёсий

¹ Қаранг. Кайковус. Қобуснома. — Т., 1994. — Б. 32.

ҳаётдан орқада қолаётган бўлса, ўз хизмат вазифасини мукаммал бажара олмайди. Шу боис доимо телевидение кўрсатувлари, кундалик матбуот билан танишиш ҳар кунги нонушта қилиш эҳтиёжига ўхшаш руҳий озуқага, заруриятга айланиши лозим.

Ички ишлар ходими асосий ишларни (хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлмаган) ҳам имкон қадар режалаштиргани маъқул. Чунки режа шахсни муайян тартибга солиб турувчи омил ҳисобланади.

Энг муҳими, ходимнинг ўз кундалик фаолиятини синчиклаб таҳлил қилиб бориши унинг мукаммалликка интилишида, иродасини мустаҳкамлашда, у ёки бу қарашларнинг эътиқодга айланишида аҳамиятга эга.

Шуларни ҳисобга олиб, 2011 йилнинг март ойида маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идораларининг шахсий таркиби билан тарбиявий ишлар олиб бориш тартибини ташкил этиш тўғрисида»ги низомда раҳбарларга ходимнинг ўз устида ишлаши учун вақт ажратиши кўрсатиб ўтилган.

Шахс ўз хатти-ҳаракатларини тадқиқ этиш натижасида ўзлигини англайди. Бу эса инсонга ўзи учун нима фойдали, нима зарарли ва унинг ўзи нималарга қодир эканлигини билдиради. Ўзини англаган одам қўйилган мақсадни рўёбга чиқаришда бор имкониятини ишга солишга қодир бўлади. Шахснинг мукаммалликка эришуви айнан ўзи, ўзлигини англашдан бошланади. Ҳар бир шахс атрофидаги ҳамкасблари, дўст-биродарлари билан ишлаш жараёнида сайқалланади, камол топади. Ҳазрат Алишер Навоий: «Ўз ўйинга кўп эътиқод қўйма, одамларнинг тажрибадан ўтган тадбирларига ҳам мурожаат қил»¹, деган экан.

Комилликка интилган инсон ўзгаларнинг ҳаётий тажрибасига бефарқ бўлмайди. Нафақат ютуқ, балки камчилик ва хатолардан ҳам ҳаётда ижобий сабоқ олиш мумкин. Бунинг учун синчковлик, қизиқиш, мантиқий фикрлаш орқали хулоса чиқариш ва ундан амалий фаолиятда самарали фойдаланиш учун қатъият бўлса етарли.

Шундай қилиб юксак миллий ва умумбашарий қадриятларни ички ишлар идоралари ходимларининг онгига сингдириш, уларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш билан боғлиқ бўлган бурч ва вазифаларини самарали бажаришларининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Демак, ички ишлар идоралари ходимларида юксак маънавий фазилатларни шакллантириш — давр талаби. Чунки бу — шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари эъзозланадиган, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинадиган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятига хос объектив заруратдир.

¹ *Алишер Навоий. Ҳикматлар. — Т., 2010. — Б. 21.*

**ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН
ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ:
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги Олий таълим муассасаларида илмий-педагог кадрлар тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг мазкур соҳани тартибга содувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 2 ноябрь қарори илмий-педагог кадрлар тайёрлаш йўналишида дастурил амал бўлмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз Конституциясининг 18 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида ҳам илмий-педагог кадрлар тайёрлаш соҳасини модернизация қилиш жараёнларига тўхталиб ўтди¹.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизими учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлайдиган ИИВ Академиясида ҳам илмий-педагог кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни давр тақозо этмоқда.

Умуман, мамлакатимиз ИИВ олий таълим муассасалари (ИИВ Академияси, ИИВ Тошкент Олий ҳарбий техник билим юрти, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби) ўзининг илмий салоҳияти, республикамизнинг ички ишлар идораларига тайёрлаб бераётган юқори малакали мутахассис кадрлари билан нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки Марказий Осиё, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам нуфузли ўринни эгаллайди.

Мустақиллик йиллари мазкур олий таълим муассасаларида айниқса, малакали илмий кадрлар тайёрлашга қўйилаётган талаблар қайта кўриб чиқилди. Фанлар бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари янгиланди, моддий-техник таъминот мустаҳкамланди, профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ишлари тубдан язишилди, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Айниқса, бугунга келиб, ИИВ олий таълим муассасаларининг битирувчилари олган назарий билимларини амалиётга жорий этиб, республикамизнинг нафақат ички ишлар идоралари тизимида, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, шунингдек жамиятимизнинг кўплаб соҳаларида шараф билан хизмат қилмоқдалар. Улар орасида ўзларининг хизмат вазифаларига сидқидилдан ва виждонан ёндошиб, ҳамкасбларига ўрнатилган кўрсатгани, алоҳида хизматлари учун Давлат мукофотлари соҳиблари, шунингдек Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлиги учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр ходимлар борлиги эътиборга моликдир.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент.

¹ И. А. Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир // Халқ сўзи. — 2010. — 8 дек.

Мустақиллик йилларида ИИВ Олий таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган дастурларнинг йўналиши ва босқичларини амалга оширишнинг аниқ механизмлари, муддатлари, ижрочилари, молиявий ресурслар таъминоти ифодаланган ечим ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлаш миллий модели рўёбга чиқарилишини таъминлаш масалалари юзасидан семинарлар ва конференциялар ўтказилиб, улар натижасида қабул қилинган дастурларга биноан принципиал ёндашувлар асосида белгиланган муҳим қоидаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан кенг қўламда тушунтириш ишлари олиб борилди.

ИИВ Олий таълим муассасалари узлуксиз таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартлари асосида зарур дарсликлар ва адабиётлар билан таъминланди, бу ишга йирик олимлар, юқори малакали мутахассислар жалб этилди. Профессор-ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизими такомиллаштирилди.

Аммо бугунги модернизация жараёнларидан келиб чиққанда, амалга оширилган кенг қўламдаги ишлар натижасида қўлга киритилган ютуқларнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун шиддат билан илгарилаб бораётган глобаллашув жараёнларининг талабларини ҳисобга олиш, илмий-педагог кадрларнинг нафақат илмий билиш қобилияти, балки замонавий ахборот технологияларини эгаллаш даражаси, интеллектуал салоҳияти, маънавий-ахлоқий сифатлари, замон билан ҳамнафаслиги, теварак-атрофдаги ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши тақозо этилмоқда.

Мамлакат раҳбари бугунги кунда баркамол авлодни шакллантиришдек буюк мақсадга, эзгу ниятларга эришиш, жамиятимизнинг янгилиниши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотлар, режаларнинг самараси тақдири — буларнинг барчаси, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини бугун халқимиз англаб етаётганлигини эътироф этади.

ИИВ Академиясида Вазирликнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида илмий тадқиқот бўлимлари фаолият юритиб келмоқда. Унда стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар катта илмий ходим-изланувчилар ҳамда мустақил тадқиқотчилар долзарб мавзуларда илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб, унинг натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига сазовор бўлмоқдалар. Уларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тантанали равишда дипломлар топширилмоқда. Аммо диссертацияни ёзиб тугатишгача бўлган вақт давомида бир қатор илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, муайян босқичларни ўтиш талаб қилинади.

Таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда олий таълим муассасаларида тайёрланиб, ўқув жараёнида қўлланилаётган монографиялар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, ўқув дастурлари, методик материаллар ва бошқа илмий ҳамда услубий ишларнинг аксарияти илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган олимлар томонидан тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этиб ўтилган 2010 йил 2 ноябрдаги қарорига биноан аспирантура (адъюнктура) ўрнига - таълим муддати 3 йилдан иборат бўлган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти, докторантура ўрнига - тадқиқот соҳасига қараб таълим муддати 2-3 йилдан иборат бўлган катта илмий ходим-изланувчилар институти ташкил этилган бўлиб, бу эса илмий ва педагогик фаолиятни баргаликда олиб бораётган тадқиқотчилар учун катта имкониятлар эшигини очиб берди.

Айни вақтда, мазкур жараённи замон талаби даражасида янада такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишларининг самарадорлигини ошириш борасида модернизация талабларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадага мувофиқдир:

Биринчидан, илмий тадқиқотлар натижаларини таълим-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмини рўёбга чиқариш лозим.

Иккинчидан, ўқув, илмий ва тарбия жараёнларини амалиёт билан чамбарчас боғлаган ҳолда ташкил этиш мақсадида, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб муаммоларни ИИВ олий таълим муассасалари олимлари томонидан илмий таҳлил қилиш ва илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқиладиган мақсадли лойиҳалар учун грантлар ажратишни йўлга қўйиш керак.

Учинчидан, таълим муассасаларида тайёрланган ва чоп этилиши режалаштириладиган адабиётлар рўйхати вазирликнинг барча хизматлари ҳамда жойлардаги идораларига юборилмоқда. Мазкур адабиётларнинг аксарияти амалиёт ходимларининг хизмат фаолияти учун зарур бўлса-да, аммо улар бўйича таълим муассасаларига бериладиган буюртмалар етарли даражада эмас. Бунинг оқибатида, яъни тайёрланган маҳсулотнинг реализация этилмаганлиги боис навбатдаги адабиётларни чоп этиш учун маблағ етишмаслиги сабабли бугунги кунда муҳим аҳамият касб этувчи замонавий дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, маърузалар тўпламлари босмаҳоналарда чоп этилмай, туриб қолиш ҳолари кузатилмоқда. Шу боис вазирликнинг Бош бошқарма ва соҳавий хизматлари томонидан ўзларининг йўналишлари бўйича чоп этиладиган адабиётларга жойлардаги идораларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб буюртма бериши масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчидан, ИИВ Бош бошқармалари, бошқармалари, хизмат ва соҳалари, шунингдек уларнинг жойлардаги идоралари раҳбарлари ва ходимлари иштирокида олий таълим муассасаларида ҳар йили «ИИВга малакали мутахассис кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказиш ва унда билдирилган таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазаларни амалга ошириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, иқтидорли тингловчи-курсантларга, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз қобилиятларини намоён этиши ва ривожлантириши, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш, шунингдек уларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўли билан олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичи учун иқтидорли ва қобилиятли кадрларни танлаб, уларни мақсадли тайёрлаш, илм-фанни узвий равишда тизимга киритиб боришни таъминлаш, таълим муассасаларида шаклланиб келадиган илмий ва ижодий салоҳиятни ривожлантирувчи интеллектуал элитани янада такомиллаштириш лозим.

Олтинчидан, олий таълим муассасалари миқёсида йилнинг энг яхши лойиҳаси, энг яхши илмий тадқиқот иши, энг яхши дарслиги, энг яхши монографияси, энг яхши амалий-услубий қўлланмаси, энг яхши маъруза матни, энг яхши мақоласи, энг яхши мультимедиа материаллари сингари номинациялар бўйича танловлар ўтказишни йўлга қўйиш керак.

Еттинчидан, таълим муассасаларида илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш зарур.

Саккизинчидан, фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини яратиш, илмий-педагог кадрларни ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш ва малакасини ошириш, тингловчи-курсантлар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус стипендиялар сонини кўпайтириш, махсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, ёшлар илмий-техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўргазма ва лойиҳаларини ташкил этиш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан дарслик ва ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида вазирликнинг таълим муассасалари бўйича махсус жамғармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Тўққизинчидан, маълумки, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг даолзарб масалаларини ҳал этишга йўналтирилган инновацион илмий лойиҳалар учун танлов эълон қилинади ва бунинг учун давлат бюджетидан катта маблағ (грант) ажратилади. Шу боис ҳам эълон қилинадиган инновация илмий-техник лойиҳалар танловининг фундаментал илмий-тадқиқотлар мавзусига «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг долзарб масалалари» мавзусини киритиш катта аҳамият касб этмоқда.

ИИВ таълим муассасаларида илмий-педагог кадрлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича юқорида қайд этилган таклифлар борасида ушбу масалаларни ўз ичига олган, шунингдек амалга ошириладиган тадбирлар, унга масъуллар ҳамда ижро муддати ва механизми аниқ белгиланган, Вазирликнинг таълим муассасалари бўйича махсус истиқболли комплекс дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур дастурнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишига, оддий ижрочидан тортиб, унга масъул раҳбарларгача виждонан ёндошган тақдирдагина, ички ишлар идоралари учун юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилишдек гоятда долзарб масаланинг ечимини ижобий ҳал этиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ИИВ олий таълим муассасалари фақат юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрловчи таълим даргоҳигина бўлиб қолмай, балки ички ишлар идораларнинг ҳар бир соҳаси учун замон руҳига мос юқори малакали, юксак маънавий, инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, шу соҳанинг келгусида ривожланишига олдиндан кўзи етадиган, ижтимоий-маънавий тараққиёт уйғунлигини таъминлайдиган ходимлар тарбиялайдиган маскан ҳамдир. Шу боис, келгусида замон талабига мос илмий-педагог кадрлар захирасини ишакллантириш учун таълим муассасаларида тингловчи-курсантлар билан ҳам кенг қўламли ишларни амалга ошириш лозим. Бунда тингловчиларнинг илмий тадқиқот ишларини янги босқичга кўтариш тақозо этилади.

Хусусан, таълим-тарбиянинг мураккаблиги ҳақида соҳибқирон бобомиз Амир Темур: «Мен фарзанд тарбиялашда давлатни бошқаришдан кўра чуқурроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик кераклигига ишонч ҳосил қилдим»¹, — деган бўлса, ўзбек педагогикаси асосчиларидан бири, таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний эса «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» асарида таълим-тарбиянинг аҳамиятига: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», — дея баҳо беради.

Демак, шу фикрлардан келиб чиқиб, Ватанимиз келажаги учун масъул бўлган фарзандларни илм-маърифатли, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда бурчли эканлигимизни эсдан чиқармаслигимиз зарур.

¹ Темур тузуклари / Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир Муҳаммад Али, форсчадан Алихонтўра Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж. — Т., 1995. — Б.18.

*И. А. Хамедов**,
*Н. Т. Исмоилов***

ИНСТИТУТ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ: ОПЫТ ГЕРМАНИИ

Понятие «административной юстиции» в зарубежных странах многозначно. Административная юстиция рассматривается: 1) как порядок разрешения споров, возникающих между частными лицами и публичной администрацией; 2) как система органов, рассматривающих эти споры; 3) как сама деятельность этих органов. Административная юстиция — одна из важнейших гарантий законности, основанная на принципе разделения властей и призванная обеспечить обязанность органов публичного управления осуществлять свою деятельность исключительно в рамках закона.

Основная задача административной юстиции является защита прав и законных интересов граждан от возможных неправомерных действий и решений органов исполнительной власти и местного самоуправления и обеспечение законности в сфере публичного управления. Реализация этой задачи возможна лишь на основе административно-правовых норм, способных обеспечить справедливый баланс интересов личности и государства и содержащих предписания о том, какие требования органы государственного управления могут предъявлять частным лицам, а те, в свою очередь, к административным органам. Тем самым определяется соотношение сферы прав публичной администрации и прав частных лиц.

В этом контексте административная юстиция представляет собой одну из апробированных социальных технологий разрешения споров, возникающих между частными лицами и органами публичного управления (органами исполнительной власти и органами местного самоуправления). Ее основной целью является урегулирование споров между гражданами и органами публичного управления, которую органы административной юстиции реализуют путем проверки законности действий и решений публичной администрации и восстановления нарушенных ими прав и законных интересов граждан. При этом роль административной юстиции по отношению к исполнительной власти подобна той, которую играет по отношению к законодательной власти конституционная юстиция.

Масштабность задач, стоящих перед юридической наукой и законодателем Республики Узбекистан по формированию данного института, требует разработки единой фундаментальной концепции административной юстиции, учитывающей эффективный опыт других государств, в том числе и Германии, и которая может стать основой для принятия соответствующего законодательного акта об административном судопроизводстве.

Германская система характеризуется наличием в системе судебных органов специальных административных судов, являющихся, как и прочие суды, независимыми и подчиняющимися только законам. Параграф 1 Положения об административном судопроизводстве, принятого в ФРГ в 1960 г. (с последними изменениями от 1996-2005 гг.), определяет, что административное судопроизводство осуществляется независимыми от административных органов судами¹. Указанным законодательным актом детально определена процедура подачи и рассмотрения административных исков.

Система административного судопроизводства Германии включает три инстанции: Административный суд земли (суд первой инстанции); Высший административный суд

* Заведующий кафедрой государственного строительства и права Университета мировой экономики и дипломатии, доктор юридических наук, профессор.

** Заместитель руководителя Проекта актуальных проблем обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент.

¹ См.: Административное право зарубежных стран. — М., 2006. — С. 123—127; Verwaltungsgerichtsordnung (VwGO) // Verwaltungsverfahrensgesetz. Verwaltungsgerichtsordnung. 24. Aufl. — Munchen, 1997. — S.70—118.

земли (апелляционная инстанция); Федеральный административный суд (кассационная инстанция). В ФРГ юрисдикция административных судов в сфере публично-правовых споров имеет несколько ограничителей:

1) обращение в административный суд возможно лишь в том случае, если жалоба лица была отклонена административной инстанцией, вышестоящей по отношению к той, которая издала обжалуемый акт. Таким образом, иск об оспаривании управленческого акта может быть подан в административный суд только после проверки этого акта в порядке предварительного административного производства;

2) для определенных областей публичной администрации существуют самостоятельные ветви судебной системы: суды по социальным делам; финансовые суды;

3) споры о публично-правовых компенсациях разрешаются обычными судами в порядке гражданского судопроизводства.

История формирования системы административной юстиции в Германии весьма интересна. Среди немецких земель, в которых стали появляться административные суды, осуществлявшие независимую административную судебную деятельность, можно назвать следующие: Баден (1863 г.), Пруссия (1872-1875 гг.), Гессен (1874-1875 гг.), Вюртемберг (1876 г.) и Бавария (1878 г.). Правосудие в высшем административном суде Пруссии было прообразом современного контроля за управлением. Известность приобрели решение административного суда от 14 июня 1882 г. («Кройцберг-решение»), направленное на преодоление сверхобъемного понимания деятельности государства, или «Вебер-решение» от 1893-1896 гг., которое отменило полицейское распоряжение о запрещении представления одноименного спектакля Г. Гауптмана.

В развернувшейся в XIX в. дискуссии о введении судебного контроля за управлением в центре внимания стояли два вопроса, которые и по сей день имеют важное значение для понимания административного правосудия. Первый вопрос: должен ли судебный контроль за управлением осуществляться обычными судами или специально созданными административными судами? Формирование административной судебной юстиции во второй половине XIX в. в Пруссии происходило в споре между О. Бером, который считал, что высшей инстанцией должен быть единый суд для всех гражданских и административных споров (он доказывал необходимость рассмотрения административных дел обычными судами), и Р. Гнайстом, придерживающимся мнения о необходимости учреждения специального административного суда. Результатом этой дискуссии стало создание в Пруссии трехзвенной административно-судебной юстиции, состоящей из районного, окружного и высшего административных судов. В процессе упомянутых реформ в Бадене и Пруссии было принято решение о выделении специального административно-правового судопроизводства, которое, в первую очередь, распространилось на институционную сферу - область личной и деловой независимости; при этом был создан Высший административный суд.

Создание в западноевропейских странах административных судов, т. е. административно-правовой юрисдикции, сыграло решающую роль в процессе позитивного развития административного права. Например, § 182 проекта имперской конституции Германии 1849 г. устанавливал, что административно-судебная юрисдикция обеспечивается не административными органами, а специальными судами. Эта концепция была позднее реализована в немецких свободных ганзейских городах.

Решения Высшего административного суда составляли платформу для систематического проникновения «идеологии» административного судопроизводства во все сферы права. И уже поэтому ему принадлежит особая заслуга в развитии административного права и углублении его теоретических основ. Создание административных судов, а также практическое осуществление теории разделения властей, установление конституционных форм правления, провозглашение в законах взаимных прав государства и граждан, сужение терминов «полиция» и «полицейская деятельность» явились основой, на которой происходило рождение нового административного права, регламентирующего управленческие отношения в многочисленных государственных сферах. Полицейское право (или право полиции, полицейской деятельности) с этого момента не исчезает, а начинает новый

этап своей истории. И сегодня в западноевропейских университетах читаются лекции по полицейскому праву как важной составной части Особенного административного права.

В 1953 г. был принят Закон о социальных судах¹, явившийся первым законодательным актом, который стал регламентировать процессуальные отношения в одной из трех указанных сфер административного судопроизводства. Затем были сформированы социальные суды, т. е. создана трехзвенная социально-судебная юрисдикция: первая инстанция — социальные суды; апелляционная инстанция (находится в землях Германии); кассационная инстанция федерального социального суда (располагается в г. Кассель). В состав социального суда входят один профессиональный судья и два заседателя (почетные судьи), каждая из двух других инстанций состоит из трех профессиональных судей и двух заседателей.

Процессуальное право финансово-судебной юрисдикции, которое в соответствии с абз. 6 ст. 108 Основного Закона Германии урегулировано федеральным законом, в 1965 г. в связи с принятием Положения о финансовых судах, впервые получило свои федеральные законодательные основы. Финансовое судопроизводство — это особое административное судопроизводство. Постепенно осуществлялось формирование финансово-судебной юрисдикции, которая на сегодняшний день состоит из двух звеньев: в каждой земле Германии создан один или несколько финансовых судов, над которыми находится учрежденный в качестве кассационной инстанции еще в 1950 г. Федеральный финансовый суд, с местонахождением в г. Мюнхен. В то время как сенаты земельных финансовых судов состоят из трех профессиональных судей и двух заседателей, сенат Федерального финансового суда образуют пять профессиональных судей. Финансовые суды рассматривают иски против финансовых органов, связанные с налогообложением, сбором пошлин и пр.

Общая административно-судебная юрисдикция (наряду с социальными и финансовыми судами) формировалась довольно продолжительное время, одновременно с созданием единого федерального процессуального права. В 1960 г. было принято ПобАС. Как и социально-судебная юрисдикция, система общего административного процесса состоит из трех звеньев: административные суды, высшие административные суды (в землях Германии) и Федеральный административный суд с местонахождением в Берлине. В отличие от социальных судов, судебные палаты (коллегии) административных судов состоят из трех профессиональных судей и двух заседателей; сенаты Федерального административного суда включают в себя по пять профессиональных судей.

С 1960 г. ПобАС изменялось несколько раз. Цель нововведений состояла прежде всего в придании административному процессу гибкости, прочности и в его усовершенствовании. Ряд организационных и процессуальных вопросов федеральный законодатель умышленно оставил открытыми, давая тем самым возможность законодателям земель вносить необходимые изменения и дополнения. Так, например, некоторые земли Германии установили, что иск об отмене административного акта и иск об обязывании административного органа издать определенный административный акт необходимо направлять непосредственно против органов управления, а не против общины, чьи органы издали или не исполнили этот административный акт. В законе также нашли отражение изменения в сфере так называемой «предварительной судебной защиты» в административном суде.

Административный процесс (т. е. производство в административных судах) подразделяется на два вида: предварительная (временная) правовая защита (производство предварительной защиты) и основное производство. Основное производство является главной составляющей административного процесса и осуществляется в большинстве случаев разбирательства административно-судебных дел. Предварительное производство, задуманное законодателем как исключение, приобрело большое значение из-за длительности основного производства.

¹ См.: BGBI, 1953. — S. 1239. Систематический комментарий этого Закона содержится в: Meyer-Ladewig J. Sozialgerichtsgesetz. 4. Aufl. — München, 1991; Birk U. — A., Brihl A., Conradis W. Bundessozialhilfegesetz. Lehr- und Praxiskommentar. 3. Aufl. — Baden-Baden, 1991.

Параграф 40 (абз. 1 п. 1) Положения об административном судопроизводстве гласит: «Обращение в административный суд предоставлено по всем публично-правовым спорам неконституционно-правового вида, если эти споры не отнесены федеральным законом к подсудности другого суда». Эта норма закона считается основным принципом организации и функционирования административного судопроизводства (ее также называют главной оговоркой или главным условием закона); она устанавливает собирательную подсудность общих административных судов для всех публично-правовых споров таким образом, что предусмотренная ст. 19 (абз. 4 п. 2) Основного Закона Германии субсидиарная (вспомогательная) подсудность общих судов теряет свое практическое значение. Параграф 40 (абз. 1 п. 1) Положения об административном судопроизводстве входит в противоречие с основной оговоркой § 131 Закона о судостроительстве, который — с соблюдением других законных установлений — открывает путь к правовому обжалованию всех гражданско-правовых споров. Как и в случае обычного судебного обжалования, в административно-правовом порядке обжалования имеются специальные законодательные указания, которые должны иметь первостепенное значение, например, в соответствии с § 126 рамочного закона о чиновниках все споры связанные с чиновным правоотношением, рассматриваются в административных судах.

Понятие публично-правового спора объединяет все случаи, в которых спорными являются правовые последствия, вытекающие из применения публичного права. При этом публично-правовой в соответствии с новой теорией субъектов публичного права считается каждая правовая норма, в которой в качестве носителя государственной власти имеется, как минимум, субъект подчинения. Публично-правовой спор характерен тем, что всегда возникает в условиях осуществления государственной власти. Основным принцип разграничения компетенции по рассмотрению споров административными судами заключает в себе положение о том, что им неподсудны конституционно-правовые споры. Данные споры в смысле § 40 Положения об административном судопроизводстве неподсудны административным судам не только потому, что речь идет о вытекающих из конституционной нормы правовых последствиях, но и в связи с тем, что участники конституционной жизни (такие субъекты права, как, например, бундестаг, федеральное правительство, ландтаг или отдельный депутат) спорят о своих правах или обязанностях, установленных федеральным или земельным конституционным правом. Конституционно-правовые споры подсудны федеральному конституционному суду или конституционным судам земель Германии. Там действует так называемый эnumerативный принцип, в соответствии с которым конституционно-правовыми являются споры, неподведомственные обычным судам.

Исполнение администрацией судебных решений, как правило, на практике не вызывает никаких сложностей и недоразумений; органы управления, уважая решения административного суда, своевременно и тщательно исполняют их. Ответственные должностные лица в случае нарушения должностных обязанностей, повлекших в процессе исполнения судебного решения наложение на орган управления штрафных санкций, отвечают перед соответствующим административным органом в порядке регрессного требования (иска).

На основе изученного немецкого опыта при формировании института административной юстиции в Республике Узбекистан представляется целесообразным:

- установить правовые основы института административной юстиции на законодательном уровне;
- создать систему административных судов общей и специальной юрисдикции, представляющую собой самостоятельную ветвь судебной системы;
- использовать детально урегулированный немецким законодательством процессуальный порядок разрешения публично-правовых споров при разработке закона об административном судопроизводстве.

- *Материал подготовлен в рамках изучения зарубежной практики в сфере административной юстиции и по итогам визита делегации Узбекистана в Федеративную Республику Германию.*

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ВА МИЛЛИЙ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШГА ОИД НОРМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўзгалар мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарлик ҳақидаги жиноят қонунчилиги (жиноий-ҳуқуқий норма)нинг шаклланиш тарихига назар ташлаганда ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш жинояти ва унинг учун жиноий жавобгарлик талон-торож қилишнинг ўғрилиқ, фирибгарлик, талончилик, товламачилик, босқинчилик каби шаклларида сўнг белги-ланган. Шахсга ишониб топширилган ўзгалар мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш ҳаракатлари дастлаб фуқаровий-ҳуқуқий тартибда ҳал этила бошлаган, чунки ўзгалар мулки шахсларга фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар асосида ишониб топширилган.

Турли мамлакатларнинг қонун чиқарувчи органлар ишониб топширилган ўзганинг мулкни талон-торож қилишни умуман жиноят сифатида тан олмай, балки уни бошқа турдош жиноятларга, хусусан, ўғрилиқ ёки фирибгарликка ўхшатганлар¹. Чунончи, рим ҳуқуқида ўзлаштириш (furtum)² деганда мулкни сақлашга бериш (depositum)³, ваколатни топшириш (mandatum)⁴, ворисликка бериш (tutela)⁵ тўғрисидаги шартномалардан келиб чиққадиган бирор ишончнинг бузилиши тушуниланган.

Франция қонунчилигида ўзганинг мулкни ўзлаштириш анча вақтгача жиноят сифатида тан олинмаган ва фақат 1791 йилда қабул қилинган «Code penal» қонунида жиноий жазоланадиган қилмиш деб эълон қилинган. Бинобарин, ўзлаштириш жиноят сифатида фақат сақлаш учун ишониб топширилган мулкни талон-торож қилиш ҳолатлари билан чегараланиб олинган. «Code penal» қонуни кейинчалик ушбу жиноятнинг доирасини кенгайтириб, ўрнини қоплаш эвазига истеъмол қилиш учун ишониб топширилган нарсаларни ўзлаштиришни ҳам ушбу жиноят сифатида тан олган. Ниҳоят, 1832 йил 28 апрелда қабул қилинган «Жиноят ва жазо тўғрисида»ги қонунга биноан, судларга ишониб гаров сифатида берилган ёки банд солинган мулкларнинг ўзлаштирилиши ҳам жиноят ҳисобланган⁶.

Буюк Британия қонунчилигида ўзлаштириш учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал этиш ўзига хос тартибда амалга оширилган. Узоқ вақт давомида ўзгалар мулкни ўзлаштириш ҳаракатлари ўғрилиқ каби ҳуқуқий баҳолангани боис, бундай мулкка тажовуз қилишларни квалификация қилишда бир қанча муаммолар юзага келган. Уларни ҳал этиш учун судлар томонидан қуйидаги казуистик моддалар (суд прецедентлари) қабул қилинган. Булар:

— хизматкорлар томонидан хужайиннинг уларга сақлаш учун ишониб топширилган қимматбаҳо буюмлари, пуллари, кийим-кечаклари ва бошқа нарсаларини ноқонуний ўзлаштирилиши felony (ўртача оғир ва оғир жиноят) деб тан олинади;

— хизматкорларнинг бошқа шахслардан ўз хўжайини номидан олинган нарсаларни ўзлаштириши ўғрилиқни ташкил қилади;

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедрасининг катта ўқитувчиси.

¹ Қаранг: Белокуров О.В. Проблемы квалификации хищения вверенного имущества. — М., 2003. — С. 5.

² Қаранг: Уразаев Ш.З. Римское право. — Т., 2000. — С. 59.

³ Қаранг: Ўша ерда. — Б. 54.

⁴ Қаранг: Ўша ерда. — Б. 55.

⁵ Қаранг: Шомухамедова З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи. — Т., 2002. — Б. 98.

⁶ Қаранг: Уголовное право зарубежных государств. Особенная часть. — М., 2004. — С. 172—175.

— банкир, савдогар, маклернинг муайян мақсадларда олинган пул ёки кредитларни ўз фойдасига ноқонуний қаратиб олиши ўғрилиқ учун жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради;
— қўриқлаш учун ишониб топширилган омборхонада сақланаётган нарсаларни омборхона эшигини бузмай туриб, ушбу мулкларни ўз фойдасига ноқонуний қаратиб олиши ҳолларида ўғрилиқ содир этилган деб ҳисобланади¹.

Шундай қилиб, Буюк Британия қонунчилигида ўзлаштириш ўғрилиқка тенглаштирилган.

Франция, Буюк Британия ва Россия мамлакатларидан олдинроқ Германия Федератив Республикаси қонунчилигида ўзлаштириш алоҳида жиноят сифатида ажратилган. АҚШнинг Каролина штати қонунига биноан «ишончли қўлларга» топширилган мулкни ўзлаштирилганлик учун ўғрилиқ билан бир қаторда ўзлаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик назарда тутилган, бироқ унда ўзлаштириш ўғрилиқ каби ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланмаган. Германиянинг умумий қонунчилиги ўзлаштиришнинг айрим турларини ўғрилиқ жиноятдан тўлалигича ажратган ва барча герман қонунлар тўпламларида содир этилган ўзлаштириш жиноятига алоҳида, мулкка қарши қаратилган мустақил жиноят каби қаралган².

Россия қонунчилигида ҳам XVIII асрнинг ўрталаригача ишониб топширилган ўзганинг мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик алоҳида ажратилмаган бўлиб, бундай қилмишлар ҳуқуқий жиҳатдан ўғрилиқ каби баҳолаб келинган. Ниҳоят, 1845 йилда қабул қилинган «Россия жиноят қонунлари мажмуи»да³ ўзлаштириш нафақат ўғрилиқдан алоҳида жиноятга ажратилган, балки унинг жавобгарлик доираси ҳам кенгайтирилган. Ушбу қонунлар мажмуига биноан, фойдаланиш учун ишониб топширилган ҳар қандай мулкни талон-торож қилиш жиноят (ўзлаштириш) деб топилган⁴. Кейинчалик, яъни 1857 йилда қабул қилинган «Россия жиноят қонунлари мажмуи»га юқоридаги қоида матни ўзгартирилмаган ҳолда киритилган⁵.

Шундай қилиб, 1845 йилда қабул қилинган «Россия жиноят қонунлари мажмуи» ва «Жазолар тўғрисида»ги низомда ўзлаштириш жинояти ўғрилиқдан ажратилган ҳолда мазмуни кенгайтирилиб, тажовуз предметига қўриқлаш, фойдаланиш, ташиш ва олиб юриш учун ишониб топширилган барча нарсалар киритилган.

Ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш учун жавобгарлик ҳақидаги Россия қонунчилигининг кейинги ривожланиш босқичида ушбу турдаги жиноят талон-торож қилишнинг бошқа шакллари билан тубдан фарқ қилиб, алоҳида мустақил жиноятлар мақомига эга бўлган. 1885 йилдаги жиноят ва ахлоқ тузатиш жазоларига оид қонунлар мажмуи махсус қисмининг иккинчи бўлимида мулкка қарши жиноятлар икки бобга ажратилган. «Ўзганинг ҳаракатланадиган мулкни талон-торож қилиш» номли биринчи бобида талон-торож қилишнинг барча шакллари — босқинчилик, фирибгарлик, ўғрилиқ, талончилик, ҳатто товламачилик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. «Ўзганинг ҳаракатланадиган мулкни ўзлаштириш» номли иккинчи бобида ўзлаштиришнинг икки тури: ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш ва топилма мулкни ўзлаштириш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган⁶.

Миллий жиноят қонунчилигимизнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Қадимги ва Ўрта асрлар даврида Ўзбекистон ҳудудида мавжуд давлатларда даставвал оташпарастлик ақидалари, сўнг эса милодий VIII асрдан XX асрнинг 20-йилларигача шариат қонунлари билан бирга шариатда тақиқланмаган маҳаллий урф-одатлар ҳукмронлик қилган. Ушбу диний ақидалар ва диний-ахлоқий

¹ Қаранг: Уголовное право зарубежных государств. Особенная часть. — М., 2004. — С. 42—45.

² Қаранг: Тард Г. Преступник и преступление. Сравнительная преступность. Преступления толпы. — М, 2004. — С. 119.

³ Қаранг: Уголовное уложение России 1845 г. / Российское законодательство X—XX веков. Том. 8. Судебная реформа. — М., 1991. — С. 396—397.

⁴ Қаранг: Севрюков А. П. Хищение имущества: криминологические и уголовно-правовые аспекты. — М., 2004. — С. 10.

⁵ Қаранг: Ўша манба.

⁶ Қаранг: Российское законодательство X—XI веков. Т. 8. Судебная реформа.— М., 1991. — С. 396—397.

мезонларга асосланган хулқ-атвор қоидаларида (одат ҳуқуқида) ўзгалар мулкани талон-торож қилиш учун жавобгарлик масалалари ҳам ўрин эгаллаган.

Мусулмон ҳуқуқида ўзгалар мулкани ўзлаштириш Фарб мамлакатларининг ўша замондаги қонунчилик тизимларида белгиланган каби фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларнинг бузилишидан келиб чиққан. Масалан, ўзганинг мол-мулкани сақлаш, яъни ислом ҳуқуқи бўйича сақлаш (йидоъ) шартномасига кўра, тарафлардан бири (сақловчи, вадий, мудаъ) ўзига ишониб топширилган мол-мулк (вадиъа)ни сақлаш ва уни бошқа тараф (мудиъ)га бут ҳолда қайтариш мажбуриятини олади. Мол-мулкани сақлашга топшираётган шахс ҳам, бу мол-мулкни сақлашга қабул қилаётган шахс ҳам вояга етган ва ақли расо бўлиши шарт¹. Агар мол-мулкни сақлаш вазифасини ўз зиммасига олган шахс шартномани бузган, яъни ишониб топширилган мулкни ишлатиб ёки гаровга бериб ёки бировга бериб бегоналаштириб юборган ҳолларда ўзганинг мулкани ўзлаштириш ҳолатларини кўриш мумкин. Демак, жавобгарликка тортилаётган шахснинг вояга етган ва ақли расо бўлиши талаб этилган. Айнан ушбу ҳолатнинг мамлакатимиз қонунчилигида, яъни амалдаги Жиноят кодексига назарда тутилганлиги бежиз эмас.

Ўзгалар мол-мулкани ноқонуний йўл билан эгаллаб олиш (ғасб) масалаларини ишлаб чиқишга ислом ҳуқуқшунослари жиддий эътибор берганлар. Бурхониддин Маргинонийнинг «Ҳидоя» асарининг 37-китобида ўзганинг мол-мулкига гайриқонуний эгалик қилиш «ғасб» деб таърифланган. Шариатда «ғасб» бирон-бир нарсани бошқа шахсдан зўравонлик йўли билан тортиб олиш ёки ўзлаштиришни англатган. Қонун тилида «ғасб» атамаси муайян қийматга эга бўлган мол-мулкани эгасининг розилигисиз олиш ва уни мазкур мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилишни англатади².

Милодий XIV асрнинг охирларида Мовароуннаҳрнинг ўша замондаги буюк саркардаси ва давлат раҳбари Амир Темур тузуқларида ўзгалар мол-мулкани гайриқонуний эгаллаб олиш учун жавобгарлик масалаларига шариат қонунларидан фарқли равишда, алоҳида эътибор берилган. Давлат бошлиғи (подшо) томонидан давлат мулкани кўриқлаш, уни тақсимлаш ишларини амалга ошириш вазифаси юклатилган вазирлар ва масъул шахслар томонидан ўзгалар (давлат) мулкига жиноий тажовузлар фақат ўғрилик ҳисобланган. Ушбу ижтимоий хавfli ҳаракатлар оғир ва ўта оғир жиноят деб эътироф этилганлиги боис, уларни содир этган шахсларга нисбатан энг оғир жазо чоралари — қўлини чопиб ташлаш ёки ўлим жазоси тайинланган. Амир Темур салтанатни идора қилиш ҳақидаги тузуғида шундай деб амр этади: «Ўғри ва қароқчиларни «Ясо» асосида жазоласинлар; фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар»³.

Туркистон ўлкасида XX асрнинг бошларида чор Россияси ҳарбий ҳокимияти ўрнатилишига қарамасдан, Россия билан Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасида тузилган тинчлик шарномалари мазкур давлатларнинг ҳуқуқий тизимида деярли дахл этмаган, аввалги ҳуқуқ тизими (шариат қонунлари) уларда жиддий ўзгаришларсиз 1917 йилги давлат тўнтаришларига қадар сақланиб қолган⁴.

Шундай қилиб, қадимги, ўрта асрлар даврида ва 1917 йилги давлат тўнтаришларига қадар Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатлар ҳуқуқий тизимида ҳукм сурган диний (ислом шариати) ақидалар ва диний-ахлоқий мезонларга асосланган хулқ-атвор қоидаларида жиноят ва фуқаролик ҳуқуқлари алоҳида ҳуқуқ соҳаларига ажратилмаганлиги боис, шахсларга шартномалар асосида ишониб топширилган ўзгалар мулкани гайриқонуний равишда эгаллаб олишлар ўзлаштириш ва растрата қилиш тушунчаларига алоҳида ажратилмаган. Ўзгалар мулкига ҳар қандай усулда тажовуз қилишлар ғасб ва ўғрилик деб аталган бўлиб, бизнингча, мазкур жиноятлар таркибларини ҳам ўз ичига олган.

¹ Қаранг: *Маргиноний Б. Ҳидоя*. — Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1990. — 2-ж илд — Б. 428—429.

² Ўша жойда.

³ Қаранг: Темур тузуқлари. — Т., 2005. — Б. 116.

⁴ Қаранг: *Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи*. — Самарқанд, 1998. — Б. 311.

А. Бабамурадов*

ҲОКИМЛИК ИНСТИТУТИ: ҲУҚУҚИЙ МАВҚЕИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

Давлатимиз раҳбари «ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқишни, ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтиришни жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишининг устувор йўналишларидан бири сифатида кўрсатиб берган¹.

Шу мақсадлардан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини белгиловчи асосий қонунчилик ҳужжатларидан бири бўлиши Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг айрим нормаларини такомиллаштириш зарурияти юзага келганини қайд этиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг миллий, тарихий анъаналаримиз, қадриятларимизга асосланиб, маҳаллий давлат ҳокимиятининг ўзига хос модели яратилди.

«Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, 1992 йил январдан вилоят, туман ва шаҳарларда жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик институти жорий этилди. Ҳокимликлар маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни умумдавлат нуқтаи назаридан ва ҳудудда яшаётган фуқароларнинг манфаатларига асосланган ҳолда ҳал қилишлари белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимиятининг асослари белгилаб берилган. Унинг XXI бобида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиши, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига кирадиган масалалар, уларнинг ваколат муддати, ҳисобдорлиги, мансабдор шахсларнинг лавозимга қўйилиши, жавобгарлигига оид нормалар ўз ифодасини топди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишчи қонун ҳужжатида эҳтиёж туғилганлиги боис Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун 7 та боб, 29 та моддадан иборат бўлиб, ўз вақтида маҳаллий давлат ҳокимияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ижобий аҳамият касб этди. Ўтган йиллар мобайнида унга 8 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди². Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига оид нормалар 50 дан зиёд қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколатлари қонуннинг VI бобида мустақамланган. Унда Конституция асосида ташкил қилинадиган вакиллик ва ижро

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедрасининг тадқиқотчиси.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. — Т., 2005. — Б. 181.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — 9-сон. — 241-м.; 1999. — 1-сон. — 20-м.; 2005. — 1-сон. — 18-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2005. — 12-сон. — 418-м.; 2007. — 4-сон. — 163-м.; 2007. — 9-сон. — 420-м.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008. — 52-сон. — 513-м.

органининг ваколатлари алоҳида-алоҳида белгиланган. Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг алоҳида ваколатларидан ташқари, қонунларда уларнинг биргаликдаги ваколатлари ҳам кўрсатилган. Шу муносабат билан ушбу қонунларда белгиланган ваколатларни амалга ошириш тартибини аниқлаштириш бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки маҳаллий ҳокимият органлари деганда, ҳоким раҳбарлик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари тушунилади.

Бундан ташқари, қонун масалаларни умумий тарзда белгилаган. Шу ҳолат бошқа қонунларда мукамал ва кенг тартибга солинганки, улар ҳам, ўз навбатида, маҳаллий вакиллик органларининг ҳуқуқий асоси бўлади. Қуйида шу қонунларнинг маҳаллий ҳокимият органларига тааллуқли меъёрларини таҳлил қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексида белгиланган айрим қоидалар ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига тааллуқлидир. Масалан, «Ер Кодекси» 3-бобининг моддаларида маҳаллий ҳокимият органларининг ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, давлат ер кадастри ва уни юритиш тартиби, ерга эгалик қилиш ва уни фойдаланиш учун бериш, ер участкасини ижарага бериб туриш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тугатиш, ерларни давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, сотиб олиш, суғориладиган ёки суғорилмайдиган ерлар қаторига ўтказиш, кўп қаватли уйлар атрофидаги ер майдонларидан фойдаланишни белгилаш, шаҳарлар ва посёлкалардаги саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ерлари ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга иморат ва иншоотлар қуришга рухсат бериш, ўрмон хўжалигидаги ерларни вақтинча фойдаланишга бериб туриш, захира ерларига эгалик қилиш, фойдаланишга бериш мақсадида уларнинг муҳофаза қилинишини назорат қилиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қайтариш ваколатлари белгилаб қўйилган. Ер кодекси маҳаллий ҳокимият органларининг ер муносабатлари соҳасидаги ваколатларини аниқ чегаралаш билан кифояланмай, маҳаллий ҳокимият органларининг ерга оид муносабатлари соҳасидаги ваколатини янада кенгайтирди, уларга аввалги қонунда кўзда тутилмаган ҳуқуқларни берди.

Ҳокимларнинг ваколоти «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида кўрсатилганлар билангина чекланиб қолмайди, юқорида тилга олинган бошқа қонунларда янада кенгроқ белгиланади.

Маҳаллий давлат органларининг ваколатлари қуйидаги қонун ва кодексларда: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири)¹, «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари ва кафолати тўғрисида»ги²; «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари³; Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси⁴; Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги⁵, «Патта тўлови тўғрисида»ги⁶, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлари⁷; Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 12 сентябрь; «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Профессор О. Ҳусановнинг фикрича, «ҳокимлар: *биринчидан*, ўзининг мустақил ваколатларига; *иккинчидан*, албатта, сессия тасдиғидан ўтказиладиган ваколатларга, шунингдек, ваколатлар мақсадига кўра, гуруҳларга бўлинади»⁸. Б. Жўраев эса ҳоким ваколатларини мустақил равишда кенгаш ёки юқори идоралар билан келишилган ҳолда

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2000. — 5-сон. — 110-м.

² Ўша манба. — 2000. — 5—6-сон. — 41—42-м.

³ Ўша манба. — 1998. — 5—6-сон. — 29-м.

⁴ Ўша манба. — 2002. — 4-5-сон. — 19—20-м.

⁵ Ўша манба. — 1992. — 9-сон. — 355-м.

⁶ Ўша манба. — 1993. — 1-сон.

⁷ Ўша манба. — 2001. — 9-10-сон.

⁸ Қаранг: Ҳусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. — Т., 1996. — Б.63.

амалга ошириладиган ваколатларга ажратади¹. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият институти устида илмий тадқиқот олиб борган олим Х.И. Рузметовнинг фикрича, ҳокимларнинг ваколатларини «қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва хавфсизликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлар», «иқтисодий ва молия-режа соҳаларидаги ваколатлар», «ижтимоий-маданий соҳалардаги ваколатлар»га ажратиш мумкин². Ҳоким ваколатларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, фикримизча, ушбу тасниф алоҳида эътиборга молик.

Мазкур тасниф ҳоким ваколатларини объектив ўрганиш учун асос бўла олишига қарамай, мавжуд муаммоларнинг ечимини тўлиқ ифодлаб бера олмайди. Сабаби, ҳозирга қадар айрим соҳаларни тартибга солувчи қонунларда маҳаллий давлат органларининг ваколатлари бирга берилганлиги, шунингдек вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўртасидаги ваколатлар ажратилмаганлиги учун юқори турувчи ҳоким қўйи турувчи ҳоким ваколатларини олиш ҳуқуқига эга. Бу, ўз навбатида, туман ва шаҳар ҳокимларининг ташаббускорлиги ва ўз ишига бўлган масъулиятини чеклаш билан фаолият самарадорлигини сусайтирмоқда. Мавжуд муаммолар ҳар бир бўғин ҳокимларининг ваколатларини аниқ белгилаш, уларнинг масъулиятини кучайтириш лозимлигини тасдиқламоқда. Масалан, бизнингча, вилоят ҳокимининг ваколатларини қўйидагича ажратиш мумкин:

вилоят барча ҳудудларининг шароитини ҳисобга олган ҳолда тенглик асосида ривожлантириш дастурини белгилаш ва бажарилишини таъминлаш;

барча туман ва шаҳарларда ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантирилишини назорат қилиш ва ҳудуд бўйича мувофиқлаштириш, уларга нисбатан фақатгина ҳудуд ҳокими орқали тегишли чора-тадбирлар кўриш;

ҳудудларнинг фаолиятини мустақил йўналтириш, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини шаҳар, туманлар орасида мувофиқлаштириб бориш;

қўйи турувчи ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларга, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид келадиганларини бекор қилиши ва халқ депутатлари кенгашига қўйи турувчи халқ депутатлари кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритиши.

Ҳоким ваколатларининг самарали амалга оширилиши улар фаолиятининг устидан депутатлар ва жамоат назоратини қай даражада олиб борилаётганлигига ҳам боғлиқ. Шу боис ҳокимнинг ваколатлари мустақил ва сессия тасдиғига киритилиши лозим бўлган ваколатлар гуруҳларига ажратилишига қарамай, депутатлар назоратининг шакл ва услубларини янада кучайтириш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Ҳоким ваколатлари мақсадига кўра амалга оширилиши жараёнида депутатлар назоратини йўлга қўйиш қўйилган натижани бериши мумкин. Масалан, ҳокимнинг қонунчилик, ҳуқуқий тартибот, жиноятчиликка қарши кураш ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ваколатларини амалга оширишида халқ депутатлари кенгашларининг тегишли доимий комиссияси ва оммавий ахборот воситалари олдида ҳисоб бериши ва уларнинг тавсияларини бажариши бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ушбу иш услуби бюджет, унинг ижроси ҳақидаги ҳисобот, молия, ҳисоб-китоб, мулкчилик муносабатлари, ердан фойдаланиш муносабатлари, табиатни муҳофаза қилиш, савдо, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш, транспорт, алоқа соҳасидаги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятда ҳам салмоқли ютуқларга эришиш

¹ Жўраев Б. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: ҳуқуқий, ташкилий масалалар: Юрид. фан. номз. дис. автореф. — Т., 1999. — Б. 63.

² Рузметов Х.И. Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. д-ри. дис. ... автореф. — Т., 2010. — Б. 12.

учун асос бўла олади. Шунингдек, турли соҳаларни тартибга солувчи қонунларда ҳоким ва халқ депутатларига тегишли ваколатлар ажратилмасдан, умумий тарзда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари деб белгиланган. Ушбу ваколатларни амалга ошириш тартибини назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш лозим. Чунки мамлакатимизнинг ривожланиши жараёнида вужудга келаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, қонунларга тегишли ўзгартишлар киритишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 25-моддасидаги ҳоким ваколатларининг таҳлили уларнинг ҳоким томонидан мустақил амалга оширилаётган ва кенгаш сессиясида тасдиқланиши лозим бўлган ваколатларга ажратилишини кўрсатади. Ҳоким ўз ваколатларини мустақил амалга оширганида улар сессия тасдиғига киритилмайди. Масалан, ҳокимнинг ижроия маҳкамаси бўлинмалари бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсия киритиш, давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун таклифлар киритиш ва бошқа ваколатларининг мустақил амалга оширилиши унинг вазибаларини тезкорлик билан бажарилиши учун имкон яратади.

Ҳоким ваколатларини амалга оширишнинг яна бир хусусияти, ҳокимлар юқори органлар билан олдиндан маслаҳатлашишга келишадилар. Масалан, ўз ўринбосарини вилоят ҳокими Президент билан, туман ҳокими вилоят ҳокими билан келишган ҳолда тайинлайди ва лавозимдан озод қилади. Бўлим раҳбарларини тайинлашда ҳам шу тариқа юқори органлар билан келишилади. Масалан, туман соғлиқни сақлаш, халқ таълими ҳудудий бўлимларининг бошлиқлари, вилоят ҳокимлиги халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

Ҳокимнинг ваколатлари мақсадига кўра: вакиллик органларининг ишини ташкил қилиш; қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, жиноятчиликка қарши кураш ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш; ўзининг ўринбосарлари ва таркибий бўлинмаларини ва ижроия маҳкамасини тайинлаш ҳамда тузиш, давлат органлари, корхона, ташкилот, муассасалар фаолияти устидан назорат қилиш билан боғлиқ ваколатлар; бюджет, унинг ижроси ҳақидаги ҳисобот, молия, ҳисоб-китоб, мулкчилик муносабатлари, ердан фойдаланиш муносабатлари, табиатни муҳофаза қилиш, савдо, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш, транспорт, алоқа соҳасидаги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлардан иборат бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ваколатларини, уларни амалга ошириш масалаларини таҳлил қилиш қуйидаги мулоҳазаларни илгари суришга асос бўлади:

биринчидан, ҳокимларнинг режа ва истиқбол дастурларини қабул қилишдаги фаолияти тегишли ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишига раҳбарликни таъминловчи асосий иш услубларидандир. Уларни қабул қилиш жараёнида ҳоким ваколатларининг амалга оширилиш тартибини белгилаш, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишига раҳбарлигини тўлиқ таъминлашга эришиш мумкин;

иккинчидан, маҳаллий солиқ ва йиғимлар маҳаллий кенгашлар томонидан ўрнатилса ҳам, уларнинг миқдорини белгилашда ҳоким фаоллигини кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки, айнан ҳоким маҳаллий бюджетнинг ишлаб чиқилиши ва бажарилишига масъул шахс ҳисобланади;

учинчидан, ҳокимлар маҳаллий ҳокимият органларининг барча соҳалардаги ваколатлари бажарилиши учун масъулдирлар (масалан, маҳаллий ҳокимият органларининг атроф-муҳитни ҳимоя қилишга доир ваколатларини амалга оширишда уларнинг қатъиятлилиги экологик вазиятни яхшилаш ва минтақа имкониятидан оқилона фойдаланишга замин яратади).

ИНСТИТУТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВА ПО ДЕЛАМ ОБ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРАВОНАРУШЕНИЯХ: ПРОБЛЕМА ПРАВОВОЙ РЕГЛАМЕНТАЦИИ

В Республике Узбекистан целенаправленно, системно и последовательно реализуются масштабные задачи по дальнейшему совершенствованию национального законодательства, созданию эффективных механизмов защиты прав граждан, обеспечению верховенства Конституции и законов. Осуществленные за годы независимости по инициативе Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова глубокие преобразования позволили обеспечить на деле независимость судебной власти, сделать важный шаг в дальнейшей либерализации судебно-правовой системы.

На сегодняшний день процесс реформирования судебно-правовой системы вышел на качественно новый уровень развития с учетом приоритетных целей и задач демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны. Так, только за последние годы принято около 60 законов, в соответствии с которыми реформирован институт адвокатуры, усовершенствованы система исполнения судебных решений, деятельность прокуратуры, принят ряд других мер, направленных на последовательную демократизацию всей судебно-правовой сферы.

В то же время, несмотря на значимые достижения в реформировании судебно-правовой системы страны и совершенствовании национального законодательства, в данной сфере еще сохраняются неиспользованные резервы. В частности, Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов 12 ноября 2010 г. на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан подчеркнул необходимость принятия Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности в новой редакции, предусмотрев меры по совершенствованию, демократизации процессуальных механизмов рассмотрения дел об административных правонарушениях, обеспечению законности, надежной защиты прав граждан в этой сфере¹. Таким образом, одним из важнейших направлений дальнейшего реформирования судебно-правовой системы определено совершенствование административного законодательства.

Следует отметить, что административные деликты в республике представляют группу наиболее распространенных правонарушений. Административная деятельность, осуществляемая подразделениями и службами органов внутренних дел, является самой объемной по содержанию выполняемых функций и многообразной по формам и методам правоохранительных действий. Об этом свидетельствуют статистические данные, касающиеся деятельности органов внутренних дел. При этом ведущее место в рассматриваемом аспекте среди остальных подразделений органов внутренних дел, осуществляющих административную практику, занимают подразделения службы профилактики и службы безопасности дорожного движения.

Одним из факторов эффективного осуществления административной практики органов внутренних дел являются обеспечительные меры производства об административных

* Соискатель кафедры административного права Академии МВД Республики Узбекистан.

¹ См.: Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. — Т., 2010. — С.25—26.

правонарушениях. Институт обеспечения — не новелла административного права. Он исторически сложился в гражданско-процессуальном праве, откуда с незначительными изменениями пришел в хозяйственно-процессуальное право. В названных процессах применяются меры обеспечения доказательств и меры обеспечения иска. Первые направлены на обеспечение рассмотрения дела, вторые — на обеспечение исполнения судебного решения. Институт обеспечения в названных отраслях права отличает материальное и процессуальное наполнение, отточенное длительной практикой правоприменения, чего нельзя сказать об институте обеспечения производства по делам об административных правонарушениях¹.

Практическая реализация мер обеспечения производства по делам об административных правонарушениях в ряде случаев сопряжена со сложностями, связанными с недостатками в их материально-правовом и процессуально-правовом регулировании.

Статья 294 КоАО Республики Узбекистан предусматривает, что в случае уклонения лица от участия в рассмотрении дела об административном правонарушении это лицо может быть подвергнуто приводу. Если исходить из содержания и правового смысла данной статьи во взаимосвязи с понятием и целями мер обеспечения производства по делам об административных правонарушениях, определенными в ст. 285 КоАО, то привод имеет принудительный характер. Следовательно, привод должен рассматриваться нормами КоАО в качестве одной из мер обеспечения производства по делам об административных правонарушениях, что обуславливает необходимость адекватного правового регулирования данного действия в соответствующем разделе КоАО.

В то же время, предоставив судье по административным делам и органам внутренних дел право осуществлять привод правонарушителя, ст. 294, как и другие нормы КоАО, не содержит понятия, а также правового механизма осуществления привода правонарушителя для участия в рассмотрении дела об административном правонарушении. Кроме того, несмотря на явно принудительный и ограничительный характер, который носит привод правонарушителя, он не предусмотрен в качестве меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях.

Анализ мер обеспечения производства по делам об административных правонарушениях, с момента введения в действие Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, показывает, что применение некоторых обеспечительных мер урегулировано другими нормативно-правовыми актами, что требует систематизации этих мер. Так, в соответствии со ст. 21 Закона Республики Узбекистан «Об исполнении судебных актов и актов иных органов» органы внутренних дел в целях обеспечения принудительного исполнения судебных актов и актов иных органов обеспечивают в установленном порядке принудительный привод лиц, уклоняющихся от явки к судебному исполнителю².

Что касается дальнейшего совершенствования правового механизма осуществления доставления правонарушителя в административном порядке, то следует отметить, что в ст. 284 КоАО установлена возможность принудительного доставления правонарушителя в орган внутренних дел или орган самоуправления граждан для составления протокола об административном правонарушении. По своему правовому смыслу данная статья подразумевает применение в отношении правонарушителя меры принуждения, имеющей целью обеспечение производства по делу об административном правонарушении, что сопряжено с ограничением конституционного права граждан на свободу.

¹ Об этом см.: *Хван Л. Б.* Административное право Республики Узбекистан. Особенная часть: Курс лекций. — Т., 2010. — С.23—25; *Бахрах Д. Н.* Административное право России: Учебник. — М., 2010. — С.19; и др.

² См.: Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. — 2001. — № 9—10. — Ст. 169.

Вместе с тем порядок и условия доставления правонарушителя не подпадает под действие норм, которые регулируют правоотношения, связанные с применением мер обеспечения производства по делам об административных правонарушениях. Расположенная в главе XX КоАО, посвященной протоколу об административном правонарушении, ст. 284 содержит нормы, предмет правового регулирования которых составляет применение мер принуждения, т. е. обеспечения производства по делам об административных правонарушениях. Кроме того, в нормах указанной статьи остался неурегулированным ряд важных процессуальных аспектов применения меры принуждения в виде доставления правонарушителя. В частности, не урегулирован порядок процессуального оформления доставления, срок содержания доставленного лица в помещении органов внутренних дел и некоторые другие аспекты. В этой связи вопросы, связанные с доставлением правонарушителя для составления протокола, следует урегулировать в разделе КоАО, который посвящен применению мер обеспечения производства по делам об административных правонарушениях. На лиц, подвергнутых доставлению, должны распространяться в полной мере гарантии защиты их прав, установленные для граждан, в отношении которых были применены меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях. Например, право на обжалование гражданами таких мер в вышестоящий орган (должностному лицу), прокурору или в суд, закрепленное ст. 293 КоАО.

Меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях являются самостоятельной группой мер административно-процессуального принуждения, отличающиеся сферой применения, наличием специального нормативного акта, регулирующего порядок их применения (глава XXI КоАО Республики Узбекистан), специфическими задачами, строгой процессуальной формой применения, специальными субъектами, полномочными их применять, особым порядком обжалования. На наш взгляд, рассматриваемая группа мер не совсем верно названа. Правильнее было бы назвать главу XXI КоАО «Меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях», подчеркнув их принудительную сущность.

Меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях — это урегулированная нормами административного права совокупность юридически значимых принудительных действий, применяемых компетентными органами, и являющихся способами обеспечения осуществления установленного порядка производства по делам об административных правонарушениях, реализации его задач, а также процессуальных обязанностей и полномочий участников производства. Данные меры, в зависимости от целей их применения, целесообразно классифицировать на три основные группы:

а) меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях пресекающего характера;

б) меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях, направленные на получение доказательств;

в) меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях, направленные на исполнение постановления по делу об административном правонарушении.

Меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях пресекающего характера — это меры, направленные на прекращение противоправного поведения лица, совершающего правонарушение, посредством принудительного ограничения свободы передвижения и действий такого лица или свободы пользования имуществом, явившимся предметом либо орудием совершения правонарушения, в целях обеспечения совершения необходимых процессуальных действий и процедур, применения иных мер обеспечения, установления личности нарушителя.

Меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях, направленные на получение доказательств, представляют собой урегулированные административно-процессуальными нормами принудительные юридически значимые

действия компетентных органов, направленные на обнаружение, фиксацию и надлежащее изъятие доказательств по делу об административном правонарушении.

Меры, направленные на исполнение постановления по делу об административном правонарушении, — это урегулированные административно-процессуальными нормами юридически значимые действия компетентных органов и их должностных лиц, представляющие собой принудительные ограничения, применяемые с целью обеспечения исполнения административного наказания, назначаемого в дальнейшем, и обеспечение взыскания, причиненного ущерба и издержек по делу.

Меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях могут быть применены только в отношении физических лиц.

На наш взгляд, на сегодняшний день существует объективная необходимость дополнить Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности рядом норм и положений, в частности:

1) статью 285 КоАО целесообразно изложить в следующей редакции:

«В целях пресечения административного правонарушения, установления личности, составления протокола об административном правонарушении при невозможности его составления на месте, если составление протокола является обязательным, обеспечения своевременного и правильного рассмотрения дела об административных правонарушениях полномочное лицо в пределах своей компетенции применяет одно из нижеследующих мер по обеспечению производства по делам об административных правонарушениях:

- 1) задержание и привод правонарушителя;
- 2) принудительный привод;
- 3) административное задержание;
- 4) личный досмотр, досмотр вещей и транспортных средств;
- 5) изъятие вещей и документов;
- 6) задержание транспортного средства;
- 7) отстранение от управления транспортным средством;
- 8) освидетельствование для установления состояния опьянения.

Вред, причиненный в связи с незаконным применением мер обеспечения производства по делам об административных правонарушениях, возмещается в порядке, предусмотренном гражданским законодательством»;

2) целесообразно дополнить Кодекс ст. 285¹ следующего содержания:

«Статья 285¹. Принудительный привод.

Принудительный привод означает принудительное доставление лица в суд, в орган, осуществляющий производство по делу об административном правонарушении, либо к судебному исполнителю, которое уклоняется от явки по уважительным причинам.

Принудительный привод осуществляется сотрудниками органов внутренних дел на основании определения суда или постановления судебного исполнителя. В ночное время принудительный привод не осуществляется. Принудительный привод не применяется в отношении лиц, не достигших 16-летнего возраста, в отношении беременных женщин и в отношении больных, чье состояние препятствует применению данной меры.

В случаях, когда нет возможности осуществить принудительный привод, данная причина должна быть отражена в постановлении (определении) о принудительном приводе»;

3) статью 286 КоАО следует изложить в следующей редакции:

«Административное задержание есть мера кратковременного ограничения свободы лица, применяемая в особых случаях для обеспечения своевременного и правильного рассмотрения дела и исполнения постановлений по делам об административных правонарушениях.

Об административном задержании составляется протокол, в котором указывается:

— время и место составления протокола, должность, фамилия, имя, отчество лица, составившего протокол;

— сведения о задержанном лице;

— место, время и основания задержания лица.

Протокол подписывается составившим его должностным лицом и непосредственно задержанным лицом. В случае, если задержанное лицо отказалось подписывать протокол, об этом делается соответствующая отметка в протоколе.

По просьбе задержанного лица о факте задержания могут быть извещены его родственники, его адвокат, администрация по месту его работы или учебы. В случае задержания несовершеннолетнего о факте его задержания в обязательном порядке сообщается его родителям либо лицам, их заменяющим»;

4) статью 288 КоАО целесообразно изложить в следующей редакции:

«Административное задержание не может продолжаться свыше трех часов. Исключение составляют обстоятельства, указанные во второй и третьей части данной статьи.

Лица, нарушившие пограничный режим либо порядок прохождения Государственной границы Республики Узбекистан через пограничные пункты или правила таможи могут быть задержаны на три часа для оформления протокола, в необходимых случаях для установления личности правонарушителя и обстоятельств совершенного правонарушения, начиная с момента осуществления задержания в течение двадцати четырех часов, о данном факте письменно сообщается прокурору и данное лицо может быть задержано еще на 48 часов.

Если за совершенное правонарушение по данному Кодексу к лицу может быть применена мера административного ареста, данное лицо не может быть задержано свыше 24 часов.

Если лицо задержано свыше трех часов, то в этом случае составляется протокол задержания. Если время задержания не превышает трех часов, соответственно составляется протокол об административном правонарушении, в котором указывается факт задержания.

Административное задержание начинается с момента доставления лица для составления протокола об административном правонарушении, а для лиц, находящихся в состоянии опьянения, — с момента их отрезвления»;

5) в ст. 284 КоАО следует установить максимальный срок, в течение которого может быть осуществлено доставление (не более одного часа);

6) в ст. 291 КоАО необходимо установить срок, в течение которого причина задержания транспортного средства может быть устранена на месте задержания без помещения на специализированную охраняемую стоянку.

ЖИНОЯТ ИШИ БЎЙИЧА ДАЛИЛЛАРНИ СОХТАЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ

Одил судловни таъминлаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни жиноий-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилиш зарурати ушбу муносабатларнинг муҳимлиги билан боғлиқдир. Шу боис ҳам одил судловга қарши жиноятлар тўғрисидаги жиноий-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириб бориш муаммоси ҳанузгача долзарблигини йўқотмаган. Мазкур йўналишда жиноят ишлари бўйича далилларни сохталаштирганлик ҳолатлари учун жавобгарликнинг жиноий-ҳуқуқий тартибга солиниши тўғрисидаги масала алоҳида эътиборга молик.

Афсуски, ҳанузгача тергов ва суриштирув органларининг фаолиятида жиноят содир этилишига олиб келган ҳақиқий сабаб ва шарт-шароитларни, ҳуқуқбузарнинг шахси ва уни жиноятга ундаган омилларни пухта ўрганмаслик, терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни ҳибсга олгач, жамиятдан ажратиб, кейин айбини сохта далиллар билан исботлашга киришишдек ўтган замондан қолган нохуш тажрибага бутунлай барҳам берилмаган. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг обрўсига, одил судловга бўлган ишончга сезиларли даражада путур етказиши мумкин.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Ҳуқуқ-тартибот органларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки кўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмоқда»¹.

Жиноят ишлари бўйича далилларни сохталаштириш ҳоллари амалиётда учраб турганлигига қарамай, бундай қилмишни содир этган шахсга нисбатан адекват тарзда жиноий таъсир чорасини қўллаш имконияти чекланган.

Масалан, ички ишлар бўлимининг терговчиси ўзганинг хонадонига гайриқонуний кириб, фуқаронинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилган шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатган. Дастлабки тергов жараёнида жиноят содир этган шахсни қўлга олишда иштирок этган ИИБ ходими гувоҳ сифатида сўроқ қилинмаган, жиноят содир этилган жойдан олинган ва хона эшигини очишда фойдаланилган махсус воситалар сақланган сумкани олиб қўйиш тергов ҳаракати амалга оширилмаган ва бу ҳақда баённома тузилмаган. Терговчи таътилга чиқиши муносабати билан тергов фаолияти кўрсаткичини яхшилаш мақсадида ўзи сохталаштирган ҳужжатлар — олиб қўйиш ва сўроқ қилиш баённомаларига асосланиб, жиноят иши юзасидан айблов хулосасини тузиб, тасдиқлаш учун прокурорга юборган.

Амалдаги ЖКнинг жиноят ишида шу ва шу каби далилларни сохталаштириш ҳолатлари учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан тўлдирилиши:

биринчидан, жиноят қонунчилигида юзага келган бўшлиқни бартараф этишса;

иккинчидан, содир этилган қилмишни жиноят қонуни жиҳатидан тўғри квалификация қилишса;

учинчидан, суриштирув, тергов ва суд идоралари масъул ходимларининг масъулиятини оширишса;

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. — Т., 2002. — Б.35.

тўртинчидан, айнан жиноят ишида далилларни сохталаштирган шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги таъминланишига;

бешинчидан, ишни судга қадар юритиш босқичида ноқонуний айб эълон қилиш, ушлаб туриш, қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш ёки судда кўриш босқичида сохталаштирилган далилларга асосланиб ҳукм (қарор) чиқариш хавфининг олдини олинишига имкон беради.

Бундан ташқари, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳаракати оқибатида юзага келадиган далилларни сохталаштириш ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодиса алоҳида равишда тартибга солиниши, бир томондан, жиноят одил судловини амалга оширишнинг конституциявий кафолатланиши, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши бўлса, бошқа томондан, айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган шахсларни жиноий таъқиб остига олишнинг муҳимлиги билан изоҳланади.

Далилларни сохталаштириш кўринишига эга бўлган ҳолатлар мустабид тизим Жиноят кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган бўлиб, улар қўйидаги мазмунни ифодалаган: 1) суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтириш натижасида айбсиз кишини жиноий жавобгарликка тортиш; 2) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтириш натижасида сохта хабарни етказиш; 3) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтириш мақсадида била туриб гувоҳ ёки жабрланувчини ва процессининг бошқа иштирокчиларини ёлғон гувоҳлик беришга ундаш.

Айрим муаллифлар, бундай моддалар сирасига ҳокимият ёки хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш, мансабни сохталаштириш ва била туриб адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарлик белгиловчи моддаларни ҳам киритганлар¹. Аммо улар мансаб сохтакорлиги ва ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш далилларни сохталаштириш натижаси бўлган тақдирда шахснинг қилмиши қўшимча моддалар билан квалификация қилиниши, чунки била туриб адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш учун жавобгарлик белгиловчи нормалар умумий норма ҳисобланишини эътиборга олишмаган.

Шунингдек, «далилларни сохталаштириш» тушунчаси 1959 йилги ЖКда ва амалдаги ЖК 237-моддаси иккинчи қисмининг «а» бандида эътироф этилган «айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтириш»нинг мазмун жиҳатидан вориси бўлса ҳам, бироқ улар жиноят иши бўйича ҳар қандай далилни сохталаштиришга айблов томони ҳам, ҳимоя томони ҳам йўл қўйиши мумкинлиги, айтилган пайтда, «айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтириш» жумласи фақат айблов далилларини сохталаштиришда жавобгарлик келиб чиқишини назарда тутганлиги туфайли ўзгача мазмунга эгадир. Бу эса жиноят ишлари бўйича далилларни сохталаштиришда жиноий жавобгарлик чегараларини анча кенгайтиришга замин яратади.

Умуман «сохталаштириш» атамаси ҳуқуқий моҳиятига кўра, жиноий ҳаракатлар оқибатида вужудга келган ҳолатга аниқлик, ойдинлик киритиши билан ажралиб туради. Чунки, «сохталаштириш» қандайдир маълумотларни қасдан бузиш, қалбакилаштириш, (лот. falsificare) ҳақиқийси ўрнига тақдим қилинаётган қалбаки нарса; ҳақиқийси ўрнига тақдим қилиш мақсадида ҳақиқийсини бузиб кўрсатиш ёки алмаштириш деган маънони англатади².

В. И. Дальнинг луғатига кўра мазкур тушунча «сохта, ёлғон, хато, нотўғри ёхуд қалбаки, қалабакилаштирилган, бирон-бир нарсани сохта, нотўғри, хато қилмоқ ёки қалбакилашти-

¹ Қаранг: *Асланов Р.М, Кропачев Н.М.* Уголовное законодательство Российской Федерации. — СПб., 1996. — С. 202; *Щеголев Ю.* Ответственность за фальсификацию доказательств // Законность. — 1999. — № 10. — С. 18.

² Қаранг: *Энциклопедический словарь.* — М., 1982. — С. 1931; *Большой толковый словарь русского языка.* — СПб., 2000. — С. 1415.

ришни» англатади¹. С.И.Ожеговнинг лугатида эса сохталаштириш «қалбаки нарсани ҳақиқий этиб намоён қилиниши» деб ифодаланган².

Сохталаштириш, тақдим этилаётган далилларни, масалан, ҳужжатлар (ишончнома, тилхат, шартнома, тафтиш далолатномаси, тергов ҳаракатларининг баённомалари ва ш.к.)ни қалбакилаштириш, уларни тозалаш билан маълумотларни ўзгартириш, нотўғри маълумотларни киритиш йўллари билан била туриб ўзгартиришда намоён бўлади.

Ўз навбатида, баъзи ҳуқуқшунослар «сохталаштириш» атамасини жинойий иш юзасидан нотўғри қарор қабул қилишни таъминлашга ёки ҳақиқатга эришишни қийинлаштиришга қаратилган далилий материалларни била туриб бузишга қаратилган қилмиш сифатида тушунадилар³. Бу таърифда кўрсатилган — «иш бўйича нотўғри қарор қабул қилишни таъминлаш ёки ҳақиқатга эришишни қийинлаштириш» ушбу қилмишни содир этган шахснинг жинойий мақсад деб билиш эҳтимолдан йироқдир. Зотан, далилларни сохталаштиришга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни бир таъриф доирасида тўлиқ қамраб олиб бўлмайдиган ҳар қандай мақсадда амалга ошириш мумкин.

Юридик адабиётда далилларни сохталаштиришга берилган таърифлар нисбатан кенг ёки торлиги ва терминологик жиҳатдан бир хил эмаслиги боис ўзгача маънога эга бўлса-да, бироқ у мазмунан яхлитлиги билан ажралиб туради. Жумладан, сохталаштириш — *фактик маълумотларнинг ҳақиқий маъносини била туриб турли шаклларда (ҳужжатларни сохталаштириш, турли процессуал ҳужжатларга сохта маълумотларни киритиш, муҳим аҳамиятга молик саналарни ўзгартириш) бузиб кўрсатишга йўналтирилган ҳаракат*. Далилларни сохталаштириш эса далил бўлиб ҳисобланадиган фактик маълумотларни турли шаклларда бузиб кўрсатишда, яъни ҳужжатларни қалбакилаштириш, тегишли процессуал ҳужжатларга сохта маълумотларни киритиш, ашёвий далилларни йўқ қилиш ва ш.к.да намоён бўлади. Н.И.Ветров ва Ю.И.Ляпунов сохталаштиришни «сунъий (сохта) ашёвий далилларни, масалан, жиноят содир бўлган жойдаги изларни қолдириш, сўроқ қилиш баённомасини яшириш (ёки бузиб кўрсатиш), сохта гувоҳларни топиш ва бошқалардан» иборат деб ҳисоблайдилар⁴. Шу боис уларнинг назарида, далилларни сохталаштириш деганда «фактик маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки мутлақо турли усуллар билан далилларни сунъий равишда юзага келтириш»ни тушуниш лозим.

Жиноят ҳуқуқи фанида кўпинча «мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган далилларни қалбакилаштириш мансаб сохтакорлиги шаклларида бошқа нарса эмас»лиги эътироф этилган⁵. Бу мунозарали фикр, чунки «қалбакилаштириш» сўзи «сездирмасдан бирор нимани қандайдир мақсадда қаергадир қўйиб қўйиш, ташлаб қўйиш, тикиб қўйиш»ни, «сохталаштириш» эса ҳақиқий, табиий бўлган ниманидир қалбакилаштиришни ифодалайди.

Амалиётда «қалбакилаштириш» ва «сохталаштириш» иборалари синоним сифатида қўлланилишига қарамай, улар моҳиятан бир-бирига ўхшамайди.

Зеро, далилларни сохталаштириш *суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки ҳимоячи томонидан жиноят иши бўйича қасддан ёлгон ёки сунъий далилларни вужудга келтиришда, оғир ёки ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги жиноят иши бўйича шахсни ноқонуний жинойий жавобгарликка тортилишига, судланишига ёки оқланишига олиб келадиган ҳолатларда ўз аксини топади*.

¹ Қаранг: *Сычев Д.* Фальсификация доказательств // Законность. — 2008. — №9. — С.45.

² Ўша жойда.

³ Қаранг: Уголовное право России: Общая и Особенная части / Под ред. В.П.Ревина. — М., 2000. — С. 737.

⁴ Уголовное право: Особенная часть / Под ред. Н.И. Ветрова и Ю.И. Ляпунова. — М.: 1998. — С. 657—658.

⁵ Қаранг: *Ахроров Б.* Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. д-ри дис. — Т., 2008. — Б. 240.

ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ СИФАТИДА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УЧИНЧИ ШАХСНИНГ ИШТИРОКИ

Ў тиш даври иқтисодийётига хос бўлган пулнинг қадрсизланиб бориши, ишлаб чиқариш даражасининг пасайиб кетиши, маҳсулотлар, хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги каби салбий ҳолатлар кучайган бир пайтда неустойка каби кенг қўлланиб келинган воситаларнинг аҳамияти анча пасаяди. Албатта, бунинг сабаби ўз-ўзидан равшан: ўз қарзини тўлаш учун етарли маблағ топа олмаган шахс жарима ёки пеня тўлаш учун маблағ топармиди?! Шу боис, гаров мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи ишончли восита ҳисобланади¹. Бинобарин, қарздор томонидан бериладиган гаровга нисбатан, қарздор бўлмаган учинчи шахснинг мулкани гаровга қўйиш мажбуриятларнинг бажарилиши сифатини оширади. Бунда *биринчидан*, мажбуриятни бажариш учун икки шахс (қарздор ва гаровга қўювчи учинчи шахс) жавобгар бўлади. *Иккинчидан*, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун қарздор мулки етарли бўлмаган ҳолларда учинчи шахсни жалб қилади, бу билан у бир томондан кредитор, иккинчи томондан гаровга қўювчи учинчи шахс олдидаги масъулиятини ҳис қилиб туради. Бу орқали қарздорнинг мажбуриятини ўз вақтида бажариши ва кредитор ҳуқуқларининг поймол бўлмаслигига эришилади.

Учинчи шахснинг гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларга киришишига нисбатан қонунга ёки шартномага асосан гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши тўғрисидаги умумий қоидаларни аниқлаштириш лозим: учинчи шахс — мол-мулки гаровга қўйилган мулкдор таъминловчи ҳуқуқий муносабатларда нафақат асосий мажбурият бўйича кредитор билан тузган таъминлаш тўғрисидаги шартномасига асосан юзага келиши, балки мажбурият муносабатларининг ўзгариши ёки юридик фактларнинг юз бериши натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Гаров — амалдаги фуқаролик қонунчилигида тўғридан-тўғри назарда тутилган таъминлашнинг бирдан-бир усулидир. Бунда учинчи шахс таъминлашга нафақат унинг пайдо бўлиши босқичида (ва юзага келтириш мақсадига), балки таъминловчи ҳуқуқий муносабатлар вужудга келганидан сўнг ҳам жалб қилинади.

Қарздор ҳисобланмайдиган шахснинг гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда иштирокига қараб қўйидаги асосларни фарқлаш мумкин:

Гаровга қўювчи — учинчи шахс ва кредитор ўртасида гаров тўғрисидаги шартномани тузиш (ФК 266-м. 1-қ). Шундай қилиб, учинчи шахс таъминлаш пайдо бўлган пайтдан бошлаб унга жалб қилинади — асосий мажбурият бўйича қарздор ҳисобланмайдиган гаровга қўювчи гаровга қўйиладиган мол-мулк билан боғлиқ муносабатларнинг ташаббускори ҳисобланаркан, ўз хатти-ҳаракатлари ва хоҳиш-иродасига кўра бевосита таъминловчи ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради. Ушбу ҳолатда даставвал мажбурият таъминловчи ҳуқуқий муносабатлар томони ҳисобланмайдиган субъект томонидан белгиланмайдиган ва амалга ошириладиган гаров билан таъминланади.

Учинчи шахсни қўйидагилар муносабати билан мавжуд ҳуқуқий муносабатларга жалб этиш мумкин:

а) қарздор гаровга қўйган мол-мулкка нисбатан эгалик қилиш ёки хўжалик юритиш ҳуқуқини учинчи шахсга бериш (ФК 284-м.);

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари махсус фанлар циклининг ўқитувчиси.

¹ *Исмоилов Н.Н.* Мажбуриятларни бажаришни таъминлаш воситаси сифатида гаровнинг ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан номз.... дис. — Т., 1999. — Б. 39.

б) гаровга қўювчининг гаров билан таъминланадиган мажбурият бўйича қарзлар ўтказилган янги қарздор учун жавоб беришга розилигининг ифодаланиши (ФК 287-м.).

Жалб қилиш (юқорида кўрсатиб ўтилган асослар гуруҳининг иккинчиси) шу билан тавсифланадики, гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар унга учинчи шахс жалб қилингунига қадар ўрнатилади.

Шундай қилиб, учинчи шахс иштирокисиз тегишли мажбуриятни бажаришни таъминлашда мол-мулк кредитор зиммасига «оғир вазифа» юклайди.

Юқорида баён қилинган ҳар иккала жалб қилиш ҳолатининг умумий хусусиятларига қарамаздан, улар бир-биридан анча фарқ қилади. Биринчи ҳолат («а» банди)да учинчи шахс гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар юзага келадиган гаров тўғрисидаги шартноманинг томони ҳисобланмайди. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг учинчи шахс томонидан олиниши муносабати билан гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ўзгариб кетади.

Иккинчи ҳолат («б» банди)да гаровга қўювчи ўзга таъминланадиган ҳуқуқий муносабатлар шахси бўлишини истисно қилганда, ҳуқуқий муносабатларнинг бирор-бир ўзгаришга дуч келиши билан тавсифланмайди. Ушбу ҳолатда асосий мажбурият бўйича қарзнинг гаровга қўювчи (дастлабки қарздор)дан учинчи шахсга ўтказилиши муносабати билан қарздорнинг учинчи шахсга айланиши содир бўлади. Мулкдор (хўжалик юритиш ҳуқуқига эга шахс) асосий мажбурият бўйича қарздор ҳисобланаркан, унинг ўзи гаровга қўйиш ташаббускори сифатида майдонга чиқишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ҳолатни шартли равишда шахсни таъминлашга «жалб қилиш» деб аташ мумкин. Бу гаровга қўювчининг таъминловчи ҳуқуқий муносабатлар томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмуни ва ҳажмини ўзгартирмасдан учинчи шахс мақомини эгаллашидир.

Шундай қилиб, гаровга қўювчи (асосий мажбурият бўйича қарздор ёки учинчи шахс ҳисобланаркан) гаровга оид ҳуқуқий муносабатлар мазмунини шакллантиришда иштирок этиш-этмаслигига қараб, кўриб чиқиладиган учинчи шахсни таъминлашга жалб қилиш асосларининг турларини бошқача фарқлаш мумкин:

учинчи шахс (биринчи тасниф) ёки асосий мажбурият бўйича қарзнинг янги қарздорга ўтказилиши натижасида гаровга қўювчи — учинчи шахс мақомини олган қарздор билан (иккинчи тасниф «б» банди) гаров тўғрисидаги шартномани тузиш;

учинчи шахснинг гаровга қўйилган мол-мулкка эгалик қилиш (ёки хўжалик юритиш) ҳуқуқини олиши (иккинчи тасниф «а» банди).

Биринчи ҳолатда мулкдор (хўжалик юритиш ҳуқуқига эга шахс) ўз хатти-ҳаракатлари билан таъминловчи ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради, мажбуриятни таъминлаш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатади. Иккинчи ҳолатда эса таъминловчи ўз хатти-ҳаракатлари билан гаровга оид ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди, балки фақатгина таъминлашга «жалб қилинади».

Шундай қилиб, қарздорнинг мажбуриятни бажаришини таъминлаш мақсадида, учинчи шахсни таъминлашда иштирок этишининг классик намунасида таъминловчи ҳуқуқий муносабатлар юзага келишининг асосини биз юқорида аниқлаганимиздек, гаровга қўювчи сифатидаги учинчи шахснинг гаровга олувчи сифатидаги кредитор билан гаров тўғрисидаги шартномани тузиши ҳисобланади (ФК 271-м.). Учинчи шахснинг мол-мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномани тузишда қандай махсус қоидаларга амал қилиш зарурлигини аниқлашга уриниб кўрамиз.

Маълумки, амалдаги ФК гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарса ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши лозимлигини тўғридан-тўғри назарда тутган (ФК 271-м. 1-қ.). Таъминлаш муносабатларида «...гаровга қўювчи сифатида учинчи шахс иштирок этаётганда асосий мажбуриятни мустаҳкамлаб қўйилган шартномага ҳавола этиш мақсадга мувофиқ эмас»¹. Цивилист Н.Н.Исмоиловнинг ушбу фикрлари ўринли, чунки учинчи шахс асосий

¹ *Исмоилов Н.Н. Ўша манба. — Б. 93.*

мажбурият бўйича қарздор сифатида иштирок этмайди. Бинобарин, асосий мажбуриятда унинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топмаган¹.

Учинчи шахснинг мол-мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномани асосий мажбуриятни расмийлаштирувчи шартномага шунчаки ҳавола қилиш етарли бўлмаслигини аниқлашимиз? Бунда агар гаровга қўювчи — учинчи шахс кредитор ва қарздор ўртасидаги шартноманинг томони ҳисобланмаса, гаров тўғрисидаги шартномада ушбу шартномага ҳавола қилиш асосий мажбуриятнинг моҳияти, ҳажми ва бажариш муддатлари билан бирга баён қилиниши лозим. Гаров тўғрисидаги шартномага асосий мажбуриятнинг моҳияти, ҳажми ва бажариш муддатлари баён этилишининг киритилиши шундан далолат берадики, таъминловчи ҳуқуқий муносабатларнинг томонлари муайян ҳажмдаги мажбуриятларни бажаришни таъминлаш тўғрисида келишиб олганлар. Айнан шунинг учун ҳам, Фуқаролик кодексида кўриб чиқиладиган талаблар ўрнатилади.

Гаровга оид ҳуқуқий муносабатларнинг томонлари асосий мажбурият томонлари билан мос келганда, табиийки, гаровга қўювчи ва гаровга олувчига таъминланадиган мажбурият шартлари маълум бўлади. Шунинг учун гаров тўғрисидаги шартномада гаровга қўювчи — қарздор ва гаровга олувчи — кредитор асосий битимга шунчаки ҳавола қилиш билан чекланишга ҳақлидир. Асосий мажбурият томони ҳисобланмайдиган шахс гаров тўғрисидаги шартномани тузганда, бундай гаровга қўювчи томон ҳисобланмаган шартномада унинг моҳияти, ҳажми, бажарилиш муддати баён қилинган кредитор ва қарздор ўртасидаги мажбуриятни бажаришни таъминлаш учун гаров берувчининг ўз мол-мулкни хавф остига қўйиши унчалик ҳам аниқ эмас. Учинчи шахснинг мол-мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган қоидалар билан бирга қарздор, яъни кимнинг мажбурияти таъминланаётганлиги кўрсатилиши керак.

Назаримизда, асосий мажбуриятни баён қилишда унинг томонларини (ёки ҳеч бўлмаганда мажбурият олган томонларни) идентификация қилиш ҳам зарур. Сабаби, асосий мажбуриятни баён қилишда юзага келиши мумкин бўлган ноаниқликларга йўл қўймаслик мақсадида амалиётда қуйидаги ёндашув кенг тарқалган: *кредитор ва қарздор ўртасидаги асосий шартнома гаров тўғрисидаги шартномага илова қилинади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади*.

Учинчи шахснинг мол-мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома худди кафилик шартномаси каби, гаров тўғрисидаги шартномани тузиш натижасида вужудга келадиган гаровга оид ҳуқуқий муносабатларга нисбатан учинчи шахс ҳисобланадиган қарздор фойдасига тузилади. Кафилик шартномаси сингари гаров тўғрисидаги шартномани қисман *алеатор* битимлар сифатида эътироф этиш мумкин. Гаров билан таъминланадиган мажбуриятни бажармаслик (лозим даражада бажармаслик) кредиторнинг жарима ундириш ва гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш ҳуқуқининг юзага келишига олиб келадиган *conditio juris* ҳисобланади.

Шунга қарамай, кафиликдан фарқли ўлароқ, гаровга қўювчи ва гаровга олувчининг бир қатор мутлақ ҳамда нисбий ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосий мажбуриятнинг бузилгунига қадар, гаров тўғрисидаги шартномани тузиш билан биргаликда юзага келади. Масалан, умумий қоидаларга кўра, гаров тўғрисидаги шартнома тузилган пайдан бошлаб, гаровга олувчи гаров нарчасига эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш (агар шундай ҳол шартномада назарда тутилган бўлса), гаров предмети (нарсаси)ни тасарруф қилишни тақиқлаш, гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилишни талаб қилиш, асосий мажбуриятни муддатидан олдин бажаришни талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлади².

Шундай қилиб, гаров тўғрисидаги шартнома асосида гаровга қўювчи ва гаровга олувчининг бир қатор «сўзсиз» ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзага келади, яъни гаровга қўйилган мол-мулкка, жарима ундиришга нисбатан томонларнинг юридик боғлиқлиги шаклланади. Демак, учинчи шахснинг мол-мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома ўз табиатига кўра кафилик шартномасига яқиндир, бироқ, юқорида таъкидланганидек, бу шартномалар, биринчи навбатда, гаровнинг табиати туфайли бир-биридан кескин фарқланади.

¹ Ўша жойда.

² *Гаров ташкил қиладиган мутлақ ва нисбий ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида батафсил маълумот учун қаранг. Белов В. А. Залоговые правоотношения: содержание и юридическая природа // Законодательство. — М., 2001. — № 11. — С. 9 — 17.*

ТЕРГОВ ВА СУДДАН ЯШИРИНГАН ШАХСЛАРНИ ҚИДИРИШДА ҲАМКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатда фуқаролик жамиятини қуриш масалаларига тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг асосий мазмун-моҳиятини фуқароларнинг эркинликлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкил этишини алоҳида қайд этиб ўтди¹.

Ушбу вазифаларни бажариш ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида тергов ва суддан яширинган шахслар қидирувини ташкил этиш муаммоларига яна бир бор эътибор қаратишни тақозо этади. Қидирув ишларининг самарасизлиги фуқароларда қонунларнинг муқаррар кучига бўлган ишончни сўндиради, соғлом ахлоқий-руҳий муҳит шаклланишига тўсқинлик қилади ҳамда жиноятчиликнинг тарқалишига олиб келади.

Тергов ва суддан яширинган шахслар қидируви жиноятларни тергов қилиш ва очишда ички ишлар идораларининг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ушбу йўналиш жиноятларни очишнинг ҳар томонлама самарадорлигини белгилаб беради. Қоидага кўра, исботлаш жараёнини кимгадир жиноятини исбот қилиш керак бўлгандагина вужудга келади, бошқача айтганда, жиноят содир қилган шахс аниқланган ва ушланганда намоён бўлади².

Шуни қайд этиш зарурки, айбланувчининг қўлга олинмаслиги ёки қаерда эканлигининг аниқланмаслиги жабрланувчи ва гувоҳларга хавф туғдириши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда давлатнинг имкониятларига шубҳа туғдириб, жиноят ишини судда кўришни амалга оширишга имкон бермаслиги мумкин³. Юқорида қайд этганимиздек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг асосий мазмуни ҳисобланади.

Бугунги кунда ушбу органлар томонидан тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларнинг қидирувини ташкил қилишда бир қатор муаммолар мавжуд. Улардан бири жиноят ишларининг судгача бўлган босқичига тааллуқли бўлиб, терговчи ва ички ишлар идоралари тезкор бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 365-моддасига кўра, айбланувчининг турган жойи номаълум бўлганда терговчи унинг турган жойини аниқлаш учун зарур барча чораларни кўриши шарт. Бунинг учун у яширинган жиноятчининг шахси ҳақида жиноят ишида мавжуд бўлган маълумотларни умумлаштиради ва таҳлил қилади, унинг пайдо бўлиши мумкинлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар йиғади, зарур ҳолларда эса, яширинган айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилади.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлимининг стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.

² *Ткачук Т.А., Есин С.Н.* Актуальные проблемы правового обеспечения розыска лиц, скрывшихся от дознания, следствия и суда // Вестник Владимировского юридического института. — 2008. — № 4. — С.238.

³ Қаранг: *Закирова Э.Ф.* Приостановление предварительного следствия в случае, когда подозреваемый или обвиняемый скрылся от следствия либо место его нахождения не установлено по иным причинам: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Ижевск, 2004. — С.4.

Шу ўринда айрим олимлар биз терговчининг қидирув эълон қилишдан олдин айбланувчи шахсининг турган жойи маълум эмаслиги ҳақидаги маълумотларни фактлар билан ҳамда ҳужжатлар асосида тасдиқлаши кераклиги тўғрисида¹ билдирган фикрларга тўлиқ қўшилаемиз.

«Қидирув эълон қилиш» тушунчаси борасида қидирув амалиёти идораларининг норматив ҳужжатлари ҳамда махсус адабиётларда турли фикрлар баён этилади. Масалан, бир ўринда бу шахс қидирувини эълон қилиш учун шартлар ва асослар мавжудлигини тасдиқлайдиган тегишли қарорлар асосида терговчининг қарори ва уни қидирув бўлинмаларига топшириш тушунилса, бошқа бир ўринда терговчининг топшириғи асосида суриштирув органи томонидан амалга ошириладиган ташкилий ва қидирув тадбирлари тизими назарда тутилади. Бир қатор олимларнинг таъкидлашича², яширинган шахсининг қидирувини амалий ташкил қилиш учун юқоридаги фикрларнинг ҳар иккаласи ҳам бир хил аҳамиятга эга, чунки ушбу ҳаракатлар қидирув жараёнини бошлаб беради. Бундан ташқари, қидирув эълон қилиш муайян ташкилий ва қидирув тадбирларини амалга ошириш ваколатига кирадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хизмат ва бўлинмаларини унда иштирок этишга жалб қилиш имконини беради. Терговчи томонидан қидирув эълон қилиниши, ўз табиатига кўра, процессуал қарор бўлиб, унинг асоси ва шартлари жиноят-процессуал қонунчилигида ўз ифодасини топган³.

Шундай қилиб, яширинган жиноятчининг қидирувини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг жиноят ишини судда кўриб ҳал қилишгача бўлган босқичида терговчининг роли жуда муҳимдир. Чунки жиноят процессининг бевосита иштирокчиси қидируви ҳам ташкил қилиш учун жавобгар ҳам айнан терговчи ҳисобланади.

Бироқ, тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозир амалиётда терговчиларнинг яширинган жиноятчиларнинг қидирувига қизиқмаслиги ҳоллари кузатилмоқда. Уларнинг фикрича, ушбу фаолиятни амалга ошириш фақат ички ишлар идоралари тезкор аппаратларининг вазифасига киради. Аксарият терговчиларда жиноятчини қидириш — қидирув бўлинмаларининг асосий вазифаси, деган қараш, стереотип мавжуд, шу боис ҳам терговчиларнинг қидирувни ташкил қилишга доир ишларида айрим ўзига хос камчиликлар, хатолар учрайди. Уларга қуйидагилар киради:

— ички ишлар идораларининг қидирув бўлинмаларига қидирилаётган шахс ҳақида тўлиқ маълумот берилмаслиги;

— терговчи айбланувчининг турар жойини аниқлаш ва уни тергов ҳаракатлари жараёнига жалб этиш мақсадида етказиш учун кўрган чораларни тасдиқловчи ҳужжатлар (чақирув қоғозининг корешоғи, олиб келиш ҳақидаги қарор, мажбурий олиб келишни ижро этган ички ишлар органи ходимларининг билдиргиси ва ҳ.к.)нинг йўқлиги;

— қидирувни ўз вақтида эълон қилмаслик ва бошқалар.

Кўриб ўтилаётган тоифадаги шахслар қидируви бўйича ички ишлар идоралари тезкор аппаратларининг терговчилар билан ўзаро ҳамкорлигидаги асосий муаммолардан бири қидирилаётган шахс ҳақида унга нисбатан қидирув эълон қилинганидан кейин тўлиқ маълумот берилмаслигидир. Оператив бўлинмаларга яширинган шахсининг пайдо бўлиши эҳтимол тутилган жойлар, унинг алоқалари, шахси (хулқ-атворининг ўзига хослиги) тўғрисида маълумотлар берилмаслиги ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бу эса комплекс тезкор-қидирув тадбирларнинг ўтказилиши ва қидирув натижаларига салбий таъсир кўрсатади. Бундай вақтларда терговчининг айбланувчини қидириш ҳақидаги топшириғи

¹ Қаранг: *Лапин Е.С., Михайлова Ю.Н.* Краткий курс теоретических основ оперативно-розыскной деятельности: Учебное пособие для студентов. — Саратов, 2006. — С.108.

² Қаранг: *Матчанов А.А.* Организация деятельности следователя по розыску скрывшегося обвиняемого: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2006; *Боголюбская Т.В.* Деятельность следователя органов внутренних дел по розыску скрывшихся обвиняемых. — М., 1986. — С. 27—28.

бундай шахслар тўғрисида маълумотларнинг камлиги, тўлиқ эмаслиги ва уларнинг қаерда бўлиши эҳтимол тутилган жойларнинг кўрсатилмаслиги билан фарқ қилади. Бундай камчиликларнинг мавжудлиги оператив бўлинмаларнинг қидирувдаги шахсларни қидириш ва ушлашни ўз вақтида ташкил қилиш ва самарали амалга ошириш имкониятларини йўққа чиқаради. Ижобий натижага эришиш учун эса тезкор ходимлар тегишли зарур материалларни мустақил равишда ўрғанадилар, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиладилар, бироқ бунинг учун кўп вақт сарфланади. Агар қидирувнинг дастлабки босқичида терговчи ва оператив бўлинмалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик (қидирилувчининг шахси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, содир этилган жиноятнинг ҳолатлари, аниқланган дўстлари ва танишлари ҳақидаги ва бошқа маълумотларни олиш) тўғри ташкил этилса, қоидага кўра, терговчи кейинчалик қидиришда иштирок этмайди.

Терговчининг айбланувчини қидириш муносабати билан жиноят ишини тўхтатиш ҳақидаги қарори ҳар доим ҳам жиноятга оид процессуал қонунчилик талабларига мос келавермайди. Жумладан, ЖПК 364-моддасининг барча тергов ҳаракатлари жараёни ҳақидаги иккинчи қисми, аниқроғи айбланувчи йўқлигида ўтказилиши мумкин бўлган жараён талабларининг бажарилмаслиги ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолларда иш материалларига, расмий талабларга кўра тиббиёт муассасалари, морглар, мобиль алоқа компанияларининг берган жавоблари қўшиб қўйилмайди, иш бўйича аниқланган барча гувоҳлар сўроқ қилинмайди, алоҳида топшириқларнинг ижроси лозим даражада бажарилмай қолади.

Маълумотлар ҳажмининг ҳаддан ташқари кўплигига қарамай, назаримизда, терговчи уларни йиғишга ўта масъулият билан ёндашиши лозим. Чунки, кўриб ўтиладиган тоифадаги шахслар қидирувининг муваффақияти ва тезкорлиги кўп жиҳатдан олинган маълумотларнинг тўлиқлиги ва аниқлигига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, ушбу маълумотлар қидирув фаолиятини амалга оширувчи оператив бўлинмалар учун бошланғич ва кўпинча ягона хабарлар бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун улар терговчи томонидан қанча тез олинса ва тезкор аппаратларига берилса, тезкор-қидирув тадбирлари шунчалик тез ва фаол амалга оширилади.

Шу ўринда А. А. Матчановнинг қарашлари диққатга сазовордир. Унинг фикрича, тезкор аппаратлар томонидан қидирув ишларида такрорларга йўл қўймаслик учун терговчининг ўтказилган қидирув ҳаракатлари натижалари, шартлари ва айбланувчининг йўқлиги сабаблари юзасидан хулосалари (қандай тахминлар илгари сурилган, уларнинг текшируви нималарни кўрсатган, улар қандай амалга оширилган ва ҳоказо) борасида тўлақонли ҳисобот тузиши мақсадга мувофиқ бўлар эди⁷.

Фикримизча, терговчи ва оператив бўлинмаларнинг қуйидаги ҳамкорлиги ишнинг самарали бўлишига олиб келади:

- иш натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- қидирув тахминларини ишлаб чиқиш;
- қидириладиган шахснинг турар жойини аниқлашга қаратилган тезкор-тергов тадбирларини биргаликда режалаштириш;
- иш жараёнида жиноят ишини тўхтатиш бўйича оғзаки ёки ёзма маълумотларни доимий равишда алмашиб туриш ва ҳоказо.

Ушбу муаммолардан яна бири — айбланувчининг қидириш ҳақидаги қарор шахсни терговчининг чақирувига биноан келишдан бош тортиши факти бўйича эмас, балки дастлабки тергов муддатининг тугаши олдидан чиқарилишидир. Бу, ўз навбатида, қидирувни

¹ Қаранг: Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р. А. Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. — Т., 2010. — Б. 606.

² Қаранг: Матчанов А.А. Актуальные вопросы организации розыска обвиняемых // Хуқуқ—Право—Law. — Т., 2000. — №1. — С. 59.

Ўз вақтида бошламасликка ва айбланувчи шахснинг тегишли органлардан яшириниши учун етарли муддат, имконият яратилишига олиб келади. Бундай вазиятда асосий эътибор шахснинг тергов органларига келишдан бош тортиши эҳтимоли вужудга келиши билан дарҳол шахснинг қидируви эълон қилинишига қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Бу оператив бўлинмалар томонидан жиноятни «иссиқ изидан» очишга мўлжалланган фаолиятни амалга ошириш, қидирув тадбирларини ўтказиш самарадорлигига имкон беради.

Демак, яширинган жиноятчиларнинг қидирувини ташкил этишдаги муаммоларнинг асосий қисми жиноят ишининг суд жараёнигача бўлган босқичига тўғри келади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, яширинган жиноятчилар қидирувини ташкил этиш терговчи ва оператив аппаратлардан биргаликда, мақсадга йўналтирилган, баъзан амалга ошириш кўп вақт ва куч ҳамда катта моддий маблағ сарфланадиган мураккаб ва сермашаққат кўшимча қидирув тадбирлари ўтказишни талаб қилади. Қидирилаётганларни топиш методлари ва воситаларини қўллашнинг комплекслиги, уйғунлиги қидирув ишларининг алоҳида ўзига хос белгисидир. Қидирув ишларида, оператив-қидирув тадбирларидан ташқари, турли тергов ҳаракатлари ўтказишни ўз ичига олган жинорий-процессуал чоралар ҳам катта имкониятларга эга¹.

Илгари сурилаётган таклифлар мукамал, тўла-тўқислигига даъвомиз йўқ, албатта. Чунки суд ва терговдан яшириниб юрган шахслар қидируви бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига таъсир қилувчи салбий омиллар турли-туман бўлиб, бири-биридан фарқ қилади. Бу ҳол ички ишлар идораларининг қидирув ишларини такомиллаштириб бориш доимий жараён эканлигини, бу соҳада чуқурроқ, атрофлича тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

• Нашрга тайёрланди •

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолати: Илмий мақолалар тўплами / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Б.А. Саидов, И.Ю. Фазилов, Ш.А. Ганиев. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — 158 б.

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган бўлиб, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий асосларига доир қонунчиликни такомиллаштириш масалалари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган қонунчиликни ривожлантириш истиқболлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган халқаро ҳужжатларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиш муаммолари ва бошқа илмий муаммолар атрофлича ёритилган.

Тўплам олий ўқув юртлари талаба (тингловчи), магистр, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва тадқиқотчилари, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

¹ Қаранг: Оперативно-розыскная деятельность: Учебник / Под ред. К.К.Горяинова, В.С.Овчинского, А. Ю. Шумилова. — М., 2001. — С.511.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ: ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

2011 йил 29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: муаммо ва истиқболлар» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» да белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Ушбу анжуманни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари юридик фанлар номзоди, подполковник М. Т. Турғунов кириш сўзи билан очар экан, қуйидагиларни таъкидлади: «ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш, ушбу йўлда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш; шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш; суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаш ҳамда уни инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантириш каби бир қатор муаммолар борки, улар ҳал қилиниши кечиктириб бўлмайдиган масалалардир».

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия Вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа идораларнинг вакиллари, шунингдек республикаимиздаги олий ўқув юртларининг етакчи мутахассислари ва олимлар фаол иштирок этдилар.

Ушбу илмий-амалий конференцияда суд-ҳуқуқ соҳасига, одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим омили сифатидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти ҳамда қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати А. Тўхташевнинг «Ўзбекистон Республикасидаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишлари», Тошкент давлат юридик институти жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор З.Ф. Иноғомжоновнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари масалалари», Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори М. Мамасиддиқовнинг «Суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришнинг аҳамияти ва зарурати», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юристлар малакасини ошириш марказининг халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси профессори Б.И. Исмоиловнинг «Ҳарбий хизматчиларга нисбатан одил судловни мақбуллаштиришнинг назарий муаммолари», ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди доцент Д.М. Миразовнинг «Судга қадар иш юритуви устидан суд контролини такомиллаштириш тизими истиқболлари» каби маърузалари ва улар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар ва маърузалар юзасидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, унинг назарий-методологик асосларини ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ ва асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ, ПОСВЯЩЁННЫЙ ВОПРОСАМ ПРЕПОДАВАНИЯ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА СОТРУДНИКАМ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ

7-9 июня 2011 года состоялся международный семинар-тренинг на тему «Особенности методологии преподавания прав человека сотрудникам правоохранительных органов», организованный Академией Министерства внутренних дел Республики Узбекистан в сотрудничестве с Координатором проектов ОБСЕ в Узбекистане.

В работе семинара приняли участие профессорско-преподавательский состав Академии, международные эксперты ОБСЕ по правам человека, представители правоохранительных органов, высших образовательных учреждений, научной общественности республики.

В семинаре также принял участие атташе по внутренней безопасности Генерального консульства Франции в г. Алматы Пьер Пушере.

Семинар-тренинг открыли первый заместитель начальника Академии МВД, кандидат юридических наук М.Т. Тургунов и старший советник Координатора проектов ОБСЕ в Узбекистане Бернар Руо.

В ходе семинара были заслушаны и обсуждены доклады «Формирование культуры прав человека: опыт и перспективы (на примере Академии МВД)», «Методология преподавания общей теории прав человека слушателям Академии МВД», «Особенности методики проведения занятий по правам человека для слушателей Высших академических курсов», «Опыт проведения семинаров-тренингов по правам человека для практических работников системы МВД Республики Узбекистан».

Выступления международных экспертов Марчина Видра (Польша) и Марка Лабальма (Франция) были посвящены вопросам практики преподавания прав человека сотрудникам правоохранительных органов в зарубежных странах, обучения сотрудников полиции обеспечению прав человека при раскрытии и расследовании преступлений.

В ходе семинара-тренинга состоялся плодотворный обмен мнениями участников с международными экспертами об основных тенденциях и направлениях совершенствования методики преподавания прав человека сотрудникам правоохранительных органов, внедрения в данный процесс современных форм и методов обучения.

Эксперты подчеркнули, что проводимые в Узбекистане последовательные шаги по имплементации в национальное законодательство норм международных стандартов в области прав человека вызывают заслуженный интерес у зарубежных специалистов, поскольку основным направлением реформ в данной сфере является обеспечение прав и свобод человека.

По результатам работы семинара были сформулированы соответствующие рекомендации и предложения по дальнейшему совершенствованию методов преподавания прав человека сотрудникам правоохранительных органов. Было выражено общее мнение о том, что подобные мероприятия способствуют более глубокому пониманию сути и значения международных стандартов и национального законодательства по обеспечению прав человека.

По итогам семинара-тренинга его участникам были вручены сертификаты о прохождении обучения по вопросам методологии преподавания прав человека сотрудникам правоохранительных органов.